

**Муассис**  
**“Ijod olami” МЧЖ**

2017 йилдан чиқа бошлаган.

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳаммад АЛИ  
Сирожиддин САЙИД  
Иқбол МИРЗО  
Тўлан НИЗОМ  
Сайди УМИРОВ  
Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ  
Исажон СУЛТОН

**Бош муҳаррир**

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

**Мусаҳҳих**

Дилфуза МАХМУДОВА

**Диз@йнер**

Ғиёсиддин УНАРОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Нашрдан кўчириб босилганда “Ijod olami” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Манзилимиз**

Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-“а” уй.  
e-mail: ijod\_olami@ijod.uz,  
inbox@ijod.uz  
Тел./факс: (0-371) 239-26-91

Босишга 15.07.2017 йилда  
рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7.  
Индекс 1290.

ISSN 2181-8959. Журнал 2016 йил  
15 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан № 0893  
рақами билан рўйхатга олинган.  
“SILVER STAR PRINT”

МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма № 26. Адади 1500 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-мавзе, 17-уй.

**Муқовамизда**

“Болалик” портрети,  
Дилором МАМЕДОВА

## МУНДАРИЖА

### ҲАЁТБАХШ ДАЪВАТ

**Муҳаммаджон ОТАБОВЕВ.** Халқимиз қалбидаги,  
юрагидаги сўзлар айтилди. ....2

### НАСР

**Мурод Муҳаммад ДЎСТ.** Бир тойчоқнинг хуни. Ҳикоя. .... 7  
**Наби ЖАЛОЛИДДИН.** Чувалчанг ёққан кеча. Ҳикоя..... 32  
**Жасур КЕНГБОВЕВ.** Шубҳа. Ҳикоя. .... 43

### НАЗМ

**Йўлдош ЭШБЕК.** Рангин гуллар кўрар рангин туш. .... 4  
**Сирожиддин РАУФ.** Муҳаббат йўлига бахш этар жонин... .... 38  
**Йўлдош СУЮНОВ.** Дилдор келадур эртага.... .... 48

### ХОТИРА

**Саттор АЛИМАРДОНОВ.** Менинг болалиқдаги бўстим. .... 26

### АДАБИЙ ГУРУНГ

**Карим БАҲРИЕВ.** Ижод – индивидуал, хос жараёндин..... 28

### ЖАҲОН ХАЗИНАСИ

**Юхан БОРГЕН.** Ёзувчи бўлмақ нима дегани? ..... 24  
**Азиз НЕСИН.** Қирқ йил илгари ..... 59

### ТАДҚИҚОТ

**Нўмон РАҲИМЖОНОВ.** Қалбнинг тўрт фасли. .... 19  
Эзгулик эскирмайди, унутилмайди. .... 54

### МУНОСАБАТ

**Рустам МУСУРМОН.** Сўзнинг ранглари. .... 36  
**Олим ОЛТИНБЕК.** Бир бедор юракнинг эгасиман мен.... .... 37

### ЖАЙДАРИ МАНТИҚ

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.** Мастона йўл олдим майхона томон... .... 40

### ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

**Антон ЧЕХОВ.** Ит билан суҳбатлашганодам. Ҳикоя. .... 52

### РУҲИЯТ

Инсон: машаққат, матонат, муваффақият. .... 50

### РИВОЯТ

Қирқиб гапирмайсизми? ..... 53

### ЁШЛАР ОВОЗИ

**Наргиза АСАДОВА.** Юрт ҳақида эрка изҳорлар ..... 62

### ШИНГИЛ ҲАНГОМА

**Анвар ОБИДЖОН.** Эркин Воҳидов мутойибалари..... 63



# Халқимиз қалбидаги, юрагидаги сўзлар айтилди

Жорий 2017 йилнинг 15 июн куни эсдан чиқмас тарихий воқеа содир бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев диний уламо ва имом хатиблар билан учрашди. "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида ҳар бир одамнинг юрагига етиб борадиган нутқ сўзлади. Юртбошимизни тинглар эканман, бир неча марта кўзларимга беихтиёр ёш қалқиб келди. Чунки бу сўзлар ватанпарварлик, инсонпарварлик ва фидойилиқда барчамизга ўрнатилган бўла оладиган инсон томонидан айтилгани боис, юракларни ларзага солди. Президентимиз ўз нутқида, жумладан, шундай деди:

"Бугунги учрашувимиздан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала ҳақида фикрлашиб олмақчиман. Сизларга яхши

аёнки, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм берувчи, мутахассис тайёрлаб берадиган илмий мактаблар ташкил этсак, нима дейсизлар?

Масалан, Самарқандда – имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотурудий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғинович илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабларини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади.

Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади.

Куни кеча имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимизда, бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим..."

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан савоб иш ва амаллари орқали Яратганни рози қилишга интилиб яшаган. Аммо динни яхши ўрганмаса, нима тўғри, нима хато эканини билмаса, савоб-гуноҳнинг фарқи бормаса, адашиб-улоғишлар кўпаяверади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Президентимиз Ўзбекистон муслмонлари идораси фаолияти



самарадорлигини ошириш, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва имом-хатибларга қулайликлар яратиш учун кўп масалаларни ўртага ташлади.

Дарҳақиқат, бугун иймон-эътиқод ва юксак маънавият тарғиботи ҳар қачонгидан долзарб эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун дунёнинг кўп мамлакатларида нотинчлик, беқарорлик тобора ортиб бормоқда. Қаердадир хунрезлик, портлашлар, бегуноҳ инсонларнинг завол топгани ҳақидаги хабарларнинг кети узилмаяпти. Шу аснода, муҳтарам Президентимиз айтганидек, "Террорчи ўзбек экан" деган гап халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда...

Президентимиз имомларга қарата шундай деди:

– Сизларнинг атрофингизда нурли муҳит бўлиши керак. Юриш-туришингиз, маънавиятингиз, гапирган гапларингиз ҳам халқимиз ва ёшларимизнинг қалбига етиб бориши, кўзларини ёндириши керак. Агар одамларни ишонтира олмасангиз, жума намозларида туриб, ваъхонлик қилишга ҳақларинг йўқ, аччиқ бўлса ҳам, бу ҳақиқат! Биз барчамиз, халқимиз кимдан ибрат олади, сиз - азиз уламолардан! Ўттиз икки ярим миллионлик халқнинг тинчлигини ўйлашимиз керак. Шунинг учун мен сизларни мана шундай улуғ айём кунлари таклиф қилиб, тик туриб гапиряпман. Мен Президент сифатида сизлардан ёрдам сўраяпман. Агар маҳаллангизда зарарли диний оқимга кириб қолганлар бўлса, уларни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало улар билан гаплашиб, "Бу ота-боболарнинг йўли эмас, бу хатарли йўлдан қайт. Ҳақиқат мана бу ерда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб ҳеч ким кам бўлмаган", деб уларни соғлом эътиқодга ишонтиришларинг керак, – дедилар.

Тушунтириш ишларининг самарали олиб борилгани натижасида, Шайхонтоҳур туманида 300 дан зиёд адашганларнинг қарийб 250 нафари тўғри йўлга қайтганини мисол қилиб келтирилди. Бу – бир туманнинг ўзида шунча хонадонда тинчлик, осудалик, хурсандчилик, келажакка ишонч ва одил Юртбоши ҳақиқига дуо қилиш, демақдир.

Муҳтарам Президентимизнинг "Жинойят содир этган кимсанинг ўзи – айбдор. Лекин ака-укаси, ота-онасида не айб?! Аксинча, уларни тўй-маъракаларга чақиринг! Уларни яккалаб, бўлиб ташламанг", деган сўзлари ҳар бир инсон юрагини ларзага солади. Бу, шубҳасиз, буюк инсонпарварлик намунаси.

Ҳа, бизнинг Ватанимиздек жаннатмонанд юртни, бағрикенг халқ, доно ва адолатли Юртбошини дунёдан топиб бўладими? Тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етишимиз керак. Турли ихтилофлар чиқариб ва тафриқа қилиб яшаш бизга асло тўғри келмайди.

Юртбошимиз ҳаммамизни китобхонликка даъват этяпти. Чунки аждодларимиз илм-маърифат билан дунёга устоз бўлганлар. Имом Бухорий бобомиз ҳадис илми султони, Баҳроуддин Нақшбанд тасаввуф илми устози бўлган. Бу рўйхатни давом эттирсак, оламшумул боболаримизнинг илм-маърифат йўлида қилган улуғ ишлари бу саҳифаларга сиғармикан. Биз иймон-эътиқод, юксак маънавият ва маърифат эгалари бўлган буюк зотларнинг авлодларимиз.

Муҳтарам Юртбошимиз "Шундай улуғ зотларнинг зурриёдларимиз, уларга муносиб авлод бўлиб, китоб ўқинг! Улуғ бўлинг! Маърифатли бўлинг! Билимли бўлинг!" демоқда. Бу қаҳриққа ҳар бир инсон, ҳар бир мусулмон бажонидил "лаббай!" деб жавоб бериши керак.

Шукрки, бугун юртимизда қаёққа қараманг, умидли ўзгаришлар, осойишталик шуқуҳи! Дастурхонларимиз тўкин-сочин. Давлат раҳбарининг шахсан ўзлари халқ қайғусини баробар чекади, бу биз учун бахт эмасми? Ҳар бир муаммони дилдан эшитиб ҳал қилишни ният қилган, қаердадир адашиб юрган юрт фарзандига отасидан-да кўпроқ жон койитган Юртбоши яна қаерда бор? Бундай мурувватни ҳеч қайси давлатдан топиш мумкин эмас. Бизларга тафриқа қилиб яшаш ярашмайди. Аксинча, аҳил-иноқ ва бирдамликда яшашимиз керак.

Юртбошимиз юксак минбардан эътироф этиб, меҳнатимизга кўрсатган эътибор ва ғамхўрликлари кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бундай эҳтиром, ишончли мамлакатимиз ва жаҳондаги воқеа-ҳодисаларни зийрак нигоҳ билан кузатиб, уйғоқ қалб билан ҳис этиб, самимий ва холис сўзда халқимизга етказиш билан оқламоқ ниятимизни Аллоҳ қўллаб-қувватласин.

Яратганга шукрлар бўлсинки, одамийлик ва кечиримликда ҳаммамизга ибрат бўладиган Юртбошини бизга ато қилди. Бу – улуғ неъмат. Бу неъматга шукрона қилайлик! Бу неъматни фидокорлик билан асрайлик! Миллатимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида кечаю кундуз тиним билмай изланаётган бу фидойи зотга садоқат билан хизмат қилайлик!

Аллоҳ таоло муҳтарам Юртбошимизни, жаннатмонанд юртимизни ва барчамизни ҳифзу ҳимоясида асрасин.

**Муҳаммаджон ОТАБОЕВ,**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги "Дорул омон" жомеъ масжиди имом-хатиби



Йўлдош ЭШБЕК

## Рангин гуллар кўрар рангин туш

### Эй менин

ҳориган тоғларим,  
қорлари ариган тоғларим,  
кимларни кутасиз интизор,  
интизор, қариган тоғларим,  
қорингиз айрилиб кўл бўлди,  
борингиз айрилиб мўл бўлди,  
бағрингиз тилсимли хазина,  
тошингиз айрилиб йўл бўлди,  
йўлдан бир паҳлавон келарми,  
бергувчи жонга жон келарми,  
келарми тортгали қўллардан,  
жилмайиб қўлини берарми,  
йўллайсиз ёзларда саломлар,  
тип-тиниқ дур каби каломлар,  
осмонни жо этган ҳар томчи –  
булоқлар сўзида талонлар,  
сукун-ла боришмоқ истайсиз,  
сиз ҳам бир ёришмоқ истайсиз,  
ёритиб атрофни ҳар қачон,  
шу тақлид қоришмоқ истайсиз,  
йўл юриб кутасиз, толасиз,  
кутиб, йўл юрасиз, қоласиз,  
отдош паҳлавонлар қайтгайми?!  
эҳ қачон сиз кутиб оласиз?!

### Юлдузни

оладилар,  
қопига соладилар,  
елкага кўндирурлар,  
ненидир ундирурлар,  
йиғлаб қаёққа кетсин,  
бечора юлдуз нетсин,  
осмон остида эди,  
ернинг устида эди,  
порлагани қўймади,  
бир қўл олиб ўйнади,  
тақди ёмон кўксига,  
юлдуз энди ўксиган,  
ҳеч чақнаб ёнолмайди,  
қисматдан тонолмайди,  
қўл ўйнар, ўйнар елка,  
бирор наф ўққидир элга,  
көккайманг юксакман деб,  
юлдуз – сабоқ, эмас зеб.

### Қарвонлар

асрни асрга улар,  
турналар уфқдан уфққа ўтар,  
маъюс, шод нолалар оламни тутар,  
дарё тўлқинлари кабидир дунё.

Юлдуз шуъласидан гўзал тун юзи,  
чарақлаб кетади умиднинг кўзи,  
ҳолбуки саҳродир, қародир юзи,  
саҳро ёлқинлари кабидир дунё.

Йўлчи юлдузларга қараб юрасан,  
қалбада ишқ бўлмаса ҳайрон турасан,  
паришон йўлингни қайга бурасан,  
сароб жўшқинлари кабидир дунё.

Гоҳ кумлар кўрасан, гоҳида гуллар,  
эрқда мунгли, қафасда шод булбуллар,  
синов, сабоқ ичра комил кўнгуллар,  
баҳор тошқинлари кабидир дунё.

Қувончни соғинган интиқ хонасан,  
гарчи отадирсан, гарчи онасан,  
асил юрт ҳурлигин излаб ёнасан,  
ошиқ шошқинлиги кабидир дунё.



## Сабо

учар ҳаволарда,  
сабо учар дарёланиб,  
талпинади самоларга –  
дарё учса ҳаволаниб,  
саболаниб учса дарё  
бағрида хуш наволаниб  
юлдузлардай сузар дунё  
шифоланиб, даволаниб!

## Ёз

Салқин боғлар антикиб қўяр,  
сарин шамол ифор билан хуш,  
ой боғларни минг рангга бўяр,  
рангин гуллар кўрар рангин туш.  
Ухлаётган гўдакдай диёр,  
орзуларнинг оғушида жим,  
такрор этар бахт сўзин минг бор,  
тамшанади соҳиллар сўлим.  
Кўринади навдалар аро  
ўрик каби юлдузлар йирик,  
осмонларда нурли фаввора,  
уфқларда зиёлар сирли!

## Кунни

билан юрдим паришон  
кайфиятсиз руҳсиз негадир  
тиниқликка аксинча осмон  
тенгсиз гўзалликка эгадир

кўкдай кенг бағирли инсонга  
сиқилмаслик учун беҳуда  
ҳавас қилмас бежиз осмонга  
ўхшагиси келади жуда

тарғил ҳар хил булутлар чиқди  
ногоҳ кўкка тушди ғалаён  
уфқ лабидаги учуқни  
таърифлашга ожиздир забон

Йирик-йирик томчилар тушди  
кўксим тутиб яйрадим чунон  
ўз ваҳмидан эти увушиб  
менга ҳавас қиларди осмон.

## Тулпор

учиб борар, ҳайратдадир тоғ,  
тулпор парвозидан гўзал парвоз йўқ,  
чўққилар силкиниб қарайди, нигоҳ –  
енгил чанг ичра бир ҳайқириқ: айй-йў!  
Жазбадор суворий кўйган жиловни,  
зар учқунлар сочар тулпор туёғи,  
эгар қоши бўлар ҳаво – оловни,  
шиддат соясида заҳмат бўёғи,  
узоққа таралар туёқ садоси,  
оламни тутуди хур ёлқинлари,  
чўққилар – ҳаяжон, ҳайқириқ сассиз, фигон овозсиз,  
яна тўлқинланар тоғ тўлқинлари.

## Кўзин

пирпиратиб қарайди уфқ,  
қўл узатар менга чўкаётган сой,  
мени қуёш дея ўйлар, таассуф,  
изимдан қолмайди, эргашади ой,  
мен излаб юрибман бир азиз изни,  
топсам кўзларимга сураман, из пок,  
кўз юмиб кўраман ул порлоқ юзни,  
кўзим очилса деб, қарайман узоқ.

## Қанча

китоб ўқиб, қаҳрамон билан  
бирга ўлиб бирга тирилдим қанча,  
гоҳ тунлар оғриган юрагинг силаб,  
гоҳ тонглар титрадинг кўп йиғлаганча,  
юз дoston ўқисанг мингта ҳаётни  
кўнгулдан кечириш ҳазил иш эмас,  
варақлар бўзлайди, изтироб – қафас,  
чиқиб кетолмайсан китобни ёпиб,  
гоҳ яшаб қоласан ўша “хато” да,  
Авлиёотада шаҳидлик топиб,  
иймон келтирасан тақдир атога,  
шукрона айтасан Қодирий бўлиб,  
топширар экансан миллат учун жон,  
минг бора туғилиб, минг бора ўлиб,  
китобга бойланиб беип, беарқон,  
китобга айланиб қоласан тамом.

## Шеър

сенда шодлигим, хиддатим қолса,  
қон қусган қаламнинг суврати қолса,  
қолса боғларимнинг ўткир ифори  
ва ўлкам баҳори, ўлкам баҳори,  
одам-ку шодликсиз, мунгсиз яшолмас,  
бу гўзал ватанда сўнгсиз яшолмас,  
агар кетар бўлсам келиб ўшал кун,  
диёрим сувратин жо этгин бутун,  
мени кўриб келдинг ҳар кун, ҳар нафас,  
энди ҳисларимга бўла қол қафас,  
лекин ватан билан озод яшагин,  
одамлар дилида обод яшагин,  
сени ўқиганда олис набирам,  
бошини эгмасин хижолат бирла,  
десинки, курашиб ўтибди бобом,  
юраги ҳайдалган, ташна бир ёбон,  
мевалай бошлабди у тортган оҳлар,  
унибди ниҳоллар, рангин гиёҳлар,  
десин, нафаси бор ватан боғида,  
дуо қўшиб қўйсин сўз адоғида.

## Эй осмон

кўнглимга кир,  
дунёдан бир ўтилгайсан,  
эй осмон, кўнглимга кир,  
сен қафасдан қутилгайсан!

Бепоенсан, кеккаймагин,  
коинотга энкаймагин,  
эй осмон, кўнглимга туш,  
парвоз қилгин мисоли қуш!

Сидрилгайсан, ситилгайсан,  
ҳар-хил издан титилгайсан,  
эй, осмон кўнглимга туш,  
маҳкумлиқдан қутулгайсан!

## Хурлик

диёридан учиб келган қуш,  
товланар патлари рангин шамолда,  
шоҳ билан тебранар, наво айлар хуш,  
гўё пайдо бўлган гўзал хаёлда,  
хазонлар тўкила бошлар боғларда,  
мен билан қушчанинг дардлари каби,  
у эса сакрайди шоҳдан шоҳларга,  
куйлайди тўлдириб хуззли қалбни,  
ялонғоч новдада гул каби куйлар,  
наводан очилар эшик дераза...  
ҳаётда эмасдай одамлар, уйлар  
антикар, чулғайди гўзал бир ларза,  
дунёда эмасдай наво шамоли  
порлатиб юборар юзу кўзларин,  
рўёб бўлган каби орзу хаёли,  
хаёлга киргандай сезар ўзларин,  
йўқ, ўзга дунёга тушганин билмас,  
лаҳза кучоғида абадий каби,  
энди ҳеч эрк истаб қўнгли эзилмас,  
ёрилмас ташналик ўтидан лаби,  
қўллар ажиб титрар гуллар мисоли,  
гулга айлангириб қўйди гўзал дод  
рўёб бўлган каби орзу хаёли,  
рўё бўлган каби кечирган ҳаёт,  
йўқ, бизга туюлар. Азалдан улар  
шундоқ келганлару қолганлар яшаб,  
хурлик диёрига хаёлин улаб,  
эрк нурида ёнган гулларга ўхшаб.

## Шоҳман

деб кекайиб, бунча шишасан,  
бағринг ҳам тошдандир, улкан қушчасан,  
пойингдан бир харсанг олинса агар,  
ҳеч турар жойинг йўқ, қулаб тушасан!

## Сукунат

Ҳавонинг кўксига ўқ қадаб бўлмас,  
яп-янги оламдир, ҳеч итоб бўлмас,  
бу куй ўлиқдурки, тирилмоқдай гап,  
бу қандай навоки, ҳеч чидаб бўлмас.

# Бир тойчоқнинг хуни



**Мурод Муҳаммад ДЎСТ**

Ҳикоя

Галатепада Гуччи чол қутурармиш, деган гап оралаб қолди. Ҳам-манинг оғзида шу: Гуччини бесар ит қопганмиш, Гуччи қутурармиш.

Жами улус гапирганича бор эди, негаким, Галатепа Галатепа бўлиб бирорта одам зоти қутурмаган. Қишлоқ шўросининг кекса котиби Қосимов домла байрам кунларида, колхознинг йиллик ҳисобот йигинларида қутурган одамлар ҳақида гапиргани рост, лекин у санаган одамларнинг биттасини ҳам қутурган ит қопмаган, уларнинг кўпи босмачи, бой ва яна бир бало бўлиб ўтган ёт унсурлар, кейин, Қосимов домланинг ўзи, авомроқ кишилар чалкаш тушунмаслиги учун: “Мен буни рамзий маънода гапиряпман, ўртоқлар!”, деб айтади.

Абдувоҳид Одам иккинчи хотини ҳам кетиб қолганида роса бир ҳафта бағрини захга бериб ётувди. Уйдан кўчага чиқмаган, емаган, ичмаган, гапирсанг гапирмаган – мисоли карахт илондай бўлиб ётган. Униям дастлаб қутурибди-да, деб ўйлашган. Яқинроқ бир қариндоши (отини айтишмайди), рост билан қутурган бўлса, кўп азоб чекиб ўтирмасин, деган чоғи бояқишнинг устида элак тутиб, бир челақ сув элаган экан, лекин Абдувоҳид Одамга ҳеч кори ҳол бўлмаган, қайтага, совуқ сувдан

тани жунжикиб, ўрндан сапчиб турган. Тураётган маҳали тирсаги илкисроқ тегиб кетган эканми, Абдувоҳид Одамнинг ўрнига ҳалиги жоначир қариндошининг ўзи йиқилиб тушган. Униям бетига сув сепиб ҳушига келтиришган. Кейин бир гал Сатторчанинг қутурган итининг устидан ҳам шу тахлит сув элашган. Лекин ит ўрндан қайтиб турмаган. Сатторчанинг ўзи итим қутурган экан, устидан сув эловдик, тинчгина ётиб ўлиб қолди, деб роса икки йил гапириб юрди.

Хуллас, Галатепада қутурган одамлар ҳақида унча-мунча гап бўлгани билан, уларни ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган. Қутурган итларни кўришган, қутурган хўтикларни кўришган. Манзар полвоннииг сариқ новвосчаси қутурган эди – уни кўришган. Манзар полвон новвосчани ҳалоллаб қолишга улгурди, лекин бозорга олиб чиқмади, инсоф қилди, ерга кўмиб қўя қолди. Кейин бир вақтлар Галатепада маст нортуялар ҳам бўларди. Нортуялар қутурмаган бўлсаям, қутургандан кам эмасди. Қирқ биринчи йил экан, Жонузоқ араб Галатепага кўчиб келиб, ўттизта туяси билан колхознинг пилласини Каттакўрғонга ташиган. Галатепа асли ўтроқ саройлардан эмасми, карвон қишлоқни оралаб ўтганида

исми жон бор – ҳаммаси кўчага томоша қилгани чиқарди. Карвоннинг бошида бўйнига кўнғироқ таққан майдақадам бир эшак юргувчи эди, унинг ортида – бош туя, устида Жонузоқ еру кўкка ишонмайди-ган чуваккина араб хотин билан, кейин яна йигирма тўққиз туя, бариси юкли, бариси зўр, ҳар ёнда уч-тўрттадан бўталоқ, пишқириб, атрофга оғзидан кўпиклар сочиб, оёқ остидаги заминнинг чангини нақ самога кўтариб... бу фаройиб томоша узокдаги Каттакўрғон тарафга йўл тортгувчи эди. Жонузоқ арабнинг ўзи, остида оқ бўз оти, ўйчан, қияга кўнган қирғийдай тик, карвон ёнида кетарди. Жонузоқнинг эшаги кўп карвончи эшак эди. Галатепадан чиққунча карвонни сал секин, маромида тортарди, кейин, қишлоқнинг сарҳадидан ўтиб, эшаққинанинг ўзи қадамни илдамроқ босарди, унинг ортидан карвон ҳам, чўлнинг ёлғизоёқ заранг йўлига маржондай тизилиб олиб, юримини тезлатарди. Кўрмаган одамнинг тушуниши қийин: бир ёқда кўнғироқлар жиринглайди, бир ёқда туяларнинг ўрқачи чайқалади, бир ёқда Жонузоқнинг қорагина хотини, дунё билан иши йўқ, секин мудрайди... Э, кўп қизиқ томоша эди! Қишлоқдан чиқиб бўлгач, Жонузоқ карвондан сал орқа-



роқда қоларди, орқада қоларди-ю, олисдаги қирларга қараб яккаю ягона ашуласини бошларди:


*Эй сорбон, оҳиста рон, ки ороми-  
жонам меравад,*

*Он дил ки бо худ доштам, бо ди-  
листонам меравад...*

Шу кўшиғини айтганда, Жонузоқ араб кўп ғам тортгувчи эди. Тарзига қараб туриб, бечора араб, гарчи форсида кўшиқ айтсаям, ўзининг арабий саҳросини, атрофини хурмо ўраган воҳаларини соғинибди-да, деб ўйлардинг. Лекин шунча арабий маъюслиги бўлса ҳам, Жонузоқ бирорта арабча сўзни билмасди. Гапирганда ўзбекчага тожикчани аралаштириброқ гапирарди.

Галатепеда у ҳақида ҳар хил гаплар юрарди. Бировлар уни урушдан қочиб юрибди, деб ҳам ўйлаган. Лекин Жонузоқ кўли-кўнгли очик, кўп яхши араб эди. Кейин ўттизта туясининг шарофатидан колхозга нафи тегарди. Шу сабаб ҳеч ким сен урушдан қочиб юрибсан-ку, деб юзига солмаган. Бошқа жойга ҳам хабар қилишмаган. Шўронинг котиби Қосимов домла, хабаркашроқ одамларга: Жонузоқнинг афт-башарасига дурустроқ қаранглар, бу бир юрган боши очик араб, турган-битгани мўй, шунча мўйи бор одамнинг дум-пуми бўлсаям ажабмас. Агар уни аскарликка олса, кейин бу палакат Худо уриб гирмонга асир тушса, улар мунинг думини кўрса, падарлаънати бир энлик думининг дастидан бутун бошли қизил кўшинни беобрў қилади-да, деб айтган. Қосимовга ҳамма ишонган. Ишонмаслик гуноҳ эди. Негаки, Қосимов домла кўп ростгўй, фариштали одам бўлиб, умримда бор-йўғи уч марта, ундаям укубатли амир замонасида ёлгон гапирганман, деб нақл қилгучи эди.

Лекин биз салгина “ўтлаб” кетдик. Мақсадимиз сари – ўша туяларнинг ўзига қайтамиз. Улар кўклам чиқиши билан гирт маст бўлиб қоларди. Бир хиллари борки, кўчага ғов бўлиб олиб, одам ўтказмасди. Жонузоқ араб Галатепеда олти йил яшаган бўлса, олти бор кўкламда Жомнинг чўлига кўчиб, ўша ёқда



туяларнинг масти тарқашини кутган.

Ғуччи чолни ит қопганидан кейин галатепаликлар Барот Қийшиқнинг чойхонасига йиғилиб, алламаҳалгача Жонузоқ арабнинг туяларидан гап-гаштак қилиб ўтиришди. Раҳматли Салим чиноқни эслашди. Жонузоқнинг нортуюси чап қулоғини узиб олувди, бечора Салим шу битта қулоқсиз ўлиб кетди-я, деб эслашди. Кейин гап қутурган хўтиқларга, улардан секин-секин қутурган итларга ўтди. Лекин Ғуччи чолга етмади, шарт узилиб қолди. Энди ҳамманинг ўйи Ғуччи чолда эди. Фақат бирови гапиргани ҳам журъат қилмади. Ниҳоят, мулла Суннатнинг ўғли Назар Махсум чидаб туролмади, кўнглидагини айтди: “Тамом! – деди у. – Энди Ғуччининг боласи занжир изласин!..”

Шу гапни етказишганда Ғуччи чол аввал беғаразгина кулди, кейин жиддий тортди, Назар Махсумни “яғир хўтиқча”, деб атади, кейин яна бир марта, бу гал сал оғриниброқ кулди.

Назар Махсумнинг башоратидан кейин одамлар Ғуччи чолнинг уйига серкатнов бўлиб қолишди. Кимса борки, келиб, ундан ҳол сўрайди. Шундан Ғуччи чол сал сергак тортди. Аввал у итнинг қопганини ўзига ўй қилиб ўтирмаган эди: энди бу бир ит, ит бўлгандан кейин итлигини қилади, хуради, қопади... Яраси ҳам арзимас эди, битиб кетар, деди-ю,

дўхтирга ҳам бормади. Энди қараса, йўқ, ҳеч бўлмайдиган, ҳамма уни кўргали келяпти, келади-ю, бирор синоати бормикин, ростдан ҳам қутурганмикин, деб кўзларингга қараб туради. Улар гап сўрайди, сен бўлсанг, худди айбдордай, тилинг калимага келмайди, гўё сени ростдан қутурган ит қопган-у, лекин сен номардлик қилиб шунча келган муслмонни алдаб ўтирибсан! Э, мунақада қутурган ит қопмасаям қутуриб кетасан!..

Ғуччи чол ошнаси Ибодулло Махсумга гап солди: “Сиз ёнимда ўтирсангиз, Махсум, – деди у. – Сиз бўлсангиз, келган биров менга ошириб гапиролмайди...” Ибодулло Махсумнинг томорқада оз-моз ишлари бор эди, лекин жўрасининг сазасини ўлдиролмади. Хотини билан андак ғижиллашиб олгач, Ғуччи чолнинг уйига жўнади.

Мана, тўрт кундирки, дўстининг уйида кунни кеч қилади. У келгандан кейин меҳмонлар ҳам жуда озайиб қолди. Келгани ҳам итдан эмас, бошқа чет-чақадаги нарсалардан гапирарди. Бировлари мутлақо гапирмайди, тилига тушов тушиб, Ибодулло Махсумнинг ривоятларини эшитади, кейин ҳеч гап-сўзсиз, кўнгиллари қисир бўлиб қайтиб кетади.

Пайшанба куни одамларнинг қадами узилди. Кечгача меҳмон кутдилар, кейин, шом маҳали, Ибодулло Махсум айтди: “Менинг



меҳмонлигим чўзилиб кетдиёв, ака?” Гуччи чол юрак олдириб қўйган экан, кўнмади: “Яна икки кун меҳмон бўп кетинг, Махсум”, деб ялинди. Ибодулло Махсум ўйлаб қараса, ошнаси ҳақ, ҳозирча ҳол сўраб келганларнинг ҳаммаси қизиққанидан келган, қасд қилганидан эмас. Гуччи кутурганмиш деган миш-мишни эшитгану ичига сиғдириб ўтиролмаган. Ибодулло Махсум бу гапни ким тарқатганини билолмай гаранг эди. Узунқулоқ гап кимнингдир оғзидан чиққандирки, улуснинг орасига тушибди? Тарқатган одам бўлмаса миш-мишни Худо тарқатадими? Йўқ, у ҳали келади. Келмасдан, Гуччи чолнинг аҳволига маза қилиб томоша қилмоқдан бошқа иложи йўқ – ичи қароларнинг таомили шу.

Ибодулло Махсум кутган одам шанба куни чошгоҳда келди. Бу замон икки ошна боғнинг тўридаги чорпоёда қироат қилиб ўтирарди. Гуччи чол келган одамни сезмади, лекин Ибодулло Махсум сергакроқ эди, дарчанинг очилганини эшитдию ўқиётган китобидан бошини кўтарди. “Келди, ака, – деб шивирлади у. – Келарини билувдим, ака”. Гуччи чол дарча тарафга қаради, қарадию Тўрабойни кўрди. “Кетманг, Махсум, – деди у ошнасига. – Бу даюс ёмон, менга зўрлик қилади...”

Дарчадан кирган одам, яъниким Тўрабой жуссаси кичик, думалоққина бир одам эди. Юзи қора, соқоли оппоқ, соқоли оқлигидан юзи баттар қора бўлиб туюлади. Мулла Дониёрнинг айтишича, бу одамнинг ичидаги қораси юзига тепган экан. Кейин у икки дунёдан ҳам умидини узган бир дўзахи экан, охирати йўқлигини ўзи ҳам биларкан, шу баробар, мушаррафи жаннат мусулмон бандаларнинг кўзларига ўзгача бир қабоҳат билан, яъниким, илон авраш қилиб тикиларкан... Қабоҳати борми, йўқми ва магар бўлса, нечоғлиқ ва не турфа, бунисини Худо билади, лекин Тўрабой тикилишнинг ҳадисини олган – ихлос билан тикилса, ўтирган жойингга михлаб қўйгандай бўлади. Ўзиям қарашининг зўрлигини билади, чини билан тикилсам, тошни ёраман, деб ўйлайди.

Хуллас, шанба куни чошгоҳда Тўрабой келди. Гуччи чол билан Ибодулло Махсум унинг истиқболига чиқмади. Учови ҳам иякларини силкитиб, соқолсалом қилган бўлишди. Тўрабой хашаки олмалар остидаги йўлчадан майда қадам босиб келди. Чорпоё ёнида турган офтобадан сув қуйиб, белбоғига артинди. Пешвознинг совуқлигидан кўнгли лат еди, лекин сездирмади, қайтага ўзига ўзи сув қуя туриб жилмайган бўлди. Кейин қўл артган қийиқчасини чап елкага ташлаб, чорпоёга чиқди. Ибодулло Махсум андек сурилиб, бўшатган жойда чордана қуриб, юзига фотиҳа тортди-да, биқинига болиш олди... Бир муддат жим ўтиришди. Кейин Гуччи чол секин гап очди:

– Келинг, Тўрабой, – деди у секин.

– Келдик, – деди Тўрабой.

– Нега келдингиз? – деб сўради Ибодулло Махсум.

Бу хил навозишдан сўнг Гуччи чол ўзининг мезбонлигини эслади. Ўнг тарафга қўзғалган бўлиб Ибодулло Махсумнинг ўнгиридан секин пастга босди. Тўрабой буни кўриб турди, лекин кўрмаганга олиш ўнғайроқ эди – кўрмаганга олди. Бир кўнгли Ибодулло Махсумга босиброқ тикилмоқчи бўлди, лекин унинг терс ўгирилиб ўтирганини кўриб, доғда қолди.

– Келдик, – деди у сал туриб.

– Ҳеч кўринмайсиз, Тўрабой? – деб сўради Гуччи чол. – Кеча бозорда ҳам кўринмадингиз. Касал бўп қолдимиз, деб ўйладик.

– Мен касал бўлмайман, – деди Тўрабой.

– Соғ одамнинг ҳаммаси бозорга боради, – деди Гуччи чол.

– Иш кўп, – Тўрабойнинг жавоби мухтасар бўлди.

– Ишляпман денг?... – гапга қўшилди Ибодулло Махсум. – Ҳеч бир тинмадингиз-да, Тўрабой! Мана биз, акам билан қиладиган ишимиз йўқ, ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирибмиз.

– Ўтган-кетгандан гапирган яхши, – деди Тўрабой, кейин Гуччи чолнинг чопон тагига яширилган қўлига ти-

килиброқ қаради. – Мачитдан келяпман. Мачитда бир хил гаплар бўлди.

Ибодулло Махсум Тўрабойнинг кутурган итдан гап очиши тайинлигини сезди-ю, гапни бошқа томонга бурди:

– Мачитда одамлар гаплашмайди, Тўрабой, мачитда намоз ўқишади.

– Йўлда гаплашдик, – деди Тўрабой. – Мачитда намоз ўқидик, гапни йўлда гаплашдик.

– Муниси бошқа гап, – деди Ибодулло Махсум. – Магар гаплашган бўлсангиз, ёлғиз эмас экансиз. Яна кимлар бор эди?

– Ҳаммаси бамаъни одамлар, – деди Тўрабой.

– Ким экан? – қизиқсинди Ибодулло Махсум.

– Мулла Нишон, – деди Тўрабой, – кейин Назар Махсум бор эди.

– Мулла Нишон саводсиз одам, – деди Ибодулло Махсум. – Ҳафтиякни битирмай мадрасадан қочиб келган. Назар Махсум ёлғонни кўп гапирди, мунинг устига тўнғиз гўшти еган.

– Йўғ-е, у тўнғиз гўшти емагандир, Махсум, – Гуччи чол ошнасининг ниятини англамади чоғи, секин эътироз қилди. – Тўнғизнинг гўшти ҳаром-ку, Махсум!..

– Назар Махсум тўнғиз гўшти еган, – ўжарлик билан такрорлади Ибодулло Махсум.

Тўра Қора енгилганини пайқаб талвасага тушди.

– Мулла Дониёр бор эди, мулла Дониёр бамаъни одам-ку! – деди у фиғони чиққудай бўлиб.

– Мулла Дониёр бамаъни одам, – деди Ибодулло Махсум. – Лекин у индамай ўтирган. Мулла Дониёр аҳмоқ одамларнинг гапига қўшилмайди. Ўзингиз айтинг, у сизга гап қўшдимиз?

– Мен гапирганим йўқ, – деди Тўрабой.

– Балли! – деди Ибодулло Махсум. – Одамларга гап бўлса бас, йўқдан йўндиришади. Гуччи акамни мўлтонидан адашиб қолган бир този андак тирнагандай бўлувди, шуниям гап қилишган чиқар?..

– Гап қилишди, – Тўрабойнинг тан олишидан ўзга чораси қолмаган

эди. – Ҳар ким ҳар хил гапиради, Махсум. Лекин мен гап кўшмадим.

– Маъқул, бу ишингиз маъқул, Тўрабой!.. – Ибодулло Махсум уни мақтаб қўйди.

Мақтов Тўрабойга кўп ёқмади. Ичида, мени гўдакка ўхшатиб лақиллатди, деган ҳаёлга борди, жаҳли кўзгади. Ибодулло Махсум унинг тек қолганини кўриб, энди хавф ўтди, дегандек, ошнасига қараб илжайди. Фуччи чол буни рағбат тушуниб, ярадор қўлини чопон чокидан чиқарди. Тўрабой унинг салла йиртиги билан ўралган қўлини кўрди. Кўзларида бир нима йилт этгандай бўлди-ю, тагин ўчди. Фуччи чол ўзининг сал шошганини пайқади. Лекин энди қўлни қайтадан яшириш фойдасиз эди...

\* \* \*

Фуччи чол кутурмаганини кўрсатмоқ истаб, ўзича бамаъни гаплардан гапирмоқчи бўлди. Лекин бамаъни гап деганлари ҳадеганда тилига келавермади. Шунда у яраси арзимаслигини намойиш қилмоқ бўлиб, чап қўли билан кўрпачага таянди. Қўли қаттиқ оғриди. Шундай оғридики, манглайига совуқ тер чиқиб кетди. Тўрабой унинг аҳволидан огоҳ бўлиб, мамнун илжайди, сўнг, тагин жиддий тортди, киши билмас қувонч билан ҳол сўради:

– Ёмон тишладими, акам? Тишиям анча ботгандир?..

Фуччи чол безовталанди.

– Итнинг насли ёмон кўринмовди, – деди Фуччи чол, – айб бизнинг ўзимиздан ўтди.

– Нима бало, сиз ўзингиз тишлагин, деб айтдингизми?

– Йўқ, – деди Фуччи чол. – Тишлагин, деб айтганим йўқ, лекин тишлади.

– Кутурган ит гапни билармиди!.. Фуччи чол бу гапни жавобсиз қолдирди.

– Ит кутурмаган, яхши ит, – деди Ибодулло Махсум.

– Бўлмаса, нега тишлайди?

– Тўрабой баралла кулиб сўради. – Мана, Фуччи ака, қаранг, кўлингизни бойлаб олибсиз. Итнинг қопгани ростдирки, сиз кўлингизни бойлабсиз?..

– Махсумнинг салласи... – деди Фуччи чол. Ибодулло Махсум ўнғайсизланди. Фуччи чолдан сал норози бўлди. Унинг бошига ўраганидан бўлак, уйда яна учта салласи бор эди. Ошнасини този қопган қуни бухори салласидан бир бўлак йиртиб бойлаган, лекин бухори салламдан йиртиб бойлаяпман, деб ҳеч ўйламаганди.

– Гап салладами, ака? – деди у секингина. Фуччи чол индамади. Махсумга қараб маъюс жилмайди. Кўзлари озгина ёшлангандай бўлди. “Кўнгли бўш одамман”, деб ўйлади у, лекин кўнгли бўшлигидан уялмади, қайтага ичи ёришиб кетгандай бўлди.

– Сиз кўп қуюнаверманг, Тўрабой, – деди Ибодулло Махсум. – Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортади.

– Оқ қўйниям, қорасиниям ўз оёғидан осишади, – деди Тўрабой.

– Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқармиш, – деди Ибодулло Махсум.

– Илонни ёмон кўраман, – деди Тўрабой.

– Мен кўрган еримда бошини тош билан уриб, янчаман, – Ибодулло Махсум сал қизишди.

– Аяманг, Махсум!.. Лекин илон деганингиз ҳам Худонинг яратган махлуқи.

– Худо илондан кечган, – Ибодулло Махсум бўш келмади. – Шайтон унинг оғзидан кириб, думидан чиқиб кетган.

– Қаерда? – Тўрабой исбот талаб қилди. – Айтинг, қаерда?

– Жаннатнинг дарбозасида, – деди Ибодулло Махсум. – Илон билан товус қоровул турган жойда.

– Бари бир илон Худонинг махлуқи, – деди Тўрабой.

– Тўрабой, асли совуқ одамсиз-да!.. – деди Фуччи чол. – Илонни ҳимоя қилганингиз нимаси!..

Фуччи чол асли соддароқ одам эди, умрида бирорта зарбулмасал ёзмаган, зарбулмасал қилиб гапиришларини ҳам кўп англамасди. Бу гал у ниманидир англагандай бўлди, англагандай бўлди-ку, лекин ичига сиғдириб туролмади. Кўнглига келганини айтди. Айтиб бўлгач,

сал ошириб юбормадиммикин, деб ўйланиб қолди. Кейин, агар сал оширган бўлсам, Тўрабойни озгина силаб-сийпашим керак, деган ниятга борди.

– Отангиз яхши одам эди, – деди у бироз туриб. – Мен у кишини яхши биламан, бугунгидай эсимда турибди...

– Сизнинг отангиз ҳам зўр одам эди. – Тўрабой, гарчи у Фуччи чолнинг отасини кўрмаган эрса-да, тантилиқ қилди. – У кишини зўр сакбоз дейишарди.

– Худо бир улоқни яратмиш, унга атаб бир туп шувоқни, – деди Ибодулло Махсум.

Фуччи чол ошнаси ўзини улоққа менгзаганидан оғринмади, аксинча унинг гапларини маъқуллаб бош ирғади.

– Менинг бировга зиёним тегмаган, – деди у. – Уйда битта кафанлигим билан табада битта отим бор.

– Отингиз югурироқ, шунисидан кўрқаман, – деди Тўрабой.

– Яхши от эгасини ранжитмайди, – деди Фуччи чол. – Менинг отим юввош, устини худди тахтиравон дейсиз!..

– Тўрабой отни билмайди, – деди Ибодулло Махсум, – сиз бу ёқдан буқаларни сўранг, бостирмасида учтаси бойлоғлиқ турибди.

– Бари бир, эҳтиёт бўлинг, Фуччи ака, – деди Тўрабой. – Йиқитиб кетса чатоқ бўлади, қариганда суякнинг битиши қийин...

– Гўрга пиёда бормасман, – деди Фуччи чол. Кейин у чорпоя устида ғоз туриб, ҳовлининг нариги буржига овоз берди. Зум ўтмай, Эргашнинг иккита қизалоғи чой келтирди. Фуччи чол Ибодулло Махсумнинг пиёласини ўзи тараф олиб, чойнакнинг иккинчисини Тўрабойнинг олдига суриб қўйди.

– Ўзингиз бир майдалайсиз...

Тўрабой чойни қайтарди. Бир-икки хўплам ичиб, Фуччи чолга юзланди.

– Кампирингиз кўринмайди?

– Бизнинг кампир сал пастроқ, – деди Фуччи чол. – Бир ҳафта бурун ҳовлидан чиқиб кетган. Шу, менинг ўзимга қолса...



– Невараларимдан тагин ранжибди-да, ака? – Ибодулло Махсум сал чаққонлик қилди.

– Мен Ғуччи ака билан ғижиллашибдим, деб ўйлабман, – деди Тўрабой.

– Йўқ, неваралар билан, – деди Ғуччи чол. – Менга гап қайтариб кўрсинчи!..

Айтган ёлғонидан ўзи ҳам қизарди. Кўрпача четида ётган сочиқни олиб, бир-икки елпинган бўлди.

– Кун сал дим келди, – деди Ибодулло Махсум.

– Ҳа, Махсум, кун дим келди, – Ғуччи чол унинг гапини тасдиқлади.

– Менинг мижозим совуқроқ, – деди Тўрабой. – Мен димлигини сезмадим.

– Сиз ҳали ёшсиз, Тўрабой, – деди Ибодулло Махсум. – Сиз ҳали муни сезмайсиз.

Тўрабой пиёласини ерга қўйди-ю, Ғуччи чолга тикилди. Униси иккита қарғашойи гулли пиёлани ёнма-ён тизиб, қуйғали чойнакни кўтарди, лекин шу тобда кўзлари Тўрабойнинг синчков назарига дуч келиб, безовталанди, чойнак тутган қўлига титроқ кирди. Чой чойнакнинг жўмрагидан дастурхон устига тўкилаверди.

– Ит қутурган эмасди, – деди у титраб-қақшаб. – Този эди, биз ўзимиз унга озор бердик, бойлаб олмоқчи бўлдик...

– Чойдан босиброқ ичинг, енгил тортасиз!..



– Ичаман, Тўрабой, мана, ичяпман-ку!..

Ғуччи чол сал гарангсиди.

Ибодулло Махсум ўтирган жойида бир-икки ғимирлади, лекин бирон нарса демади. Тўрабой – меҳмон, унинг ўзиям меҳмон, Ғуччи чол бўлса – мезбон эди.

Ғуччи чол ошнасининг пиёласини тўлдиришни унутиб, фақат ўзига қўйди ва атай хўриллатиб ича бошлади.

– Мен чойга кўп ўрганмаганман, – деди у. – Йилқининг ортидан кўп юрганмиз, кўзани сувига ўрганиб қолганмиз.

– Йилқидан гапирманг, Ғуччи ака, – деди Тўрабой. – Битта той камомад қилгансиз.

– Йўқ, – деб эътироз билдирди Ғуччи чол. – Мен умримда камомад қилмаганман. Уюрим доим тус-тугал бўларди.

Тўрабой айтаётган бўз тойнинг тарихи узун эди. Уни Ғуччи чол Пайшанбанинг бозоридан сотиб олган. Одамлар уюридан ўмарибди-да, деб ўйламаслиги учун, бўз тойга қўшиб, яна битта қари байтални ҳам икки баробар қимматига савдо қилгану етаклаб келаверган. Сўнг бирор ойлар чамаси шу яғир байтални миниб гузар айланган, гузарда дуч келган исми мардумга: “Яхши байтал, зотли, зотли-ку, лекин ёшдан қолган, чаночқоқда қулуни таблада турибди”, деб гап уқтирган. Гапига биров ишонмаган. Бўз той ўша қирчанғи байталга ўхшамасди – хуркак, толмабўйин бир тойчоқ эди...

– Худо бегуноҳ қулуннинг пайини қирққанга ҳеч рўшнолик бермасин!.. – деди Ибодулло Махсум.

Икки ошна баравар юзларига фотиҳа тортишди. Тўрабой уларга қўшилмади, маъюсланди... Аслида унинг гуноҳи кўп эмасди.

Аксига олиб, ўшанда йўнғичка айни гулга кирган маҳали эди. Агар тойчоқ шу гулга кирган йўнғичқани пайхон қилмаганида балки пайи ҳам қирқилмаган бўларди.

Бунинг устига, гулга кирган йўнғичқа пайхон қилинган кеча сутдай ойдин эди, агар кеча сутдай ойдин бўлмаганида, балким, бўзтойни биров кўрмаган ҳам бўларди... Тўрабой кейинчалик пайи кесилган тойчоққа кўп ачинди. Лекин бўлар иш бўлганди; бўзтой йўнғичқани поймол қилганди, йўнғичқа эса, энди гулга кирган эди, бунинг устига, кеча ойдин эди, бедапоя уватида ётган чалғининг ўткир тиғи ҳам шу ойдинда ўзгача бир ялтираб кўринган эди...

– Махсумга балли, – деди Ғуччи чол. – Шу тойни одам қилди. Пайини ямагани қурби етмади, лекин...

– Қўйинг, ака, – деди Ибодулло Махсум. – Қўйинг, гапирманг...

– Гапираман, деди Ғуччи чол.

– Ахир, сиз уни ақалли бир марта минмагандирсиз!..

Унинг гапида бирор хилоф жойи йўқ эди. У ўша бўз той токи от бўлиб, кейин ўз ажали билан кетганига қадар бирор марта устига эгар босмаган эди. Бўз той, кейинчалик хомсемизроқ (у чопмасликдан семириб кетганди) от, бир умрга оқсаб қолди. Ибодулло Махсум шу оқсоқ отни етаклаб юришни яхши кўрарди. Айниқса, Тўрабойнинг кўк темир дарвозаси ёнидан ўтишни яхши кўрарди. Одамлар унинг чўлоқ отга бўлган меҳрини кўп тушунмади, бировлар ҳатто ғалатига чиқарди, савдодой атади...

Ибодулло Махсум бировдан ортиқча гумон ҳам қилгани йўқ. Бор-йўғи икки марта гузардан той етаклаб ўтди, холос. Кейин... яқшанба куни бўз тойни етаклаб бозордан қайтаётган Тўрабой билан ёнма-ён бирор юз қадамча юриб кўрди, унинг ранг-рўйига, оёқ олишига разм солдию ҳамма гапни пайқади. Мана, бирор ўттиз йилдирки, у билан Тўрабойнинг орасида биттагина сир ботин яшайди. Тўрабой ташвиши кўп одам, – баъзида ҳалиги сирни унутиб қўяди, қўлига эрк беради, тилига эрк беради. Лекин Ибодулло Махсум Худолиғни унутмаган, инсофни билади, олижаноблик қилиб, эски, унутилиб кетай деган сирни қайтадан Тўрабойнинг эсига солади.

– Мен мудирлигимда икки тонна арпа камомад қилувдим, – Тўрабой бирдан пастга тушди. – Мунақаси бўп туради, ака...

– Билмадим, – деди Гуччи чол. – Мен умримда камомад қилмаганман.

– Менинг айбим камомадим, сизники шу битта – той...

– Балким, менингам айбимни айтарсиз? – деб сўради Ибодулло Махсум.

Тўрабой каловланиб қолди. Унинг бахтидан бўлиб ҳовли дарвозасидан Гуччи чолнинг ўғли Эргаш кириб келди. Чорпоядагилар билан узоқдан бош ирғаб саломлашди. Сўнг, астойдил тикилиб, Тўрабойни танидию қизиқиши ортди. Лекин у чорпояга келиб улгурмади. Очиқ қолган дарвозадан жиккакина бир ғунажин кириб, сўрамай-нетмай, ўзини кампир ўтқазган кичкина гулзорга урди. Ғунажиннинг шаҳди баланд эди – қўйиб берса, кампирнинг гулзорини шипшийдам қиладиган. Гуччи чол аввалига ҳайҳайлашга чоғланди, лекин сал туриб, фикридан қайтди. “Баттар бўлсин! – деб ўйлади. – Қариганда гул экишни унга ким қўйибди, чалпакка ўраб отсанг ит емайди-ку, яна хина билан райхон экканига ўлайми!..”

Эргаш шарт ортига қайрилиб, қўлига таёқ олди ва югуриб келишда ғунажиннинг қуймичига калтак солди. Ибодулло Махсум жониворнинг калтак еганини кўрмайин деб, кўзини чирт юмди. Гуччи чол индамади, ичида Эргашни сўқди. “Садқаи мол кет!” Тўрабой бўлса, чорпояда чўккалаб олди-да, Эргашга пишанг бера бошлади:

– Ҳа, домулло, уринг! Падарлаънатини яхшилаб уринг!.. Уриб оёғини синдириб, домулло! Шохига, шохига уринг! Қайтиб бировнинг томорқасига кирмайдиган бўлади... Биқинига, оч биқинига уринг! Оғримайдиган жойига уринг!.. Ўроқ-пўроқдан йўқми, домулло? Олиб, биқинига санчимайсизми, ахир?! Бўшашманг, домулло, уринг, савилни уринг!..

Эргаш Тўрабойнинг бақирғидан безор бўлдими ёки ўзининг ҳам раҳ-

ми келдими, ғунажинга қайтиб таёқ кўтармади. Бир-икки пўписаю дўқ билан ғунажинни дарвозага қаратиб ҳайдади. Ғунажин дарвозадан берирокда ўсган бир туп семиз супургини томир помири билан қўпориб, кўчага қочиб чиқди...

– Яхши ғунажин, – деди Тўрабой қайтиб ўтиргач. – Мамасолининг ғунажини. Сал овчилиги бор, биров уриб ўлдирмас, яхши сигир бўлади.

– Қисир қолган, – деди Ибодулло Махсум. – Янаги йили яна қисир қолади. Оёқ олиши ёмон мунинг...

– Тўрабойда учта буқа бор, шунга оборса бўларкан, – деди Гуччи чол.

– Опкелувди, – деди Тўрабой. – Лекин буқанинг ҳақини бермади.

– Сиз сигир бошига неча пулдан оласиз? – деб сўради Ибодулло Махсум.

– Уч сўмдан, – деди Тўрабой. – Буқаларнинг емишига керак.

– Буқа асраб савоб иш қиласиз, – деди Гуччи чол.

– Ҳар кимнинг кўнгли тусагани, – деди Тўрабой. – Мана, акам, сиз от асрайсиз, мен буқа асрайман.

– Акам отни кўнгил учун асрайди, – деди Ибодулло Махсум. – Сиз буқани бўрдоқига асрайсиз. Гуччи акам отини ўзи боқади, сиз буқаларни ҳеч боқмайсиз. Боқасиз-ку, лекин ўзларининг топган пули ҳисобига боқасиз.

– Ҳар кимнинг таъби, – деди Тўрабой. – Гуччи акам от асрайди, мен буқа асрайман.

– Буқани миниб бўлмайди, – деди Ибодулло Махсум. У негадир шу топда Тўрабойни камситишни истаб қолганди.

Тўрабой бу гапга эътироз билди-ролмади.

– Ҳиндулар ҳўкиз минармиш... – секин гап қўшди Гуччи чол.

– Бари бир, ҳўкиз отдай чополмайди, – деди Ибодулло Махсум, сўнг ошнасига ранжиброқ қаради. – Шу, ака, ҳинду билан туянинг фарқи ўзи кам, қилган ишининг ҳаммаси тескари бўлади...

\* \* \*

Гуччи чол дарвозани бекитиб келётган Эргашни кўриб, чорпоядан

турди, кейин ота-бола узоқроққа, боғнинг тўридаги хашаки олмалар тагига ўтишди.

– Ҳўш, ота?.. – деб сўради Эргаш.

У муаллим эди – сўроқ сўраганида чап қоши хиёлгина кўтарилиб тушарди.

Гуччи чол индамади. Эргаш бошқа гап сўрашдан ийманди, кўзларини чанг юққан пойабзалига бир муддат қадаб турди, сўнг ерда ётган эски болтани олиб, олманинг айри-сига қистирди.

– Сен менга мундай гапирма, – деди Гуччи чол. – Ҳали ёшсан. Мен гапирсам ярашади... Қачон манави олмаларни қирқиб ташлайсан?! – кутилмаганда бақирди у. Айрига қистирилган болтани олиб, дарахт танасига солди. Болта ўтмас эди, лекин Гуччи чол андоғ урдиким, зарбининг кучидан олманинг оқ-сарғиш танидан бир парчаси очилиб қолди. – Нима, болтаням ўзим чархлаб берайми?

– Ўзим чархлаб оламан, – деди Эргаш.

Ота-бола озроқ тумтайиб туришди. Кейин Эргаш гап қотди:

– Менга бир гапингиз бормиди, ота?

Гуччи чол унга ўқрайиб қаради. Ўғли ҳозир ўй ўйлашга халал берарди.

– Саломингни аямасанг бўлди, болам, – деб ачитди у.

– Меҳмонингиз бор экан... – Эргаш можаронинг бемавридлигини эслатишга уринди.

Гуччи чолга унинг писандаси ҳеч ёқмади.

– Ҳм... – деди у.

– Чарчадим, ота, – деди Эргаш.

– Чарчабсан-да? – ўсмоқчилади Гуччи чол. – Нима, лайлак ҳайдадингми, ўғлим?

– Кучук ахталадим!.. – Эргаш ўзини тутиб туролмади, портлаб кетди. – Нима қиласиз тергаб?

– Мен сени тергадимми ҳали?.. – Гуччи чол мийиғида илжайди.

– Бўлмаса нима? – Эргашнинг чап қоши яна хиёл кўтарилди.

– Қошингни керма, – деди Гуччи чол. – Нега қошингни керасан? Хотинга ярашади! Эркакмисан ўзи? Энанг ўғил туғдим дегандай бўлувди-ку?..



Эргаш оғринди. Бир хаёли шарт бурилиб кетиш ҳам бўлди, лекин чол... “Чол хафа бўлади, – деб ўйлади у. – Кейин икки дунёдаям қутулмайсан...”

– Бахудо, – деди Эргаш, – Бахудо, ота сўкинманг!..

– Тожикча гапирма, – деди Фуччи чол. – Беш йил шаҳарда ўқиб, менга топиб келган гапинг шу бўлдими?

– Ота!.. – деди Эргаш. – Менинг сизга тили жағим тегмади.

– Энангга ўхшайсан, – деди Фуччи чол. – Уям тили жағидан гапиради.

– Мени тинч қўйинг, ота, – ялинди Эргаш. – Мен сизга ёш бола эмасман.

– Баттарсан!.. – деди Фуччи чол. – Сен билан гаплашиб бўлмайди.

– Бўлмаса гаплашманг!

– Оқ қиламан!.. – дўқ урди Фуччи чол.

– Билганингизни қилинг!..

Фуччи чол Эргашнинг жаҳлдан бўғриққан юзига бир муддат завқланиб тикилди. “Ўзимга ўхшайди, – деб ўйлади. – Дағалроқ бўлгани маъқул, ҳалимдай эшилиб турса, мунинг эркаклиги қоладими...”

– Менга кўп ақл ўргатма, – деди у. – Хоҳлаган пайтимда ҳовлидан қувиб соламан.

Буниси энди лалми дўқ эди, лекин Эргаш чолнинг юмшаганини тушунмади.

– Майли, майли, – деди у. – Шу ердан кетганим маъқул. Мени шарманда қилдингиз, ота!

– Ота, дема мени!.. – бақирди Фуччи чол, сўнг чорпояда ўтирган меҳмонларни ўйлаб, бирдан паст тушди. – Сен ҳали бурнингни терлатиб нон топиб берганинг йўқ... Бор, битта улоқни сўй!.. – бехосдан буйруқ берди у. – Хотинингга айт, барини қозонга ташласин!..

Эргаш бу гапни ҳеч кутмаган эди – анграйиб тураверди.

– Ё, мен ўзим сўяйми? – деб сўради Фуччи чол. – Сўярдим-ку, лекин иложим йўқ, қўл ярамайди.

– Уйда гўшт бор.

– Уйдаги гўшт озлик қилади.

– Тўрабойга шунча иззатми? – деб сўради Эргаш.

– Тўрабойга бўлмай, Махсумгами? – деди Фуччи. – Махсум менга дўст одам, бир бурда нонимгаям қаноат қилади.

– Тузук, – деди Эргаш.

– Нимаси тузук?

– Тузук, – деди Эргаш тағин.

Бояги жаҳлдан асар ҳам қолмади. Отасининг чиноқлигини ўйлаб, сал илжайди ҳам. – Лекин улоққа энам пул берган-ку, ота?

– Энангнинг маҳрини мен берганман, – деди Фуччи чол. – Бор энди, менинг айтганимни қил!..

\* \* \*

Бирор уч соатлардан кейин, чоллар ўтирган чорпояга бир лаган серпиез қовурдоқ келтиришди. Таомни Ибодулло Махсум бошлади. Кейин Тўрабой билан Фуччи чол ҳам енгларини шимариб, лаганга яқинроқ сурилдилар.

– Серпиез бўпти, – деди Тўрабой катта бир луқмани қўлига олиб. – Мен пиёзни яхши кўраман Махсум...

– Мен пиёзни яхши кўрмайман, лекин Бари бир ейман, – деди Ибодулло Махсум.

– Мен эрталаб уйда шўрва ичувдим, – деди Тўрабой. – Лекин улоқ гўшти ширин, кўнгил тортадиган бўпти. Шу бир замон бўлса-да, оёқни узатиб ётиб фақат улоқ гўшти есанг!

– Ҳадеб улоқ гўшти еган маза қилмайди, – деди Фуччи чол. – Жонга тегади. Мана, мен ошнияма яхши кўраман.

– Бари бир, ошнинг тагига улоқ гўштидан босасиз, – деб эътироз билдирди Тўрабой.

– Молнинг гўштияма бўлаверади, – деди Ибодулло Махсум.

– Манзар полвон гуручли таом емайди, – деди Фуччи чол. – Еса, томоғига тикилиб қолади. Бировлар ош еганда етимчадай қараб ўтираверади. Кейин лаган бўшагандан кейин тагида қолган ёғнинг юқи билан маҳсисини мойлайди.

– Бари бир мойларкан-ку, – деди Тўрабой. – Ҳар на нафи борку!.. Лекин менга қолса, доимо улоқ гўшти ердим.

– Кунора енг, Тўрабой, – Ибодулло Махсум Тўрабойнинг ўжарлигини

кўп ёқтирмади. – Бўлмасам, бўкиб қоласиз. Уйингиз дўхтирдан олис. Дўхтирга опкетса, буқаларга ким қарайди?

Тўрабой қалтисроқ гапирмоқ бўлиб, қўлини дастурхондан тортди. Лекин қовурдоқни кўзи қиймади. Чимирилган ўсиқ қошлари тағин ёйилди, бир култум яхна чойдан симириб, лаганга яқинроқ сурилди.

– Ўлдирса, улоқнинг гўшти ўлдирсин! – деди у хушхоллик билан.

– Ора-сира бошқа таомдан ҳам енг, – деди Ибодулло Махсум. – Келинга айтинг, ялпиздан кўпроқ кўшсин. Юраккаям, миягаям фойдаси бор.

– Менинг юрагим тузук, Махсум.

– Миянгизчи? – деб сўради

Ибодулло Махсум. Тўрабой бу гапни эшитмади.

– Ялпизнинг энди икки кулоқ чиқаргани дуруст, – деди у.

– Йўқ, Тўрабой, – деди Фуччи чол.

– Ялпизнинг мияга зиёни бор. Бизнинг ола мушук шу ялпиздоридан ичиб хароб бўлди.

Тўрабой қувониб кетди. Фуччи чолни худди телбани томоша қилгандек, алоҳида бир диққат билан кўздан ўтказди.

– Ўлдирдингизми, ишқилиб?

– Жуда бераҳм одамсиз-да. Тўрабой!.. – деди Фуччи чол ранжиб.

Тўрабой гапни ўзига юқтирмади. Кулди. Кулганида устки лаби жийрилиб, сарғайган милклари кўринди.

– Кулманг, Тўрабой, – деди Ибодулло Махсум.

– Мен кулмадим, Махсум, ўлай агар, кулмадим, – Тўрабой кулганини тан олмади. – Акамнинг мушуги қизиқ экан-да ўзи!..

– Уям Худонинг яратгани, – деди Ибодулло Махсум. – Бизнинг мушук ҳафтасига биттадан илон ўлдиради. Пойлаб туриб, панжаси билан битта уради – тамом, ўлади-қолади!

– Бижжики паштроқиди, Махсум, – деди Фуччи чол гўлдираб. – Мен шуни еббўвай, кейин...

– Енг, ака ош бўлсин! Еб бўлгандан кейин айтасиз.

Фуччи чол оғзидаги луқмани еб бўлиб, Ибодулло Махсумга қаради:

– Еб бўлдим, Махсум.

– Энди гапиринг, ака, – рухсат берди Ибодулло Махсум.

– Бизнинг мушук пиёниста эди, Махсум, – деди Ғуччи чол. – Кампир юрагига деб ялпиздори ичади денг... Қаёқданам мушуги тушмагур шунга ўрганди. Кампир дорисини ичиб юрганида тузук эди, бечора қолган-қутган юқини ялаб кун ўтка-зарди. Лекин касофат қурумсоқлик қилиб дорисиниям ичмай қўйди. Кейин мушукнинг миёвлаб беҳузур бўлганини кўринг!..

– Их!.. – деди Ибодулло Махсум. – Мен мушукни мунчалар бўлар деб ўйламовдим!

– Бўларкан-да, Махсум, – деди Ғуччи чол. – Баҳор пайти ариқ лабига тушиб, балчиқдан энди бодраб чиққан ялпизни панжаси билан ўзига қайириб олади, кейин тепадаги икки кулоқчасини курт-курт қилиб ейди. Неча марта ариққа тушиб кетдиямки яна қайтиб боради!.. Бўлмасам мушук деганингиз сувдан кўрқади.

– Қутурган одам ҳам сувдан кўрқади, – деди Тўрабой.

Жим қолишди. Ғуччи чол ҳикоя билан овора, тузукроқ овқат ҳам еёлмади, баттар очиққанини сезди, лекин шунча гапдан кейин маош қилишни ўзига эп кўрмай, қўлини дастурхон четига артди. Ибодулло Махсум ҳам ўзини тийди.

Тўрабой лаганнинг кўп бузилмаган четини ўзига қаратиб, иштаҳа билан ея бошлади. Егандаям чапиллатиб еди. Боя гап устида кўп сезилмаган экан, ҳозир эшитиб, Ибодулло Махсумнинг гаши келди.

– Чапиллатманг, Тўрабой! – деди у тоқати тоқ бўлиб.

Тўрабой бунисини кутмаганди – оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Қайтариб ташлай деса – олдида дастурхон, чайнаб ютай деса, бунисиям оғир. Бечора бир муддат бақрайиб қолди. Ўзигаям кўп таъсир қилди. Ниҳоят, оғзидаги луқмани чайнамай-нетмай, бир амаллаб ютди. Устидан бир пиёла яхна чойни кўтариб, Ибодулло Махсумга санчиброқ тикилди. Лекин Ибодулло Махсум Ғуччи чолга ўхшаган бечидам эмасди, Тўрабойнинг кўзларига кулиб қаради.

– Мен сизга айтсам, Махсум – дея гап бошлади Тўрабой.

– Айтинг, Тўрабой, армонингиз қолмасин, – деди Ибодулло Махсум.

– Овқатдан кейин айтса нима бўлади, Махсум? – деб сўради Ғуччи чол. У ўзининг мезбонлигини унутолмай гаранг эди. – Хўп денг, Махсум, шуни овқатдан кейин айтсин.

– Майли, ҳозир айтаверсин.

– Мен ёшроқ бўлганимда, сизни бир урардим, Махсум, – деди Тўрабой.

– Менга Ғуччи акам ёрдам берарди, – Ибодулло Махсум гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

– Тўғри, – деди Ғуччи чол. – Мени Жуман ғалча ўғиллари билан қўшилишиб урган. У пайтда Махсум Бухорода ўқиб юрарди.

– Минг ўқигани билан, Бари бир муллалик қилолмади, – деди Тўрабой.

– Қилолмадим эмас, қилмадим.

– Бари бир, Махсум, мен сизни урардим...

– Менга бир қаранг, Тўрабой, – деди Ибодулло Махсум жажланиб.

– Авлиёга аталган улоқдай ҳолингиз бор, бир муштимдан ортмайсиз. Ёшлик пайтимда бир урсам, сизни Сигиртепанинг ортидан топиб келишарди!

– Узоқмасмикин? – деб сўради Тўрабой. – Сиз асл нокас одамсиз, Махсум. Менга ҳасад қиласиз!

– Ҳой, Тўрабой, сиз кимсизки Махсум сизга ҳасад қилса!.. – деди Ғуччи чол ғазабдан бўзариб. – Сиз Махсумга кўп таъна қилманг!

– Қўйинг, ака, – деди Ибодулло Махсум. – Мунинг гапига кўп эътибор берманг, бу киши бировнинг пайини қирқиб турмаса бўлмайди.

Тўрабой бирдан пусиб қолди. Не қилса ҳам, пайи кесилган бўз той унинг заиф жойи эди. Баъзида Тўрабойнинг ўзи ҳам шунга ажаблаларди: энди одам деганинг борки, дунёга келиб гуноҳдан фориғ бўлмайди. Сутдай оқ бўлишнинг ҳеч иложи йўқ. Бўлмасам, Худога шукр, шу бўз тойдан бошқа айблари ҳам оз эмас. Лекин уларни ҳамма биларди. Уларни деб аллақачон шарманда қилишган. Қайтага шарманда бўлганинг ҳам дуруст, шармандалик бир

кун, бир ой, боринги, бир йил чўзилар, кейин бориб унут бўлиб кетади. Ибодулло Махсум шу битта бўз тойнинг гапини гап қилиб олган, истаса эслатади, истамаса – йўқ... Лекин ҳалиги ошиқча. Тилини суғуриб олган камлик қилар!.. Бир тойчоқнинг хуни ўзи қанча, кесилса, пайи кесилибди, шуни яширдинг нимаю яширмадинг нима? Ўзи-ку, шуни айтсанг, тинчишинг тайин. Махсумнинг шамаларига чидаб юргандан кўра, бир йўла шарманда бўлда, кўй!..

Тўрабой шарманда бўлишга аҳд қилди.

– Бировнинг пайини қирққан ёмонми, Махсум? – деб сўради у.

– Билмадим, қассоб бўп кўрмаганман, – деди Ибодулло Махсум. У Тўрабойнинг шум ниятини аллақачон пайқаган эди.

– Айтайлик, Ғуччи акамнинг отининг пайини қирқсам нима бўлади? – деб талмовсиради Тўрабой.

Ғуччи чол эшитган гапига ишонмай, ўрнидан сапчиб турди.

– Оғзингизга қараб гапиринг, Тўрабой! – деди у. – Мен отимни сиз билан қўшиб битта таблага боғламасман!

Тўрабой тағин амалга етмади. Доғда қолди. Ичида Ғуччи чолни сўқди: “Галварс! Билишням истамайди!..” Кейин кўзларини Ғуччи чолнинг салла билан чирмалган ярадор кўлига тикди:

– Қўл энди кўпкарига ярамайди-ку, юрт оғаси! Ғуччи чол бесаранжом бўлди. Қўлини чопон остига яширмоқчи эди, бўлмади, ошнаси “қўявер!” дегандек ишора қилди.

– Қутурмаган бўлсаям, қопганини қаранг! – деди Тўрабой. – Бировнинг занжирдаги ити бўлсаям бир гап эди, лекин у мўлтонидан қолган экан. Мўлтони халқи аҳмоқ эмас, шайтонга дарс беради, соғ итни ҳеч маҳал ташлаб кетмайди, ўзи билан опкетади!..

Ғуччи чолнинг юрагига ваҳима тушди.

– Мен ҳеч белгисини сезмадим, Тўрабой, – деди у.

– Бирданига белги нима қиларди! – Ғуччи чолнинг соддалигидан кулди. – Сап туриб белги беради-да,



ахир!.. Иштаҳангиз ҳам йўқолган кўринади. Билсангиз, Гуччи акам, кутурган итнинг устидан галвирда сув элашади.

– Мен сувдан кўркмайман, Тўрабой, – деди Гуччи чол. – Ўзингиз кўрдингиз, бемалол чой ичиб ўтирибман.

– Энди бу бир мисол-да, Гуччи акам... – деди Тўрабой. – Агар яна бир мисол опқарасак, мана, сиз... бирор кимсага тиш солармидингиз?

– Э, мен итмидимки, бировни тишласам! – ажабланди Гуччи чол.

– Мен сизни итга менгзамадим, – деди Тўрабой. – Энди бир мисол қилиб гапирдим. Мен бировни тўсатдан тишлаб олгингиз келмайдими, деб сўраяпман.

– Итга менгзамадим дейсиз-ку, лекин тишлагинг келмайдими, деб сўрайсиз. Энди итга менгзаганингиз шу-да, Тўрабой?

– Йўқ, бу гаплардан Худо асрасин! – деди Тўрабой. – Минбаъд мундай гапирманг!

– Бўлмаса нима? – Гуччи чолнинг дафъатан қаҳри келди. – Мен сизга бўйинса бўлмасам, ёшим бирор ўн ёш катта бўлса, нега менга мундай ҳазил қиласиз?

– Мен сизга ҳазил қилмадим.

– Бўлмаса, чинингизми бу? – деб сўради Гуччи чол.

Тўрабой жавоб ўрнига қиқирлаб кулди. Шу пайтгача хурпайиб ўтирган Ибодулло Махсум бошини кўтарди.

– Сиз акамнинг кутурмаганига ҳафасиз чоғи, Тўрабой? – деб сўради у.

– Худо урсин! – Тўрабой кўшқўлаб ёқасини ушлади. – Агар шундай ўйлаган бўлсам, тонгга етмай ўлай!..

– Сизнинг акам кутурса суюнишингиз тайин, – деди Ибодулло Махсум. – Жуман галча акамни ўғилларига кўшилиб урган. Сиз шу одамнинг жиянисиз. Сизнинг суюнишингиз тайин.

Тўрабой бундай кескин даъвои кутмаган экан, кўзлари пир-пир уча бошлади. Гуччи чолга мадад сўраб тикилди.

– Жуман галча мени урган, – деди Гуччи чол.

– Урса у урибди, менинг айбим нима? – деб сўради Тўрабой.

– Жуман галча жондай тоғангиз эди, – Гуччи чол унга айбини эслатди.

Тўрабой кўп мулзам бўлди. Гуччи чол ҳақ эди. Яхшими, ёмонми, Жуман галча унинг тоғаси.

– Алам қияптими, Тўрабой? – суриштирди Ибодулло Махсум.

– Алам қияпти, – дея тан олди Тўрабой.

– Алам қилган жойига туз сеппинг, – деди Ибодулло Махсум.

Тўрабой аввал бўзарди, кейин қизарди, ўзини ҳар не туттали уринди-ку, иложини топмади, хунук бир тиржайиб, бори йўқ заҳрини тўкиб солди:

– Сизам кутурибсиз, Махсум!

Орадаги илинибгина турган ип чирс этиб узилди. Гуччи чол Ибодулло Махсумга ялт этиб қаради. Лекин Ибодулло Махсумнинг юзи қилт этмади.

– Бир оёқнинг чигилини ёзсак, Тўрабой, – деб таклиф қилди у. – Юринг, бир оёқнинг чигилини ёзайлик.

Тўрабой уни ўзича тушунди.

– Ёшингиз бир жойга бориб қолган, Махсум, – деди у. – Сизни уриш менга уят..

– Бошқа гап бор, Тўрабой, – деди Ибодулло Махсум. Тўрабой унга ишонқирамай қаради.

– Шуни эртага гаплашсак бўлмайдимми, Махсум?..

Ибодулло Махсум таҳқирли сукут билан жавоб қилди. Тўрабой ноилож чорпоядан тушди.

– Ўзингизни калишингизни кийинг, – деди Ибодулло Махсум. – Меники ҳали янги, тўйга кийиб борадиган...

Тўрабой баттар каловланди, Ибодулло Махсумнинг калишини ечиб, ўзининг уवादороқ жуфтини оёқларига илди. Сўнг Ибодулло Махсумга эргашиб, боягина Гуччи чол билан ўғли Эргаш гаплашган жойга – қари хашаки олманинг тагига борди. Тўхтадилар. Ибодулло Махсум чопонининг барларини қайириб, белбоғига қистирди, сўнг Тўрабой тарафга бир қадам босди. Тўрабой ортга тисланди.

– Ҳазиллашманг, Махсум, охири ёмон бўлади, – деди у, сўнг гапининг исботи учун икки-уч марта ер депсинди.

– Кутурган ит мениям қопган, – деди Ибодулло Махсум. – Сизам мен билан эҳтиётроқ бўп гаплашинг.

– Ҳазиллашманг, Махсум, жаҳлим чиқса, ақлим кетади, – деди Тўрабой. – Жонингизга раҳмингиз келсин, Махсум!

– Бўғзингиздан бир тишлайми, Тўрабой? – деб сўради Ибодулло Махсум, сўнг ростдан тишламоқчи бўлгандай, тишларини такиллади. – Хўп денг, кекирдагингиздан бир тишлам узиб олай, Тўрабой?

Тўрабой чўчиди. Яна икки қадам ортга тисланди, тисланиш асносида дарвоза тарафга ўғринча қараб олди. Негадир кўнглига маъюслик чўқди. Ибодулло Махсумдан азбаройи ҳафа бўлди чоғи, икки марта чуқур хўрсинди. Кейин уни четлаб ўтиб, дарвозага йўналди. Ибодулло Махсум унинг ортидан юрди. Тўрабой илдамлади. Ибодулло Махсум ҳам қадамини тезлатди. Тўрабойнинг ўзи тўлагина, чопони танига ҳам хиёл тор эди. Тезроқ юрганидан кети чопон тагида қалпанглаб борарди. Ибодулло Махсумнинг хаёлига ногаҳон бир шум фикр келди, илжайди, бир-икки бор ўзининг ўнг оёғига, кейин Тўрабойнинг ортига қараб олди. Лекин ҳар қалай оёқ кўтармади – инсоф қилди. Гарчи Тўрабойнинг ортига тегмаган бўлса-да, шу ўйнинг ўзиданоқ завқланди. Хатто, шу ўй баробарида кўнглидаги озми-кўп хусуматни ҳам унутгандай бўлди. Гўёки тепки билан хусумат орасида ҳеч бир алоқа йўқдай эди... Тепгинг келди, тепмоқчи ҳам бўлдинг, лекин тепмадинг... Бари бир, деб ўйлади Ибодулло Махсум. Тепмоқчи бўлганиннинг ўзиям яхши. Одамнинг миясига шундай хаёлни келганига қаранг... Кекирдагинни узиб оламан дединг-ку, лекин узиб олмоқчи эмасдинг, лекин тепаман, деб айтмасанг ҳам – тепгинг келди...

Ибодулло Махсум илгари ҳеч бундай тарзда ўйламаган эди. Шу сабаб ўйнинг завқини туйиш ўзгача бўлди. Мабодо, Тўрабой ақалли

бир бора ортига қайрилганда эди, балким, Ибодулло Махсумнинг қувончини кўриб, роса ажабланган бўларди. Хайтовур, у ортига қайрилмади. Ибодулло Махсум унинг қайрилмоғини ўйлаб, ўзини йиғишга, сал-пал қовоқ уйишга уринди. Лекин иложини топмади. Кейин у ошқора илжайди. Ибодулло Махсум дарвоза олдида тўхтади. Тўрабой эса кўчага чиққандан кейингина қадамни секинлатди. Ортига ҳадик аралаш боқди. Сўнг таъқибчисининг ичкарида қолганини кўриб, тўхтади, дадиллашди ва этагини қоқди: энди бу ерни елкамининг чуқури кўрсин!

Ўша куни кечаси Ғуччи чол Ғалатепадан бош олиб кетишга аҳд қилди.

Ёзининг дим, иссиқ тунида узоқ ўйлаб ётди. Қазогача ёру дўстнинг олдида қолган маъқул эди, деб ўйлади. Лекин тақдир деганинг тескари келди, мундайроқ ўлим билан ўлсам бир гап, лекин қутуриб ўлиш... Ҳеч ким сени аяб ўтирмас, тинч ўлсанг – ўлганинг, бўлмаса, шартта ушлаб, дарахтнинг танасига занжирбанд қилишади, вассалом!..

Хуллас, у бош олиб кетгали аҳд қилди: уйдагиларга шаҳарга кетдим, деб айтади, кейин бир пана-пастқам жойни топиб... кутади. Ўтса, ўтиб кетгани – кунинг узоқ экан, магарким, ўтмаса... Э, шуниям ўй қилиб ўтирасанми!.. Одам деганинг бир марта дунёга келади. Бир бошда бир ўлим, бешикка теккан елка тобутга тегмай қолармиди!..

Эртаси куни тонг маҳали Ғуччи чол кунчиқарга қараб йўл тутди. Биров кўрмасин деб, сою соя жойларни танлаб юрди. Чошгоҳда тоғнинг этагига етиб борди, лекин ўрламади, кучини аяди, арчазорни оралаб ўтган текисгина сўқмоқдан кетаверди. Тоғнинг нариги белида бу сўқмоқ бирданига тик олди, Чўнқаймишга кетадиган довонга қараб бурилди. Ғуччи чол жануброққа, сарғиш ўтўлан қопланган чўлга томон тушиб борди. Ғалатепа узоқда, арчазор кумуш бўлиб ялтираган тоғ тумшуғи ортида қолиб кетди. Ғуччи чол хийла чарчади, терга ботди. Уйқусиз тун уни азоблаб қўйган экан, аъзойи-

бадани зирқираб оғрий бошлади. Бекорга от минмабман, деб ўйлади у, ҳеч ким гумондор бўлмасди, тоққа кетяпти, деб ўйлашарди, холос... Кимнинг менинг қутуриб ўлганим билан бир пуллик иши бор?.. Отни аядим, завол бўлмасин, дедим. Сирасини айтса, отнинг ўзи нимага кераги бор? Азроилни пиёда юриб ҳам топиб оларман!..

Бирдан у қўнғироқ товушини эшитди. Аввалига қўй-қўзини эргаштирган серка бўлса керак, деб хаёл қилди, лекин ҳарчанд тикилмасин, яқин-атрофда қўй зотини кўрмади. Қўнғироқ товуши ҳам гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб, тоғ бағридаги яйловдан эмас, буткул терс тарафдан – рўпарадаги тошлоқ қирлар ортидан келарди. Ярим соатлар ўтгач, қаршисидаги қир ўрқачида битта отлиқ пайдо бўлди, унинг ортидан учта туя бодраб чиқди. Ғуччи чол кўзларига ишонмай, бир зум тек қотиб қолди.

Кичкина карвон тобора яқинлашиб келаверди. Ниҳоят, Ғуччи чол карвонбошини таниди: бу ўша маълум ва машҳур Жонузоқ араб эди. Карвонбоши ҳам уни таниди чоғи, отининг жиловини тортди.

– Ассалому алайҳум, Ғуччи ака, – деди Жонузоқ араб ҳорғин бир овозда. – Бу дунёда тирик бормисиз, ака, жонингиз тинчми?..

– Бирнав, – деди Ғуччи чол.  
– Каттақўрғонга кетяпман, – деди Жонузоқ араб. – Қариб қолдим. Каттақўрғоннинг тузи тортди... Жуда қаридим, Ғуччи ака...

Ғуччи чол унинг қариганини ўзи ҳам кўриб турарди: соч-соқолидан тортиб, то гарданидан чиқиб турган мўйларигача оппоқ, юзлари чўтир, баттар қорайган...

– Кўп касал бўлдим, – деди Жонузоқ араб. – Чечакка чалиндим.

– Мен эса улоқиб келяпман, – деди Ғуччи чол. – Бесар ит қопти. Қутурган, деб айтишяпти. Този эди, менга ўрганса, мўлтонини эсдан чиқарар, девдим... Мўлтонининг ити итлик қилмас экан, Узоқбой. Биласиз, битта қўшқувур милтиғим бор, энди този асрасам, деб ўйловдим. Ўзингиз ўйланг, умрим уюр

ортида ўтди, бир ёққа чиқолмадим, чиқарга вақт бўлмади. Энди қариган чоғимда отга миниб, милтиқни олиб, кейин битта тозини ортимдан олиб, бир жойларга овга чиқаман деган ниятим бор эди. Ёшлигимдан шуни ўйлардим Узоқбой, фақат бургутим йўқ. Бир куни Чўнқаймишдан бургутнинг жўжасини сотиб олдим. Ўн сўм бердим, тумшуғи қорайса овга опчиқарман, дедим, лекин бургутнинг боласи қузғун бўп чиқди...

– Ёмон бўпти, – деди Жонузоқ араб. – Бургутнинг қузғун бўп чиққани ёмон, Ғуччи ака. Қузғун овга ярамайди.

– Биламан, – деди Ғуччи чол. – Лекин бечора қуш қузғун бўларга ҳам улгурмади. Мен Пайшанбага кетувдим, уйдагилар тузланган гўшт бериб ўлдириб қўйибди... Балким, улар қасддан қилмагандир, лекин қузғун Бари бир ўлди. Бургут бўлмасаям, бечора қушга ичим ачиди. Уйдагилар менинг отимниям ёмон кўради, Узоқбой, сотгин деб айтади, бўлмасам, сени бир жар-парга ташлаб кетади, дейишади...

– Улар отни билмас экан, Ғуччи ака! – ажабланди Жонузоқ араб. – Билса, мунча ёмон хаёлга бормасди. Йўқ, Ғуччи ака, отни бировга сотманг!

– Кимгаям сотардим, – деди Ғуччи чол. – Жонивор ўзимга бош қўйиб қолган. Сотсам, сайислигини ким қилади? Яқинда касал бўлувди, бир пудча сабзи едирдим, қони тозаланди. Йўқ, Узоқбой, бошқа биров отни хароб қилади. Уйдагилар ҳаммаси мендан хафа. Бир ҳафта бўлди, кампир синглисини кўргани кетган. Озроқ хафалашган эдик, шу пайтда кетгани ёмон бўлди, одамлар уни аразлаб кетди, деб ўйлапти. Омадим йўқ экан, Узоқбой.

– Менинг хотиним уйда ўтиради, – деди Жонузоқ араб. – Аввал карвон билан юрарди, энди уям қариди... Борадиган қариндошиям йўқ, ўзимга ўхшаган етим. Сизам бирор етим қизга уйлансангиз бўларкан, Ғуччи ака.

– Менам шуни ўйловдим, – деди Ғуччи чол. – Лекин буям ёмонмас, инсофи бор. Бошқасини олсам, бал-



ким, ёмон бўлармиди, ўзингиз ўйланг, мен йилқи ортида юрсам, уйга ҳафтада бир келаманми, йўқми...

– Энди биз қариб қолдик, Гуччи ака, – деди Жонузоқ араб. – Энди тинчроқ ўтирсак бўлармиди.

– Ҳеч иложи йўқ, Узоқбой...

– Тўғри, иложи йўқ. Сиз, Гуччи ака, шу мўлтонидан қолган тозига тегмасангиз бўларкан.

– Този ёмон эмасди... Ўргатиб олгим келди. Махсум айтди, қўйинг, ака деди, бу бир бесар ит, тишлаб-нетиб юрмасин... Йўқ, қулоқ солмадим, энди эшитсам, кутурган този экан. Мен кутиб ўтирмадим, Узоқбой.

– Кутмаганингиз яхши, – деди Жонузоқ араб. – Мана, мен шунча йил яна Каттақўрғонга бораё дедим, қарасам, энди қартайиб қолибман. Бошқа ўтиролмадим... Нега пиёда кетяпсиз, Гуччи ака? Эсимда, битта саман отингиз бўларди, зўр эди, Сигиртепанинг тагида пойга бўлса, ўзингиз биринчи бўп келардингиз. Ҳозирам ўша ерда улоқ бўладими?

– Энди кўп улоқ чопишмайди, Узоқбой, – деди Гуччи чол ғамгин туриб. – Ўша саман отим ҳам энди йўқ, энди менинг бошқа отим бор – қизил қашқа от... Кўриб турибсиз, Узоқбой, бош олиб кетяпман. Бўлмасам, мени дарахтга боғлаб қўйишади. Ўзингиз ўйланг, Узоқбой, мен дарахтни шу ният билан ўтқазибмидим? Йўқ, мунга чидашим қийин. Мундан кўра, бирор чўли биёбонда ўлиб кетганим маъқул...

– Сиз Қизилтошга боринг, – деб маслаҳат берди Жонузоқ араб. – Суви яхши жой. Ҳамма ёқда қизил тош, зарра қумигача қизил...

– Менга сувнинг кераги кам, – деди Гуччи чол.

– Бари бир Қизилтошга борганингиз маъқул. Мен у ёқда доим қизил ўтов тикардим. Қизилтошнинг тошиям қизил, менинг ўтовим ҳам қизил бўларди. Бориб яна ўтов тикардим-у, лекин ёш ўтиб қолди. Улар олдидан Каттақўрғонга бориб келсам, шуям катта гап. Уйда тинч ўтиролмаيمان, Гуччи ака. Ўтган куни ҳеч чидаёлмадим, уч туяни етаклаб йўлга тушдим. Индин чошгоҳда Кат-

тақўрғонга етаман, эртароқ етишим қийин, туялар қариб қолган.

– Туяни нима қиласиз, Узоқбой? – деб сўради Гуччи чол. – Ҳаммаси салт экан-ку?

– Э, туясиз бўларканми, Гуччи ака!.. – ажабланди Жонузоқ араб. – Туясиз йўл йўлга ўхшармиди!.. Ахир мен... Каттақўрғонга туя тортардим-ку, эсингиздан чиқдимми, Гуччи ака?

– Каттақўрғон яхши шаҳар, – деди Гуччи чол. – Одамлариям яхши.

– Қизилтош ҳам яхши, – деди Жонузоқ араб. – Сиз хўп денг, Гуччи ака, Қизилтошга боринг. Сиз у тарафда неча йил йилқи боққансиз!

– Унга кўп бўлди, Узоқбой! Эҳ-ҳе, жуда кўп бўлди!..

– Ҳалиям кеч эмас. Сиз Қизилтошга боринг. Пиёда юрганга узоқ, яхшиси, менинг байталими олинг. Хуржунниям олинг, мен туяда бир амаллаб етиб борарман.

Гуччи чол йўқ деёлмади. Жонузоқ араб унга байталининг жиловини тутқазиб, ўзи туялардан бирига амр қилди:

– Чўк, чўк, жонивор!

Туя чўккалади. Жонузоқ араб унинг ўрқачига чиқиб ўтиргач, туя ўрнидан турди. Ҳар ким ўз йўлига кета бошлади. Бирор юз қадам босиб, Жонузоқ араб Гуччи чолни чақирди:

– Сал бўлмаса, эсимдан чиқай дебди, Гуччи ака! Оти Санобар!

– Кимнинг оти? – тушунмай сўради Гуччи чол.

– Байталинингизнинг оти!..

Шу сўзларни айтиб, Жонузоқ араб қир ортида кўздан ғойиб бўлди.

Гуччи чол эртаси ярим тунда Қизилтошга бориб тушди. Байталини эски работ буржидаги юлғун тупига боғлаб, хуржунини нураган пахса девор тагига олди. Работнинг усти ўпирилиб тушган, дарбозахонасида сайраётган бойқуш одам исини сезиб жим бўлиб қолди, кейин яна бошлади. Сўнг хас-хашак остидаги чигирткалар, каваклардан судралиб чиққан илонлар... Басма-бас сайрашга тушдилар.

Атроф сутдек ойдин. Ойдинда работнинг харобаси улкан кўринади.

Вақт ҳам негадир сушлашиб қолган.

Гуччи чол ёлғизликдан энди чўчиди. Кўнглига чўккан ваҳимадан қутулмоқ истаб, байталининг ёнига борди, бўйнидан маҳкам қучоқлади, юзини унинг тўс-дағал ёлларига босди. Байталга ҳожисининг қилиғи хуш ёқди, бўйнини тағин ҳам қуйи эгди, сўнг юганини бир-икки силкитиб, нозли кишнади. Гуччи чол байталнинг оғзидан сўлиғини чиқариб, ўтлагани қўйди. Ўзи камзулини ерга ташлаб, хуржунни ёстиқ қилдию ойни, хира юлдузларни кузатиб ётди...

Сал ўтиб, юраги сиқилди. Нарироққа ўтлаб кетган байтални чақирди:

– Беҳ-беҳ, жонивор, бери кел!

Байтал сезинди. Ўтдан бош узиб, Гуччи чолнинг ёнига келди. Унинг юзларини ҳидлади. Байталнинг оғзидан аччиқ какра ҳиди уфурди. Гуччи чолнинг кўнгли бузилди.

– Ҳаммамиз ўламиз, Санобар, – деди у байталга. – Менам, мени гапга қўйган Тўрабойям, ҳаммамиз... Бир-биримизнинг дилимизни бекорга оғритганимиз қолади. Ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди. Эшит-япсанми, жонивор?

Байтал икки марта бош силтаб ташлади.

– Худоям бир кун бориб ўтиб кетади, – деди Гуччи чол. – Одамлар бўлмагандан кейин Худонинг нима кераги бор?

– Биз-чи? – деб сўради байтал. – Бизлар қоламиз-ку?

– Э!.. – деб қўл силтади Гуччи чол. – Бариси бир эмасми? Нима, от одамидики...

У бирдан жимиб қолди. Байталнинг кўнглини оғритганини сезди.

– Сен бошқа гапирмагин, жонивор, – деди у сал туриб. – Бари бир сени тушунолмаيمان. Отмисан, одаммисан ишқилиб, дунёга бир кунлик меҳмонсан. Энди шуниям гап қилиб юрамизми?

Байтал ўсал бўлди. Бошини бир силкитиб, юганини чиқариб ташладию боши оққан тарафга йўртиб кетди. Гуччи чол ўзининг ваҳми билан овора бўлиб ёлғиз қолганини пайқамасди ҳам.

“Яхши бўлмади, – деб ўйлади у. – Худога шак келтирдим! Худо бўлма-са... бўлмайди-ку, ахир?!” Назарида худо йўқолиб, дунё етим қолгандай эди.

\* \* \*

Алқисса, Ғуччи чол анча кундан сўнг Ғалатепага соғ-омон қайтиб келди. Келган куни кечқурун гузарга чиқди, одамларни тўплаб уларга Жонузоқ араб, унинг байтали ҳақида нақл қилди. Лекин ишонган одам кам бўлди.

– Жонузоқ ҳар қадамда биттадан от ҳадя қиладиган аҳмоқ эмас, – деди чойхоначи Барот Қийшиқ. – Ғалатепанинг тузини тотган эди, кадрдонлигимиз бор эди. Нега ўзи келмади?

– Каттақўрғонга кетаётган экан, – деди Ғуччи чол. – Мен пиёда кетаётувдим, от билан бир хуржун егулик берди.

– Егулик қани, Ғуччибек? – деб сўради Назар Махсум.

– Егуликни едим.

– Хуржунингиз қани?

– Хуржун эскироқ эди, работда қолдирдим.

– Тузук, тузук, – деб салмоқлади Барот Қийшиқ. – Майли, хуржунни нари қўяйлик, сиз айтинг, Ғуччи бува, Жонузоқ араб ҳадя қилган отнинг ўзи қани?

– От кетиб қолди, – Ғуччи чол ростини айтишга мажбур бўлди. – Мендан аразлаб кетди.

Гурунғ аҳли унинг гапларидан қулган бўлди.

– Сиз бир қизиқ одамсиз, – деди чойхоначи. – Ҳамма сиздан хафа бўлади, аразлайди, кетиб қолади. Аввал кампирингиз кетувди, энди байтал кетибди...

– Кампир келган, – деди Ғуччи чол. – Сингисини кўриб келди.

– Кетиб қолганда хафа бўлгандирсиз? – гапини қўймади чойхоначи.

– Нега хафа бўламан, у қочиб кетгани йўқ-ку?..

– Мўлтонининг тозиси-чи, този қочиб кетгани рост-ку?

Ғуччи чол каловланиб қолди.

Хайрият, мулла Дониёр унинг жони-га ора кирди.

– Сиз чой опкелсангиз бўларди, Баротбой, – деди у чойхоначига қараб, сўнг, Барот Қийшиқ ўчоқ бошига кетгач, яна Ғуччи чолга му-рожаат қилди.

– Қайтганингиз тузук бўпти, Ғуччи. Булар бекорини айтибди, мен Жонузоқнинг от ҳадя қиларига ишонаман. Худога шукр, тирик экан, мен аввалроқ бир раҳматли бўп кетган, деб эшитувдим.

– Ҳали тирик экан, – деди Ғуччи чол. – Анча чўкиб қопти. Каттақўрғонга боргиси кеп йўлга чиқибди.

– Биз сизни йўқолиб кетди, деб ўйловдик, Ғуччибек, – деб гап қўшди Назар Махсум. – Мен бир шаҳар борсамми ҳам дедим, ҳарне, ўғлимиз Санобек ҳукуматнинг одами, сизни излагани бировни қўярмиди...

– Йўқолганим йўқ. Қизилтошга борувдим. Жонузоқбой отини берди. Кўп ақлли байтал эди, одамга ўхшаб гапирарди.

Мулла Дониёр билан Ибодулло Махсумдан бўлак ҳамма унинг гапидан кулди.

– Яхши байтал эди, – давом этди Ғуччи чол. – Мусулмон байтал эди. Шайтон йўлдан уриб, худога шак келтирувдим, шунга хафа бўлди.

Бу гал ундан ошкора хоҳолаб кулишди. Ғуччи чол нима деярини билмай, тек қолди. Шунча гап етма-гандек, мулла Нишон уни кофирлик-да айблади:

– Сиз Худога ишонмайсиз, Ғуччи, – деди у. – Шу сабабким, шайтони алайҳилаъна байталингизнинг танига кириб олибди. Тилга кирибдими, унинг танига шайтон оралаган. Сиз кофирсиз, Ғуччи, фирт кофирсиз! Фақат кофирнинг бошига шундайин касофат савдолар тушади!

Ғуччи чол гапиролмай қолди. Бахтига, Ибодулло Махсум гапга аралашди:

– Эсингизда бўлсин, Нишонбой, шайтон одамнинг танидан ўзга жойни ўзига макон қилмайди, – деди у. – Сиз тузук одамсиз-ку, лекин мул-лаликдан мазангиз йўқроқ. Байтал жониворнинг бирор фиску фасоди, бизга ўхшаб ғайирлиги бўлмаса, нега сиз унга мундай тўхмат қила-сиз? Худонинг кўрсатган каромати

денг, ажабмаски, шу байтал кейин одамга айланган бўлса...

– Махсум ҳинду экан!.. – деб қичқирди мулла Нишон мулла До-ниёрни гувоҳликка чақириб. – Эшит-яписми, Махсум ҳиндунинг мулла-сига ўхшаб гапиряпти. Битта кофир камлик қилувди, энди, манави Махсум ҳам кофир чиқди!.. Ўзингиз айтинг, Дониёр ака, байтал ҳам ҳеч замонда одамга айланадими?

– Муниси тадрижи худога боғ-лик, – деди мулла Дониёр муж-малроқ қилиб.

– Йўқ, Дониёр ака, байтал одамга айланмайди. Сизам байталнинг одамзоддан бўлмиш фарқига бор-майсиз экан!

– Бўлмаса, нега Мурод жувозкаш-нинг хотинчаси байталга ўхшаб киш-найди? – деб сўради мулла Дониёр.

Қолган мардумлар ҳам унинг гапини бир оғиздан тасдиқлашди. “Мурод жувозкашнинг хотини ростдан ҳам икки яшар байталчага ўх-шаб кишнайди”, деб айтишди.

Мулла Нишон кўп мулзам бўлди. Чандон ўйлади ҳамки, муносиб жавоб тополмади. Кейинроқ бориб, хаёлида ғалати-ғалати гумонлар туғиладиган бўлди. Дейлик, хотини Ҳанифа кулса, “Нега кишнаяпсан, байталча?”, деб сўрайди. Шу-шу, бечора Ҳанифа кулишни ҳам бас қилди. Энди уни қитиқлаб ҳам қулдиролмайсан. Завқи ошиб-тошиб кетганида, лабининг бир бурчини кўтариб илжаяди, холос. Кейин бирдан хўрлиги келади. Лекин тузукроқ хўрсиниши ҳам қийин. Мул-ла Нишон унинг хўрсинганини эшитса бўлди, “Нега пишқиряпсан, байтал-ча?”, деб сўрайди.

Машойихлар айтганидек, юрт айвони кенг, бу айвонда минг алвонда одам, минг алвон одамнинг минг турфа ташвиши бор. Мулла нишон-нинг ташвиши – гумон қилмоқ. Ҳа-нифанинг ташвиши – кишнамаслик, бизники... Ким билсин, бизнинг нима ташвишимиз бор?.. Мундай қараса, ташвишимиз қолмади ҳисоб. Бурчи-миз ровийлик эди, бўйин товламадик ва манзилга етдик. Манзилга етган кимсанинг битта нияти бўлади:

Танимиз соғ, жонимиз тинч бўл-син!



# Қалбнинг тўрт фасли

*Шоир Икром Искандар ижодий портретига чизгилар*



**Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,**  
филология фанлари  
доктори, профессор

Табиат фаслларининг ўрин алмашилиши бири иккинчисини инкор этмаган ҳолда бир-бирига суяниб, бири иккинчисининг юзага келишига замин ҳозирлаш, асос яратиш жараёнида кечади. Шу маънода қиш оғушида баҳор, баҳорнинг оташ нигоҳларида ёз, ёзнинг саратон чилласида кузнинг саховати, кузнинг сўлим, дилбар таббасумида эса қиш кўз очиб улғаяр экан.

Одам насли ҳамиша табиатдан ўрганиб, табиатга таассуб қилиб яшайди. Табиат фаслларининг ана шу тахлит ўрин алмашилиши ҳаётнинг яшариши, ҳаётнинг асло завол билмас, ниҳояга эга бўлмаган такомил қонунияти, демакдир. Табиат фаслларининг бир-бирига елка тутиб, бири иккинчисига далда бўлиб, бағрида асраб-авайлаб, камол топтиришида ҳаётнинг азалий ва абадий нафасини ҳис этамиз. Бу ҳар куни тонг отиб, кун ботишига ўхшаш жонли, қонуний жараённи эслатади. Янаям муҳими, табиат фаслларининг ўрин алмашилиши ва бири иккинчисини юзага келтириши ҳодисасида ҳаётнинг жараёнларни ҳамиша ёшартириш, янгилаш, гўзаллаштиришдек эзгуликка асосланган қонуният мутассамлашган.

Ҳаётнинг мазкур табиати бадиий сўз маданияти, бадиий тафаккур тараққиёти учун ҳам бегона эмас. Минг-минг йиллар силсиласида ҳар бир авлод табиатни, жамиятни, инсонни янги бадиий идрок этиш принциплари билан ўзаро фарқланиб, ажралиб туради. Бадиий сўзнинг янги ифода имкониятларини кашф этади.

XX асрнинг охири – XXI аср бошларида янги истеъдодлар авлоди, янги тўлқин адабиётга кириб келди. Булар – Иқбол Мирзо, Салим Ашур, Хосият Рустамова, Сироҷиддин Рауф, Хуршида, Қўчқор Норқобил, Улуғбек Ҳамдам, Икром Искандар, Гўзал Бегим, Фароғат Худойкулова, Зухро Бегим, Шодмон Сулаймон, Нодир Жонузок, Ойдиннисо, Дилшод Ражаб, Ориф Ҳожи, Жамо-

лиддин Муслим, Минҳожиддин Мирзо ва бошқа истеъдодлар эди. Уларнинг бадиий-эстетик изланишларисиз истиқлол адабиёти тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Зеро, ҳар бир ижодий авлод вакиллари ўзига хос овози, услуби, манераси, идрок этиш хусусиятлари билан ўз бадиий дунёсини яратади. Бу хусусият мазкур авлоднинг қиёфасини ҳам белгилаб беради. Мазкур давр шеърини тараққиётда тутган ўрни ва ролини, бадиий-эстетик тафаккур ривожига қўшган улушини кўрсатиш поэзиямининг айнан шу босқичидаги етакчи тамойиллари ҳақида фикр юритиш имконини яратади.

Ана шу силсилада Икром Искандар ижодининг бадиий ҳарорати, таровати, нафосати ўзгача файзли. Хусусан, унинг руҳоний сезими ўткир, тўғу-кечинмалари нафис ва таранг, тафаккури чўнг ва терандир. Икром Искандар илк “Бир даста гул”, “Баҳорни излайман” шеърини мажмуалари билан китобхонлар кўнглига кириб келди. Юраклар тўридан мустаҳкам жой эгаллади. Шоирнинг шеърхонлар билан учрашуви бир умр хотиралардан ўчмайдиган, кўнгиладан кўчмайдиган бўлди.

Икром Искандар бирин-кетин эълон қилган “Бугунги нақллар”, “Ёмғирли фасл”, “Ҳангома ва нақллар”, “Яшил хиргойи”, “Фасллар оҳанги”, “Шамол қўшиғи”, “Висол қушлари” тўпламлари билан адабий-маданий ҳаётимизда ёрқин истеъдод сифатида назарга тушди, эътибор топди.

Икром Искандар ижоди ўзининг ижтимоий-эстетик аҳамияти, табиат-жамият-инсонни бадиий-фалсафий тушуниши ҳамда тушунтириши билан ажралиб туради. Табиат ранглари, жамият ҳодисалари ва руҳоният фаслларини идрок ва ифода қилишдаги мажозий образлилик, рамзли-тимсолли маънодорлиги, сермиқёслиги мухлисларнинг янги-янги тўлқинини вужудга келтирмоқда. Шоирнинг бадиий-эстетик изланишлари

илмий-адабий жамоатчиликнинг доимий диққат марказида, эъзоз-эътиборида.

Шоирнинг биргина табиат фасллари (баҳор, ёз, куз, киш) ва руҳоният иқлимлари боғлиқлигидан уққан фикрчан туйғулар фалсафаси алоҳида йўналишга айлангани билан нуфузlidir. Ушбу ҳодиса шоирнинг нафақат инсон ва табиат ришталарини, умуман, жамият, воқелик психологиясини бадиий-фалсафий идрок ва ифода этишдаги ижодий методи сифатида кўзга ташланади. Хусусан, баҳорий кайфият манзараларига, улардан сизиб чиққан поэтик образларга, кечинмали маънолар силсиласига бир қур разм солайлик.

*Гуллар киприк қоқмай  
Осмонга боқар.  
Осмонни тўлдириб учар эди  
Қанотлари синиқ қуш овози. (“Баҳорда” шеъри)*

ёки:

*Ҳаво шундай тиниқ –  
Осмонда учади бир қушча,  
Елкамга кўнади овози. (“Баҳор” шеъридан)*

ёки:

*Нур – игна,  
Ҳавони қазди қудуқдай...  
Биқирлаб қайнади  
Кўкалам ер... (“Кўклам” шеъри)*

Шоир шеърларида табиат ҳолатлари фикрни қантариб олаётгани йўқ. Аксинча, табиат оҳанглари, ранглари фикрляпти. Туйғу-кечинмалар фикрга чўмган. Лирик қаҳрамон табиат ашёларининг руҳини англаш иштиёқи билан андармон. Эътибор берайлик-а, гуллар нигоҳи осмонга қадалган; киприк қоқмай интиқ осмонга михланган. Бу бежиз эмас. У осмонни тўлдириб учиб бораётган қанотлари синиқ қуш овозини туйиш, уқиш иштиёқи билан банд. Гулларга қўшилиб ўқувчининг ҳам кўнгли ҳаприқиб кетади. Қанотлари синиқ қушнинг овози ҳам хастами? У аслида ожиз, мажолсиз қанотлар ноласидир. Овозга яширинган фиғон-фарёд кўкни тўлдирган, осмонни энлаган. Қаноти синган қушнинг овози поэтик образга айланаётир. У рамзли маънодорлиги билан бизнинг ҳам кўнглимизни тошириб юборади. Бу – овознинг руҳини англаш иштиёқи. Бу – овоз замиридаги ҳақиқатни билишга чоғланган майл. У шеърхон кўнглида ҳам турфа тахайюллар кўзғатади. Рамзли образ қатидаги маъноларни ўқишга, ўқишга интилган фикрнинг ўзи кечинмага йўғрилган ҳолатга айланмоқда.

Янгини билмоқчи бўлсанг мозийга таян, дейди халқимиз. Маълумки, қуш – жаҳон эстетикасида эрк-озодлик тимсоли сифатида талқин қилинади. Энди, Икром Искандар шеърида ана шу эркинликка интилган, парвозга отилган қушнинг қанотлари синган. Қушнинг товуши эмас, синган қанот овози шеърдаги бадиий маъно меҳварини ташкил қилаётир. Эътибор беряписизми,

овоз ҳам синиқ, кўнгли яримта. Шу боис унинг руҳи сўниқ; ёвқур, шиддатнок эмас. Шеър серқатлам рамзлар асосига қурилган. Гуллар, осмон, қуш, қанот, овоз – барчаси бадиий деталлар, табиат ашёлари эмас. Ҳар бири тимсолли маънолари билан узвий боғлиқликда эстетик бутунликни ташкил этмоқда. Чунончи, гуллар – бокиралик, гўзаллик, эзгулик, ёшариш, шодлик-сафо ва яна тирикликнинг ўткинчилиги, умрларнинг онийлиги тимсолидир. Осмон ҳаётнинг азалий ва абадийлигига бир белги. Қушлар қаноти юксакларга кўтарилиш, катта интилиш-иштиёқ, куч-қувват, шиддат ва паноҳ маъноларини англатади. Ва лекин ана шу куч – чалажон ҳолатида; яъни синган қанот билан олис манзилга етиб бориш мушкул. Синган қанот овози Бари бир ишонч, умидга чархланган. Зеро, беқанот осмонга кўтарилиб олди-ку. Олис манзилларга тикилган нигоҳида умид бор. Ишонч эса синган қанотга мадор. Гуллар мужгонининг кўкка қадалганлиги боиси шундан.

Қушлар овози лирик қаҳрамон елкасига кўнади, кўнглига мўралайди. Нур – игна мисоли ёруғлик палагини тўқишга киришган. Англашиладики, шоир шеърларида туйғулар фалсафасини туйиш, фикрга чиврилган ҳолатларини суратлантириш устувор. Бу борада лирик қаҳрамон кўнглида кўпирган кечинмалар билан ранглар, оҳанглар манзараси бир-бирига сингишади, яхлит эстетик бутунликни ташкил этади. Айтиш мумкинки, кўклам лирик қаҳрамон қалбида уйғотган кайфият, ҳолат монанд фикрляпти. Табиат – объектив хилқат сифатида инсон ботинига кўчиб ўтиб яшаяпти, у ҳам инсонга айланыпти. Табиат ҳам одамларга ўхшаб ҳис-туйғулари билан бўлишяпти (“Озоддил турналар-ла Лак-лак фалакка паллак Отган гуллар бўйини Тўтиё айлаб кўзга, Қўшиқларин тинглаган, Ўйин тушган капалак...”). Хилхонада ҳатто қабрларнинг ҳам хаёллари гуллайди. Улар чаман-чаман. Улар майитларнинг гулга кирган, сўзлаётган армонлари, ушалмаган орзулари, умидлари. Семизқирнинг этагида икки қизнинг шивир-шивирлари шамол етагида чечаклар шаклига кириб сочилади.

Шоирнинг бадиий-эстетик талқинига кўра, табиат олами одамга, одам эса кўкламга эвриляпти. Айтиш мумкинки, инсон руҳонияти иқлимларини фалсафий тадқиқ этишда бадиий фикр тобора теранлашиб бормоқда. Хусусан, лирик кечинмалар билан фалсафий ўйлар синтези, омехталиги яхлит бир ҳиссий тафаккур ҳолатларини вужудга келтирмоқда.

*Масрур кездик майсаларнинг  
Ям-яшил назарини.*

Бизга кўкламги гўша майсаларнинг назари. Ўта ҳассос, ниҳоятда нозик-ингичка илғам ифодаси. Буни кўриш, маъносини туйиш, тушунтириш шоирдан шу қадар қилқалам туйғулар тугёнини тақозо этади. Майсалар нигоҳи лирик қаҳрамоннинг ишқи учун бир гўша. Майсалар назарининг ботинида туриб кўклам тароватини сайр қилади. Бағоят нафис сезим ила кузатилган аснолар, тасвирланган лаҳзалар.



*Титранди кўнглимнинг барглари,  
тўкилди бор гарди –  
Кўнглим қалқиётган дардларин,  
шивир-шивир куйга фарқ қилиб  
тонгдай тозарди...*

Лирик қаҳрамон маъшуқасининг ёди-хаёли оқиб ўтган ҳавони симириб осмондай семиради. Эстетик фикр шоирона шавқ-шуқуҳга тўла ҳолатнинг ботиний маъносини ёритишга қаратилган. Яъни, тонг лавҳаси замиридаги ҳолат (ел эсиши, ҳавога тўлган бағир) лирик қаҳрамон кўнглидан қалққан дардларни аритяпти. У оғриқдан фориг бўляпти. Кўклам тонгги лирик қаҳрамоннинг “мен”ини намоён этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, кечинманинг маъносини шуълалантирмоқда. У дард-алам гирдидан тозарган туйғу ҳақиқатидир. Эътибор беряпсизми, тонг сафоси – гўзаллик ҳақиқатини юзага чиқармоқда. Гўзаллик инсонни ғам-андуҳдан озод қиляпти. Шоирнинг гўзаллик идеали кўклам билан уйғунликда тўқислик касб этмоқда. Туйғулар ҳақиқатининг реал, конкрет мазмунига айланмоқда.

Шоир талқинидаги табиат оҳанглари, товушлари, ранглари объектив ҳолатда намоён бўлиши баробарида инсон руҳонияти иқлимларини зоҳир этаётганлиги учун ҳам маъноли. Зеро, ҳақиқатга етишиш йўллари қанчалар турфа, серқирра эса-да, кўнгил иқлимлари орқали кўклам ҳақиқатларини англаб етиш Икром Искандар шеърлари бадииятининг яна бир файзли саҳифасидир. Майсаларнинг назари ям-яшил; у майсалар нигоҳини ёритиш асносида гўзалликнинг ям-яшил ҳақиқатини ҳам кўз-кўз этаётир. Нур, ҳаво, майса, кўнғир тупроқ, шамол, барг – табиат ашёлари эса-да, кўкламнинг инсон психологиясига ҳамкор ҳақиқатлари. Шу боисдан ҳам у туйғуларимизда, онг-шууримизда яшаб қолаверади. Келгуси насллар ҳаётига ҳам кириб бораверади. Тириклигининг файзли, гўзал ҳақиқатлари бўлиб жонланаверади. Офтоб нурларида, ойнинг ойдин шуълаларида, сувнинг бокира жилдир-жилдир оқишида, тоғнинг улуғвор салобатида ўзлигини ошкор этаётган ҳақиқатлар мужассамлашган. Шу боисдан ҳам улар бетакрор гўзалликдир. Негаки, ҳақиқатнинг ўзи ҳам, унга етишиш, ифода йўсинлари, шакллари ҳам ҳаммиша гўзал.

Табиат фасллари бағрига яширинган ҳақиқатнинг гўзалликларини ҳиссий тафаккур уйғунлигида идрок қилиш Икром Искандар ижодидаги яна бир муҳим таъмоилдир.

*Майин шаббодада тебранган майса...  
Узоқ сузиб кетар жойидан жилмай  
кўзларинг – маёқдай порлаб, жилмайса  
тегрангга тароват таратар билмай,  
табиат сендан ранг олур, билмайсан.  
Юзида шабнамлар кулар жилмайса,  
майда қадам ташлаб этгандай ройиш,  
намойиш айлагай майдонда майса  
бу фоний дунёнинг оний чиройин.*

Шоир табиат ашёларининг руҳини суратлантиришга интилар экан, ўткинчи лаҳзалардаги боқийликни муҳрлашга эришади. Фоний асноларнинг умрзоқ дақиқаларини, митти урвоқдек кўринган нарсалар бағрига яширинган катта маъноларни тутиб қолишга эришади. Гуллаётган боғларнинг оппоқ гуллари оқ тусли кулгу бўлиб лирик қаҳрамон юрагига боғланади. Оппоқ гуллар жаранги боғларнинг қувонч тўла кулгуларига уланади. Улар кўкламнинг фоний дақиқалари эмас. Асло. Улар баҳорнинг оппоқ гуллар тимсолида яшнаган руҳи. Баҳорнинг оппоқ гул шаклига кирган руҳи табиат хотирасида, одамларнинг кўнгил кўзларида сеҳрланиб қолаётир.

Борлиқ-табиат гунг, тилсиз-забонсиз хилқат эмас. Йўқ. Шоирнинг илҳом завқи шаббоданинг майин-укпар эпкиннида эланади. Майсалар кипригига инади. Шабнамлар кулгусига уланади. Табиат лирик қаҳрамон маҳбубаси чиройидан ранг олиб, янада гўзаллашмоқда. Майсаларни айтмайсизми: “юзида шабнамлар кулар жилмайса”. Эътибор беряпсизми, борлиқ ўз овозлари билан намойиш топмоқда. Боғларнинг оппоқ гуллари, шабнамлар кулгуси, майсалар жилмайиши, шаббодада тебранган майса – табиатнинг тилга кирган лутфи. Улар бағрига яширинган ўзлигини сўзлятапти. Ашёлар тилга киряпти; баҳорнинг борлигини бизга тушунтиряпти. Олам эврилишда, табиат ашёлари турланишда-тусланишда; руҳини намоён этиш баробарида тилга ҳам киряпти. Ранглар тусида сўзлятапти. Инсон табиатга сингиб ўзлигини йўқотмаяпти. Қайтага табиат ашёлари ўз жилваларига инсон қалбидан маъно оляпти.

Англашиладики, табиат оғушида инсон, одам руҳониятида табиат ўзлигини намоён этаётир. Хусусан, инсон табиат ашёлари тароватидан ўз “мен”ини излятапти ва топяпти.

*Кўзларимнинг ёмғирларини  
хуш бўйларинг оққан ҳавога чайсам,  
сўнгра  
кипригингга қоқилиб,  
юрагингга йиқилиб тушсам,  
эй,  
юзлари ёмғирда ювилган майсам.  
...Ёмғирда ёмғирдек тозарган бўлсак!*

Инсон кўнгли Аллоҳнинг сири, дейди ҳазрат Алишер Навоий. Шоир инсоннинг кўнгил асрорларини табиат ранглари ва оҳанглари орқали бадиий-фалсафий тадқиқ этиш йўлидан бораётир. Ва шу асосда инсон борлиқнинг бир зарраси; шу билан баробар, инсон кўнгли борлиқнинг мўъжаз кўзгуси, деган фалсафий маънони ёритаётир. Руҳоний эркинлик унга ана шундай беадад имкониятни ноил этган. (“Сен менга энг яқин йўлини кўрсат, Қандай борилади сенинг қалбингга”; “Юракдан ранг олган гул”; “Осмонлардан юракни поклаш учун тушган гул”; “Ҳаяжонга фарқ бўлар дарё, Абир исларингга чўммиш ҳар ёни, Юзингда ювилиб тушган томчилар Ёмғирдай поклайди дарёни”; “Соғинчнинг барг каби узилар жони”; “Тўкилмоқда шохлардан умид ва яшашга

бўлган бир илинж”; “Бир-бирин елкага олиб афтода Хазин кўшиқ куйлаб борар хазонлар”; “Ёмғир ёғар... Кулоқларга қочиб киради шитирлаб Ёмғирда ивиб кетган бир товуш”). Булар шоирнинг бадиий топилдиқлари, бадиий кашфиётлари.

Шоир табиат фаслларида кечаётган ранглар, оҳанглар жунбишини қалбга кўчиради. Қалбнинг тўрт фаслидаги туйғу-кечинмалар эврилиши тариқасида талқин қилади. Шуниси нажибки, ҳолатлар, ашёлар ўз зиммасига юкланган бадиий-фалсафий маънолар салмоғи билан нуфузли. Эстетик кечинманинг табиати тасвирнинг маъно-моҳиятини ҳам белгилайди. Турфа, рангин ифода замиридан бадиий-фалсафий мазмун балқиб туради. Хусусан, баҳор-уйғониш, кўкариш, покланиш тимсолига айланган. Кўклам оғушидаги янгиланиш, тозариш руҳоний эврилишлар билан боғлиқ таҳлил ва талқин этилади. Поэтик образлар ҳаётни, ҳақиқатни, гўзалликни тасдиқлашга хизмат қилаётган ранглар, оҳанглар билан сирдош. Ёз – жазирама ҳаловати эмас; у – сабр, қаноат, ям-яшил бардош (“Саратон” шеъридаги нур “Озиб кетган анҳорнинг қовурғасин санайди”; “Ҳавода муаллақ қотади чанглар... Арчалар – тоғдаги яшил харсанглар”). Лирик қаҳрамоннинг ишқ-муҳаббатдан ловуллаб ёнган юраги ёзнинг жазиллаган офтобига менгзалади (“Бир тонг отаётир, Юрагим Ёниб бораётир қуёшдай...”). Офтоб ботғач, уфқ бағри қип-қизил доғга ўхшаб қолади (“... Уфқнинг юзида доғи бор, Уфқдай доғлидир юрагим”).

“Фикр бу – кўринмас табиат, табиат эса кўз илғамас фикрдир”, дейди олмон шоири Ҳ.Ҳейне. Табиат ашёлари ўз моҳияти билан шоир шеърларида поэтик образларга айланади. Тўғри, осмон одамнинг қучоғига сифмайди; ишқ таърифи, муҳаббат васфи ҳам шунга монанд. Шоирнинг поэтик образлари лирик қаҳрамон қалбидаги ишқ оташи алангасини, ҳис-туйғулар рангини, кечинмалар мазмунини қамраб олишга, ёритишга эришади. Афсонавий Антей ҳаёти она замин билан ментиндай мустаҳкам боғланган бўлса, Икром Искандарнинг поэтик образлари ҳам табиатга шунчалар занжирбанд. Табиатдан ранг, бўёқ, фикр олади. Яъни, табиат ашёлари дарахтдек, гиёҳдек яшайди. Тирик-жонли вужуд монанд нафас олади.

Агар эътибор берсак, ўзбек пейзаж лирикасида баҳор ва куз фасллари энг кўп қаламга олингани, шоирларимиз миллий ҳарактер хусусиятларини кўпроқ намоён этганлигини кузатиш мумкин. Шуниси эътиборлики, Икром Искандар тасвиридаги табиат симфониясида ҳар бир фаслнинг ўзига хос калорити лирик қаҳрамон кечинмаларига, кайфиятига мутаносиб жонланади, жилваланади. Ички-ботиний ҳаёти фаслларнинг табиат ато этган турфа мазмунига монанд кечади. Чунончи, лирик қаҳрамон маҳбубасининг кўз қарашлари ёз осмонидек тиниқ, ложувард; яна бағрига ўт солгудек қайноқ, оташноқ; ёз чилласи – жазирамасидек вужудига ўт солади, дилига олов қалайди (“Жазиллаган азобда потирлайди юрагим – Сангзор балиқларини шундай қовуришади”;

“Ай, ҳовлинг адоғида, Айроликнинг доғида Куйган дилим сирлари Томбошига сочилар. Юрагимдан қон сизар – Субҳи козиб чоғида Ёшдай потраб гирдимда Қизғалдоқлар очилар”). Кўз ёшлар, эҳтирослар, нигоҳлар чўлу биёбонлар жазирамасини эслатгудек куйдиради, ёндиради, қовжиратади. Ҳатто сарин шабадалар жазирама саратон тафтида сарғайиб кетган. Билқиллаган тупроқ ҳам сарғимтир тусда. Жавзо офтоби забтига олганидан ҳатто “Тоғларнинг кўксига суянади кўк”.

Ёз жазирамаси лирик қаҳрамон дилини қовурган, қовжиратган, жазғанак қилган ишқ-муҳаббат оташгоҳи сифатида талқин қилинади. Шу боисдан у маҳбубасининг юзини тўсган сочларини йиғиб, кўзларига боқиш, “Юрагингда ушоқча ишқ борми?” деб сўраш илинжида (“Юзларингда ёйилган Жилғанинг макри надир, Икки яшноқ гавҳарни Ўз бағрига кўмади. Гавҳарларки, муҳаббат Оламига чорлайди: – Биз туташган юракда Ишқ тўла, – деб порлайди...”). Баҳор ўтар, ёз ўтар ва лекин жазирама ёз офтобиде сарғайган япроқдек лирик қаҳрамон дилида айрилиқ доғи (“Бу тўрт кунлик дунёсида Сенсиз бир он яшашдан, Тополмасдим ҳеч бир маъни Кўнглим ер ич-этини...”; “Ҳазонлар жон қадар иссиқ кўрилади кўзимга”).

*Куз эди. Кўз каби намчил ҳавони  
Тўлдириб ёғарди сим-сим жунжикиш.  
“Билч-билч” лой кечганча яланг товони  
Йўл бошида ғариб,  
Мунғайиб турарди кунчикиш.*

Куз билан боғлиқ руҳоният тасвирида шоирнинг кўнгли янаям тўлиқиб кетади. Куз – тўкин-эммин бўлиши баробарида, ёғин-сочинга ҳам бой. Яна орзуманд, ўйчан-мулоҳазакор хаёлларнинг этаги йиғиштирилган. Улар сап-сариқ хазонларга уйқаш хўрсинади. Негаки, ҳар қанча кўни-кўнжи ошиб-тошмасин, у боқий ҳаловатга, осуда сокинликка кўчиш остонаси ҳамдир. Тўғри, куз кайфияти, кузнинг жунжиқтирувчи нафаси ҳар бир шоирда турли тахайюллар уйғотиши табиий. Буларнинг ҳаммаси руҳоний эҳтиёж, зарурат тақозосидир. Икром Искандарнинг лирик қаҳрамони учун олисларда қолган ва лекин асло унутилмас, кўнглида ошиён қурган маҳбубасининг ёди йиғлаётган хазонларни эслатади. Вужуд-вужудига титроқ солади (“Кўксимда тугилган хазоним – наво, Шитирлаб куйларди ва сим-сим дардим Ёғарди, кўз каби намчилди ҳаво... Жунжикиб-жунжикиб сени эслардим”). Лирик қаҳрамоннинг яккаланиб қолган, ёлғизланган, севгисига жавоб тополмаган, маҳбубаси илтифот кўрсатмаган афтода ғамгин ҳолатини ёдига солади. Зада юрак – узилиб кетгудек якка баргга ўхшайди (“Шамол эсар далада, Том устида елади – Кўнглимдаги қайғудан Ҳуштак ясаб чалади”). Лирик қаҳрамоннинг маҳтал бўлган нигоҳи монанд япроқлар ҳам сарғарган.

Бандидан узилаётган барг, хазон образлари шоир шеърларида тотли умидларда алданиш, айрилиқ рамзи сифатида тадқиқ этилади.



... Умидим барг каби узилаберди,  
Умидлар хазондек тўкилаберди:  
“Чирт”, “чирт” ...  
Япроқсиз оғочга айландим...

Лекин куз йўқликка йитиш эмас. Ўзлигини, борлигини йўқотиш ҳам эмас. Тўғри, кузнинг эртаси изғирин шамоллар, муз қотган хаёллар, тўнган умидлар қўналғаси. Кузнинг кузғак, вужудларни жунжиқтирувчи, титроқ солиб увиштирувчи кунгай томони ҳам бор. Хусусан, баҳорга хос ям-яшил яшноқ яшариш, гуркираб кўкариш умиди сўлмаган. Гарчанд ям-яшил умидлар, сарғимтир хаёллар хотирага айланган эса-да, кўнглидаги нур-ёруғлик ана шу яшноқ яшиллик оғушида яшайди (“Гарчи ўлдим, тупроққа Қоришмоққа шайландим – Мен ям-яшил ўтларнинг Ўтмишига айландим”).

Бадий маъно – бош ғоя ўткинчи фасллар замиридаги боқийлик ҳақида кетяпти. Хусусан, яшноқ яшиллик, у – ранг, туйғу, фикр тариқасида тусланса-да, ҳаётнинг боқийлигини, тирикликнинг турфа оҳанглари намоён этаётир. Гарчанд кечинмалар заволи топиб, тупроққа айланса-да, лирик қахрамоннинг ишқ-муҳаббати йўқликда йўқолиб кетмаяпти. У ям-яшил ўтларнинг ўтмишига айланиб яшаб қоляпти. Лирик қахрамоннинг юраги япроқ мисоли йироқларга учиб кетса-да, севгиси тирик, у ёруғлик – руҳ тимсолида қоляпти (“... Гарчи ўлдим шитирлаб Синганида чириклар, Бир бахт кўрдим жонимда – Кўролмаган тириклар”).

Қиш оппоқ қорлари, қаҳратон аёзлари билан хотираларда муҳрланган. Икром Искандарнинг “Мотамсароми бу шам”, “Чилла чалар чанқовуз”, “Оқшом. Оқади оқ шам”, “Манзара”, “Ялдо тунда” ва бошқа шеърлари қишнинг оппоқ қор рамзи орқали айтмоқчи бўлган туйғулар ҳақиқатини, фалсафий маънони тиниқ инкишоф этади.




*Дераза кўзларида  
Муз бўлиб қотди шаштим,  
Деразада очилган  
Бир гул каби адашдим...  
Чилла чалар чанқовуз –  
Эсиб ўнгу сўлимдан,  
Оппоқ ва совуқ бир куй  
Хабар берар ўлимдан.*

Табиат фасллари силсиласида куз нуруний кексалик, қиш чилласи ўлим нафаси тариқасида тушунтириб келинади. Эътибор беряспизми, қиш чилласидан ўлим нафаси келади. Бу табиатнинг ўлимидан дарак бераётгани йўқ, асло. Бу – қишнинг қаҳратон совуғига ўқилаётган ҳукм. Қиш аёзи ўзини ўзи адо этаётир. Совуғи кунларини кемираётир. Қиш чилласи ўлиб ўлмаган ва лекин тирик – жони бор деб ҳам айтолмайсан. Унда қандайдир сеҳр, жоду бор. Унинг оғушида ёруғ ниятларнинг, қутлуғ кунларнинг кўзлари мудрайди. Қиш совуқ эса-да, Бари бир нури. Ям-яшил наво бор нурунинг руҳида. Шу боисдан ҳам лирик қахрамон товланган қор гулларининг тафти, ҳидидан илҳак, умидвор (“...Кўёш эритиб юборолмагай Тарновдаги муз каби менинг сабримни”). Зеро, ана шу уйқуга чўмган қаҳратон қиш чилласи оғушида ям-яшил яшноқлик, баҳорий ёшариш, янгиланиш, тозариш мизғиётир. Қиш борлиқни сеҳрлагандек оппоқ

уйқуга чўмдирган. Ва лекин у боқий эмас. Тиниққан, беғидир, беғубор яшиллик уйғонажак. Шу боисдан ҳам лирик қахрамоннинг нигоҳи жимитдай умидни ўзига никоҳлаб олаётир; ана шу увуқдек умид бағрига кириб исинаётир. Ана шу увуқдек илнжда ҳаётсеварлик нури бор; ҳаётнинг боқийлигини тасдиқлаётган яшил ёруғлик бор. У эса асло заволи билмас собит ҳақиқатдир. У сувда чўкмайди, тупроққа қоришмайди, оловларда ёнмайди, қиш чилласида совуқдан тўнғмайди. Негаки, ҳақиқат бу – нуридир.

Уларда инсон ҳаётдан айриш мумкин бўлмаган жон бор, руҳ бор. Туйғу-кечинмаларга жон бахш этиб турган олов ҳарорат – руҳнинг овози; руҳнинг табиат оҳанглари, ҳолатлари тусини олган жонли нафасидир. Шоирнинг бетақдор гўзалликка айланаётган поэтик образларида руҳнинг шуълалари яшаётир. Улар руҳнинг эркинлигидан нафас олаётир. Улар табиат товушлари, ашёлари, ранглари орқали руҳоният ҳақиқатларини дарж этаётганлиги боисидан ҳам кўнглимизга нақшланяпти. Улар руҳоний ҳаётнинг табиат образлари шаклига кирган овози, сўзларидир. Руҳ ўзлигини табиат тимсоллари асосида намоён этаётир.

Бу – Икром Искандарнинг ўзи кашф этган поэтик сўқмоғи, ижодий йўли. Олам сир-синаотларини кечинмалар фикри, туйғулар фалсафаси орқали бадий-эстетик тадқиқотчиликка асосланган шоирона йўл. Бу – ўзига хос бетақдор нуқтаи назар йўли. Поэтик нигоҳнинг рамзлар, тимсоллар асосига қурилган образлари бизни бўйимиз қадаг фикран бойитади; ҳам қайноқ, ҳам муздек руҳоний-ҳиссий идрок тўлқинларида туйғуларимизни чархлайди, тоблайди. Инсоннинг руҳоний дунёси иқлимлари бунчалар беададлигидан ҳайратланамиз. Унинг янги-янги пучмоқлари кашф этилишидан умидларимиз кўзлари очик ва ёниқ.



Юхан БОРГЕН

# Ёзувчи бўлмоқ нима дегани?

Ёзувчи бўлмоқ қалбингни одамларга ишониб очиб бермоқдир. Албатта, фикрларни баён қилиш билан боғлиқ ёзма фаолиятнинг бошқа шакллари ҳам бор. Улар истаган нарсага – илмга, техникага, хунарга, фалсафага, сиёсатга, динга тааллуқли бўлиши мумкин. Буларнинг сўнги учтаси масаласига келсак, биз баёндаги муайян таъмоий ҳақида гапирмоғимиз мумкин. Шу тарзда ташвиқот, даъват майдонга келади. Худди шу тарзда баённинг ҳам қурама шакллари пайдо бўлади. Улар осонлик билан биз баъдий асар деб атайдиган нарсага ҳам айланиб кетиши мумкин. Бу тушунчаларни бир-биридан фарқлаш ҳамма вақт ҳам осон кўчавермайди. Бизнинг давримизда бизга ўхшаган баъдий адабиёт билан боғлиқ бўлган одамлар бу сўзни кўпда ёқтиравермаймиз. Сирасини айтганда, жуда баландпарвоз, дабдабали сўз-да! Ундан кўра кўпроқ биз “нафис адабиёт” демоқни маъқул кўраемиз. Лекин бу атамани ҳам муваффақиятли деб ҳисоблаш анча қийин.

Негаки, “нафис адабиёт” дегани биз ҳар нарсадан аввал интиладиган нарса эмас-да... Рост, кўп ҳолларда биз шу сўзни қўллаганда

нимани назарда тутишимизни одамлар тушунишади. Хўш, биз бу сўз замирида нимани назарда тутамиз? Ҳамма нарсадан аввал бунда гап “қайта яратиш” устида боради. Бу эса хаёлот тушунчаси билан боғлиқ. Хўш, сирасини айтганда, хаёлот деганининг ўзи нима?

Кўпларга шундай туюладики, гўё бу тушунча бўм-бўш осмонларда парвоз қилиб юради. Бироқ бундай эмас, хаёлот ҳаммиша тажрибага, кузатишга асосланади. Бундай дея қолайлик – хаёлот тажрибани илиб оладиган бир ускуна. У бизнинг фикрларимизни керакли томонларга йўналтириб туради. Биз авваллари бошимиздан кечган у ёки бу таассуротларимизнинг ролини ҳамма вақт ҳам етарли даражада кўз олдимизга келтира олмаймиз. (Ҳолбуки, ўтмишнинг айрим таассуротлари ҳаммиша биз билан.)

Назаримда менга шундай туюладики, кўпчилик одам мактабга биринчи бор қадам қўйган кунини ёхуд сузишни ўрганиб олган кунини яхши эслаб қолади. Бундан ташқари, биринчи муҳаббат ҳам хотирада қолади. Бироқ ҳатто ана шу ўта муҳим воқеаларга нисбатан ҳам биз уларнинг ҳамма

тафсилотларини тўлалигича эслаб қолганмиз, деб айта олмаймиз. Мактабга борган биринчи кунимдан ҳаммадан аввал эсимда қолган нарса ўша кезларда кўтариб юрган жилдимнинг ҳиди. Бу жилддан оғилнинг ёки отхонанинг ҳиди келарди. Жилдим теридан тикилган бўлиб, афтидан, отхона ҳиди шу теридан таралган бўлса керак. Шунинг учун от ҳиди мактабга қадам қўйган биринчи куним билан боғлиқ равишда умрбод хотирамда ўрнашиб қолган. Кўз ўнгимда синфхонамиз аниқ-таниқ намоён бўлади, хотирамда овозлар, одамларнинг афт-башаралари, Рейдар деган ўртоғимнинг қулоғи гавдаланади. Рейдарнинг номини эслашим билан хотирамга бошқа исмлар, бошқа овозлар, бошқа афт-башаралар келади. Менинг бутун вужудимни хотиралар қуюни қамраб олади. Жуғрофия дарслигининг кўк муқоваси эсимга тушади ва шу вақтнинг ўзиде Кнут деган боланинг Кристиан деган бола билан муштлашганини эслаб кетаман. Менга Кнут кўпроқ маъқул эди, шунинг учун мен унинг тарафида эдим. Менинг хотираларимда ҳам Кнут ёлиб бўлиб қолган.



Эндиликда мен адиб бўлдим. Бунинг боиси шундаки, мен отнинг хидини эслаб қолганман. Аминманки, ҳамма ҳам шунга ўхшаш воқеани бошидан кечирган. Ҳар битта одам – шоир, шу маънодаки, алланечук хотиралар баҳонасида унда турли фикрлар туғилади. Бу фикрлар янги фикрларга туртки беради, улар эса хаёлот оламини уйғотади.

Баъзи ҳолларда биз жуда яхши англаб тураемиз – бизнинг хотираларимиз хаёлот оламининг фаройиб ўйинлари билан боғланиб кетган. Баъзан бизнинг хотираларимиз онгимизда турган-битгани ҳақиқатдай гавдаланади, баъзан эса улар тўқима сифатида намоён бўлади. Аммо агар ана шу “ёлғон”, ана шу “тўқима” шундай бир шаклга кирсаки ва бу шакл уларга ҳам биз ҳақиқат деб атаган нарсага хос бўлган тугаллик бахш этса, унда улар ҳам биз бадий адабиёт деб атайдиган нарсага айланиши мумкин. Бу ўринда энди мен боягина “ёлғон” деб атаган нарсамга ҳурмат билан муносабатда бўламан, чунки у менинг асаримга асос бўлиб хизмат қилган қуруқ-яланғоч ҳақиқатдан кўра чинроқ бўлиши мумкин...

Мен юқорида айтдим – хаёлот самоларда парвоз қилиб юрадиган нарса эмас, балки синалган, бошдан кечирилган нарсалардан ўзининг илдизига эга бўлган нарсасадир. Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри, фақат биз ҳамма вақт ҳам ўз тасаввурларимизнинг моҳиятини чуқур англаб етмаймиз. Бунинг иккита сабаби бор. Бир сабаби шун-



даки, бизнинг таассуротларимиз энди туғилаётган пайтдаёқ сиқиб чиқарилган. Бу таассуротлар сиқилиб, бир чеккага сурилиб қолган, уларни унутиб юборишга ҳаракат қилинган. Бунинг ҳам ҳар хил сабаблари бўлган бўлиши мумкин. Биз улар тўғрисида тўхтаб ўтirmаймиз. Бошқа сабаб шундаки, содир бўлган воқеа ҳаётимизнинг жуда илк босқичида рўй берган бўлиши мумкин. (Бу илк босқич ҳатто ҳомилалик пайтига ҳам тўғри келар.) Бу эса одатдаги тушунчадагидек эслаб қолишга йўл бермайди. Менга қолса, “хотира” сўзини “эсдалиқлар” сўзи билан алмаштирган бўлардим. Албатта, бу сўз эскичароқ жаранглайди, лекин аввалгисидан чинроқ. Шоирона ижод вақтида рўй берадиган нарса ҳозирги дақиқада хотиралар қатлами остида яшириниб ётган хотира парчаларидир. Буларнинг бари бир сония ва ҳатто бир сониянинг бўлақлари мобайнида рўй беради. Биз ҳаммамиз шунга ўхшаган кечинмаларни бошимиздан ўтказганмиз. Бу туйғу бутун вужудимизни кезиб чиқади-ю, кейин ғойиб бўлади. Баъзилар буни илҳом деб аташади. Ёмон сўз эмас. Сиз ёшлар ҳам вақти-вақти билан бунақа туйғуларни бошдан кечириб турасиз. Фақат бу тўғрида камдан-кам гапирасиз. Афтидан, Сизларга бу нарса булутлар узра сайрдай бўлиб кўринса керак. Лекин бу шунчаки булутлар узра саёҳат эмас. Бу ўринда мен Сизларга бир маслаҳат беришга журъат этаман – Сиз ўша кайфиятга берилинг, уни ўзингизда узоқроқ сақлаб қолишга тиришинг. Илҳом келганда санокли секундлар мобайнида Сиз шоир бўлиб қоласиз. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг – агар шундай дақиқалар ҳаётингизда борган сари кўпроқ ва кўпроқ такрорланиб турса нима бўлади? Шоирнинг мақсадларидан бири – ана шундай лаҳзаларни муҳрлаб қолдириш ёхуд қайтадан яратишдир. Шунинг учун ҳам мен Сизларга “Уйғонинглар!” деб хитоб

қилияпман. Биз “воқелик” деб атайдиган нарсдан бош олиб қочмоқ учунми? Йўқ, аксинча. Воқеликни ёрқин, чинакам манзараларда муҳрлаб қолдириш учун!

Албатта, ҳамманинг ҳам профессионал шоир бўлишга иқтидори етишавермайди. Бироқ биз илҳомли онлардан фойда чиқазамиз билмоғимиз даркор. Бу шунинг учун зарурки, бизнинг замонамизда манадан деб яққол кўриниб туривчи фойда билан бир неча муддат ўтгандан сўнг зиёнга айланиб қоладиган нарса ўртасидаги чегара қаердан ўтишини айтиб бериш осон эмас. (Мен, масалан, экологик таназзулни назарда тутаяпман. Экологик таназзул нима эканини ҳаммангиз ҳам, табиийки, яхши биласиз. Билмасанглар, муаллимларингиздан сўранг. Муаллимларингизнинг ҳаммаси ҳам овсар эмас).

Агар Сиз ҳайрон бўлиб, менадан “Бу бадий ижод деганингизнинг ўзи, аслида, нимага керак?” деб сўрасангиз, мен жавоб бераман: бадий ижод одамзодни фаолроқ қилмоқ учун, унинг қобилиятлари, хаёлот кучини рағбатлантирмоқ учун ва шу билан унга ато этилган ҳаётни янада тўлақонли қилмоқ учун керак. Негаки, бадий асар – ахборот дегани. Юқорида гапириб ўтганимдек, муаллиф қалбининг энг теран пучмоқларида ардоқлаб юрган бойлигини сизга ишониб очиб беради. Яна бир бора такрорлайман – энг ардоқли бойлигини! Сен бу асарни ўзинг хоҳлаган кўйларга солишинг мумкин, ундан юз ўгиришинг мумкин. Агар ҳаққим бор деб ҳисобласанг – унга тупуришинг мумкин. Ёки уни қабул қилишинг, жилла бўлмаса, бир дақиқага қабул қилишинг мумкин. Ана шунда бизнинг ўртамазда мувоҳаса бошланиб кетади. Биз – ёзувчилар эса, сирасини айтганда, айна шу мақсадга интиламиз.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**  
таржимаси



**Саттор АЛИМАРДОНОВ**

## Менинг болалик дўстим

Адашмасам, ўн бир ёшларда эдим. Ток кесиш маҳали бўлса керак, отам раҳматли билан бирга кечкурун боғдан қайтаётган эдик. Йўлда менга тенгдош бола озроқ ўтин орқалаб олиб, бир кишига эргашиб келаётган экан. Отам у киши билан саломлашиб:

– Қани, Абдуғаффорбой, йигит ҳам катта бўлиб қолдимми? – деб сўради.

Ўз навбатида у одам ҳам:

– Худога шукр, йигит бўлиб қолди, боғнинг токини ташиб ётибди. Кўрмаганмисиз, тўйларда олишиб туради, – деди.

Вақти келди, олиш бўлди. Иккаламизни олиштиришди. Узоқ курашдик, ғолиб бўлмади.

Отамнинг бизларни ажратиб айтган шу гаплари эсимда қолган:

– Ўғлим, сен кураш тушган боланинг оти Тоғай, бизга кўшни ўтирадиган Баҳор момонинг невараси, Тожихолнинг ўғли бўлади. Отасини Бўрибой дегич эди. Мол дўхтири эди, ўлиб кетди раҳматли.

...Биз туғилган қишлоқни Хўжасоат дейишади. У жуда катта қишлоқ – ҳозир ўн минг аҳолиси бор. Хўжасоат иккига бўлинган: Паст қишлоқ, Юқори қишлоқ. Сурхондарёнинг номдор полвонлари

шу ерда туғилган. Ҳозиргача Ўзбекистоннинг ҳар еридан полвонлар келиб туради. Тўйларда икки қишлоқ полвонлари тарафма-тараф олишибган, агар чеккадан полвон келса, бир тараф бўлишган. Кейинчалик ана шу тўйлар, ана шу кураш, кўпқарилар Тоғай Муроднинг машҳур қиссаларида акс этди, ўзбек курашини, кўпқарисини дунёга танитди.

Биз Тоғай билан ана шундай танишиб, топишиб ошна бўлганмиз. Мактабда ўқиб юрганамизда ҳар куни кўришиб, саломлашиб турар эдик, сал кейинроқ бир-бирларимизнинг уйларимизга ҳам бориб келадиغان қалин ўртоқ бўлиб қолдик. Тоғай болалигида жуда ораста кийинар эди – кийган кийимига гард юқмас эди. Бу кийим-кечакнинг тахчиллигида эмас (60-йилларда уст-бош унчалик мўл эмасди), чиройли кийимини авайлаб сақлаш унинг ўзига хос одати эди.

Сал эсайганимиздан кейин у тиш чўтка ва паста сотиб олиб, тишларини парвариш қилиб бошлади. У тишларини кўз-кўз қилиб мақтанишни яхши кўрарди. Бу нарса кундаликларида ҳам акс этган – ҳар бир куннинг якунида

тишларимни ювиб ётдим, деган сўзлар бўларди. Ана шу орасталик, озодалик унинг асарларида ифодасини топди. Дарвоқе, Тоғай жуда ёшлигидан хотира дафтар тутиб, уни мунтазам юритиб турар эди. Унинг кейинчалик катта ёзувчи бўлиб кетишида ана шу кундалик – хотираларнинг ҳам беқиёс ёрдами бўлган, деб ўйлайман.

Тоғай бизнинг жўрабошимиз эди. Унинг айтгани айтган, дегани деган бўларди. У танани чиниқтиришни яхши кўрарди: қорда ювинишни, Измолининг сойигача (3-4 чақирим масофа) югуриб бориб келишни, қиш пайтларида ариқнинг музини ёриб чўмилишни ёқтирарди ва бизни ҳам шунга мажбур қилар эди. Менгбой, Муҳаммади, Зиёд, Бозор Катта (ёши улуглиги учун) Абдурахмон, Аваз бирга юрар эдик. Қишки гурунглари кўпинча Муҳаммадиларникида бўларди, чунки уларнинг бўлак меҳмонхонаси бор бўлиб, Тоғай уни “Кал том”, деб атарди. Бунга сабаб уй Хоразм усулида қурилган, яна бир томони Муҳаммадиларнинг уйлари ёнида қишин-ёзин бир ариқ сув оқиб ётарди. Ёзда эса бизнинг гурунг марказимиз Зиёдларнинг томи



устига кўчар эди. У маҳалларда Хўжасоат ҳақиқий қишлоқ, яъни қишлайдиган жой бўларди: одамлар қиш чиқиши билан ўтовию капасини олиб, эчки-қўй, моли билан даштга кўчиб чиқар, узум тугаши билан тўғри боққа кўчар, қишлоқда деярли ҳеч ким қолмас эди. Биз хувиллаб қолган қишлоқни ёзнинг қисқа ва ғаройиб оқшомларида юлдузларга тикилиб (ёшлигимизда осмондаги юлдузлар катта-катта бўларди, шекилли) тонготди гурунглар билан обод қилиб турар эдик.

Кундуз кунлари бугдой ўриб қайтар эдик. Кимдир гап топиб келарди: “Жўра ҳожи бобонинг қовуни пишибди, эрталаб ўтаётсам, сап-сариқ бўлиб ётибди, ўлай агар, ўз кўзим билан кўрдим”. Чарчоқлар унутилади, ярим кечаси тўнларни кийиб олиб (тўннинг икки бари – ўнгири қайтарилса, тайёр халта бўлади), қовун ўғирликка жўналади. Қоронғи кечада ўлжа – қовунларни ёриб, еб бош-

лайсиз, мазаси қовунниқига ўхшамайди, бошқасини ёрасиз, яна шу ҳолат. Шунда пастга – чироққа олиб тушиб кўрсак, Ҳожи бобонинг ошқади (ошқовоқ)ларини узиб келган бўламиз. Бу гапни топиб келган жўрамиз Абдурахмон Истил эса ошқовоқ пўчоғи билан дўппосланади.

... Афсус, минг афсус, Тоғай Мурод бизнинг ана шу сирли, сеҳрли ўспиринлик давримиз ҳақида ажойиб бир қисса ёзмоқчи эди, гурунгларида айтганди, вақт бевафолик қилди.

Қиш кечаларида бир-биримизникида ётиб қолиб, дарс тайёрлар эдик. Тоғайнинг алоҳида хонаси, ёзув столи бўларди. Ёзув столи тепасида дунё харитаси осиглиқ турар ва Тоғай унда машқ қилишни яхши кўрарди.

Мен синфком эдим ва барча фанлардан яхши ўқишга ҳаракат қилардим. Бир куни Тоғай шундай деб қолди: ҳамма фанларни ўзлаштириб ололмайсан, бунинг имкони ҳам йўқ. Шунинг учун ўзингга ёқадиган бирор фанни танла ва уни дурустроқ ўрган, мактабни битирганигда керак бўлади.

У ана шундай мустақил ва тўғри фикрлайдиган, ўринли маслаҳат бера оладиган ақлли бола эди.

Тоғай бир куни мактабга келмади, жўяли сабаби бўлмаса умуман дарс қолдирмас эди. (Бу воқеа, адашмасам, 1963 йилнинг апрелмай ойларида бўлганди.) Сабабини билиш учун дарслар тугагач, уларниқига бордим. У бир ўзи чой ичиб ўтирган экан, кайфияти кўтаринки, кўзлари ёниб турарди.

– Биласанми, қаерда эдим, – деб сўз бошлади у. – Деновга, “Ғалаба учун” газетасига бордим, Чори Ёқубов деган кишига бир-икки ҳикоямни олиб боргандим, мақтади, ғайрат қилинг, деди. Энди гурунгларни камайтириб, кўпроқ ўқишим, ёзишим керак бўлади.

Ана шу воқеадан кейин у адабиёт билан, ижод билан жиддийроқ

шуғулланадиган бўлди. Аввалги ўйинқароқ болалик ортда қолган эди. Тоғай ёшига номувофиқ тарзда жиддийлашган ва ўйчан бўлиб қолган эди. “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” деган юксак унвонга олиб келган йўл ана шундай бошланган.

1966 йил ҳам етиб келди. Мактабни тамомлаб, Самарқандга йўл олдик. Апрель зилзиласидан кейин Тошкент олий ўқув юртларига қабул Самарқандда бўлаётган эди-да.

Тоғай ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факултетига ўқишга кирди, мен эсам СамДУнинг филология факултетига имтиҳон топшириб, мандатдан қайтдим ва бир йил мактабда ўқитувчилик қилдим. У мени жуда чиройли қилиб “маалим” деб атарди.

1967 йил ёзида ТошДУнинг филология факултетига кириб, тўрт йил давомида Тоғай билан деярли бирга бўлдик, яхши-ёмон кунларни бирга ўтказдик.

Мен унинг ўқишдан кейинги ҳаётини яхши билмайман. Менинг кенжа укам Иброҳим қишлоқ хўжалиги институтида ўқиди. Унинг хотирлашича, Тоғай уларнинг ётоқхоналарига онда-сонда бориб турган. Иброҳим Тоғай ака ҳорғин-толғин, устбошлари ночор бўларди, дейди. Бу давр унинг ҳаётидаги тушкунлик даври эди. У буларнинг баридан эсон-омон ўтиб олди.

Тоғайнинг иродаси кучли эди. Бошидан ўтган шунча кўргилик-савдоларни ёлғиз ўзи енга олди. Менимча, ҳар қандай инсон бошига бундай савдолар тушса, ақлдан озиши тайин. Аммо у бари қийинчиликларни мардона енгди. Тоғай жуда қатъиятли эди.

Худонинг суйган бандаси эди у, боладай беғубор, ишонувчан. Шунинг учун ҳам Оллоҳ уни улкан ҳамда эзгу ишга бошлади – ўзбек адабиётига холис хизмат қилди, халқнинг севиқли адибига айланди. Илоё, Оллоҳ уни ўз марҳамати-га олган бўлсин.





## ЎЖОД — ИНДИВИДУАЛ, ХОС ЖАРАЁНДИР

Таниқли шоир ва журналист Карим Баҳриев билан суҳбат

**– Сизда адабиётга илк ҳавас қачон уйғонган, матбуотдаги илк чиқишларингиз, сўнгра биринчи китобингиз ўқувчилар қўлига етиб борган дамларни эслаб ўтсангиз.**

– Дабдурустандан бир нарса деб жавоб бериш қийин, албатта... Чунки ҳар қандай осон жавоб юзаки бўлиб қолади. Ҳар бир болада бўлгани каби мен ҳам кўп орзуларга берилганман. Бизнинг болалик давримизда энг ноёб овунчоқ телевизор эди. Интернет, компьютер, мобил телефон, смартфон, айфон деган нарсалар ҳали дунёда пайдо ҳам бўлмаган эди. Ана шу телевизорда ҳам иккита дастури бўлиб, у ҳам баъзан тонгда, баъзан шомда бошланиб, кечқурун соат ўн бир-ўн иккидаёқ тугарди, бугунгидай кеча-кундуз фаолият юритмасди. Ана шу ойнаи жаҳонда бирор кино берилса, дарҳол шунинг таъсирига тушардик. “Қилич ва қалқон” киносини кўриб, айғоқчиликни орзу қилардим. Кейин “Тўрт танкчи ва бир ит” фильми машҳур бўлганда танкчиликни орзу қилганман. Сўнг учувчилар ҳақида кино кўриб, учувчиликка ҳавас пайдо бўлган...

1972 йил эди, шекилли. Телевизорда Абдулла Орипов билан бир ярим соат учрашув берилди. У пайтлари ҳозиргидай экранда кадр бир минутда юз марта лип-лип алмашмас эди. Шоирнинг кўзини кўриб, шеърини тинглардингиз. Абдулла Орипов соатлаб кадрда кўзи чақнаб шеър ўқиган эди.

Шоир йироқ-йироққа қарагани учун янада қисилган қисик кўзларини олисга тикканча, кўзларида ёш қалқиниб турган ҳолда олисдаги, кейин келадиган авлодга умид билан боқарди ва қонидаги жунбишга келган ҳисларига сабаб изларди:

*Боболар дунёдан ўтдилар шундоқ,  
Биз ҳам етукликка бўлмадик тимсол.  
Лекин сен бўларсан бокира мутлоқ,  
Лекин сен яшарсан фаришта мисол...  
Лабда табассуму кўзда ёш билан  
Сенга талпинаман, буюк набирам.*

Ўша кундан, ўша лаҳзалардан шоир бўлишни орзу қилдим. Шу бугунгача ҳам шу орзунинг ортидан юрибман, унинг изидан саргардонман. Журналистика билан шуғулландим, депутат бўлиб, сиёсат майдонида бўлдим. Халқаро ташкилотларда ишладим... Аммо буларнинг бари дилимдан ташқари, мен шоир бўлиш орзусидан кечганим йўқ... Абдулла Ориповнинг барча шеърларини ёд биламан ва умримнинг ярми улугларга эргашиб ўтди. Кейин Ҳалима Худойбердиеванинг шеърларини тингладим: “Биз – олмамиз шоҳлардаги... Тўкмасинлар, айтингиз”. Норасидалигича ҳаётнинг бешафқат оламига отиладиган қизларнинг ноласи, фарёди эди бу, ота-онасининг меҳрига тўйиб қолиш истаги, исёни эди бу. Кейин Эркин Воҳидовни ўқидим. Барот Бойқобиловнинг “Шарқ камалаги” деган китобини ўқиб, ҳавас қилганман. Ўша шеърлар қандайдир Ҳамид Олимжон, Усмон Носир шеърларидай соф, бокира эди. Абдулла Шер – янги сўз, қадимий асрлар оҳанги. Кейин Рауф Парфи – ҳақиқий шеърят, санъат... Кейин улкан бир шиддат билан “шартаки” бир авлод қаршимизда тик бўлди – Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Асқар Маҳкам... Тенгдошларимиз – Абдували Қутбиддин, Аъзам Ўткам.

Албатта, бир кўрсатув билан, бир юмалаб шоир бўлиб қолмас инсон. Ўша телевизордаги шеърят



кечаси аслида бир турткидир, азалдан томирда оққан, кўп йиллардан бери етилган булоқнинг кўзини очгандир... Менинг момом – Ибодулло кўрбошининг қизи Зулфия онамиз доя эдилар, эртақлар ҳам айтардилар. Зулфия онамиз ҳақида бир шеър ёзганман:

*Қарс-курс синди шишадай музлар,  
Шитир-шитир чечаклар унди.  
Яна кушлар учар ер узра,  
Зулфи момо,  
Сиз йўқсиз энди.*

*Қалдирғочлар қайтдилар бир-бир,  
Чорбоғимиз бўлди шуълакон.  
Мусичалар қайтди-ку, ахир,  
Қайтмайсизми энди, моможон.*

*Юлдуз тўла кечалар само,  
Яна офтоб куйдирар кундуз.  
Ўша фалак, ўшандай дунё –  
Кўролмайсиз уни сиз, афсус.*

*Онам йиғлаб тортади қатим,  
Отам мен деб хўрсинар чуқур –  
Сиз айтгандай одам бўлмадим,  
Бу ҳолимни кўрмайсиз, шукур...*

Момомнинг эртақларини тинглаганман, аммо отам – Абдулҳаким ҳақиқий дoston айтувчи эдилар. Улар

биз Ургутда кечалари аччиқ тамакини ипга тизганда, кўшнилари ҳашарга айтиб, уч кеча-беш кечалаб “Ал-помиш”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш”, “Баҳром ва Гуландом” каби қирққа яқин дostonларни айтардилар. Икки юз-уч юз ривоятларни сўзлардилар. Кўшни қизлар, аёллар ўзларининг уйларида тамакиси бўлса ҳам, чиқиб бизникида ишлашарди, чунки дostonнинг нима билан тугашини билиш керак-да...

Айтмоқчиманки, мени сўзга, шеърятга тайёрлаган омиллар ичида шу ҳодисалар ҳам бор.

Илк шеърим туман газетасида босилган. Газета муҳаррири Файзи Ҳайдаров шоир эдилар, атрофларида ҳам катта ва кичик ҳаваскор шоирлар йиғилар эди. Албатта, мактабда Навоий, Пушкин, Ғафур Ғулумни ўқиганмиз, аммо биз кўрган илк “тирик шоир”лар Файзи ака ва унинг дўстлари эди. У пайтда босилган шеърларимнинг содда ва жўн бўлганини бугун тушунаман, албатта. Табиат, далалар, илк муҳаббат каби мавзулар атрофида эдик:

*Бунда тунлар энг митти терак  
ўсавериб юлдузга етар;  
қувончига чидолмай куртак  
новдаларда ёрилиб кетар...*

Сўнг Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факултетида ўқишга кирдим. Унинг декани Василий Ларцев шоир эди. Бу факультет иттифоқда машҳур фразеология мактаби саналарди. Бу ердаги кўп тиражли газетада шеърларим ва тар-

жималарим босилди. Бу дорилфунуннинг энг улкан адабиёт маркази профессор Нуриддин Шукуровнинг “Шалола” шеърят клуби эди. Шу даврада кўп сабоқ олганман.

Республика матбуотида илк бор шеърларим Москвада ўқиб юрган пайтимда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган. Рост, қувонганман. Абдулла Ориповнинг “Баҳор” ҳақидаги шеърида “Дунё бугун шеъри чиққан шоирдай масрур” деган жумлалар бор. Ҳақиқатан ҳам, яшнаб кетганман шеъримни газетада кўрганда...

Илк шеърий китобим 1990 йили Абдували Кутбиддин муҳаррирлигида Шавкат Раҳмоннинг мадади билан Ғафур Ғулом нашриётида кўп минг тиражда чоп этилди... Иккинчи шеърий китобим “Томчидил” эса орадан 24 йил ўтиб, 2013 йили Санжар Назарнинг кўмагида “Академнашр” да чоп этилди. Аслида биринчи китобимнинг номи “Томчидил” эди, Шавкат Раҳмон: “Абдулкарим, китобингга бошқа ном топгин, мен шу номда шеър ёзиб китоб чиқармоқчиман... Келишдикми, биродар!” дедилар. Рози бўлдим. Аммо йиллар бўйи кузатдим, Шавкат аканинг шу номда китоби чиқмади. Кейин оламдан ҳам ўтдилар. Бу балким армон бўлгандир. Мана, ўзим энди иккинчи китобимни “Томчидил” деб номладим. Бу дилнинг инжалигини, умрнинг шабнам томчисидай омонатлигини, салга чилпарчин бўлишини, ҳаётнинг бебақолигини англатадигандай. Китобимда “Томчидил” деган ҳаётга тирмашиб яшаш, ҳар лаҳза учун шукрона оҳангидаги шеър бор ва у Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган. Шундай сатрлари бор:

*Гоҳ ердан, гоҳ кўкдан нимадир кутдим,  
Ниҳоят кутулдим қайғу, кўрқишдан.  
Эмраниб, соғиниб шу кунга етдим,  
Ўлмай ўтиб олдим яна бир қишдан...*

*Замин кетиб борар самода ўқдай,  
Мен ҳам бораепман омонат, гирён.  
Нимадир кутарман ерданми, кўкдан...  
Етиб олсам эди ёзгача омон.*

**– Қандай устозларнинг таълимини олгансиз?**

**Улар турмуш тарзингизга, ижодий фаолиятингизга қандай таъсир этган?**

– Устозларимиз бўлган, бирлари – бевосита, бошқалари билвосита таълим берганлар. Мен мактабда олис Россиядан пединститутни тугаллаб, тоғ қишлоғига амалиётга келиб, муаллимасини севиб қолган ўнинчи синф ўқувчисига турмушга чиққан ва бир умр шу қишлоқда қолган Долорес Павловна Трофимовадан рус тили ва адабиётини ўрганганман. Опа ҳозир ҳам ҳаёт. У киши берган билим билан

аввал Самарқанд давлат университети рус филологияси факултетида, кейин Москва давлат университети журналистика факултетида осон ўқидим ва аълога битирдим. Адабиётдан сабоқ берган Нёматулло Исмаатовнинг Ҳамид Олимжонни берилиб ўқиганларини, Эргаш Мухторов домламининг дарсларини ҳамон эслайман.

Адабиётда мен ҳамма буюк шоирларни, ёзувчиларни, файласуфларни, тарихчи ровийларни устозим деб биламан. Кимни ўқиган бўлсам, илҳомланган, фикрим тўйинган, ҳисларим уйғонган бўлса – бари устозларимдир. Абдулла Ориповдан қанча баҳраланганимни айтдим. Албатта, олисдан ва ижодларининг муҳиби ўлароқ. Аммо улар шогирд демаса ҳам, мен ўзим адабиётда устоз деб билганим учта зотни айтиб ўтаман – Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров ва Шукрулло. Уларнинг ҳар бири менга биттадан сабоқ берганлар: Одил акадан – жасорат, Иброҳим акадан – маҳорат ва Шукрулло акадан маърифатни имкон қадар олдим. Иброҳим Ғафуровнинг сўзга муносабати, фикрининг оқими, тилининг нафосати ва ҳаёси, матнининг шиддати менга сабоқ бўлди. Инсон жуда буюк нарсаларни маҳорат ила ёзиши мумкин, аммо кўрқиб чиқармаслиги, чиқаролмаслиги мумкин, эҳтиёткорлигидан қалтираб туриши мумкин. Шунда жасорат керак бўлади ва бу Одил Ёқубовда бор эди. У ҳар қандай идора олдида ҳақ сўзни ҳимоя қилиш учун ўзида қудрат топа оларди. Маҳорати ва жасорати бор инсонга энди маърифат керак эди, чунки жуда нафис тил, инжа салоҳият ва чексиз жасорат ёвузликка ҳам хизмат қилиши мумкин эди. Ахир, Гитлер маҳоратли мусаввир эди ва жасорат билан кўчадан келиб (меҳмонхонада яшарди) ҳокимиятни олганди. Аммо ёвуз эди. Сталиннинг илк шеърларини Кавказ жадидлари журналларида ўқиш мумкин эди... Уларда маҳорат ва жасорат бор эди, маърифат йўқ эди. Мен маърифатни Шукрулло акада топдим. У кишини танимаган замонларда “Жавоҳирлар сандиғи” китобидан топган эдим. Кейин яқинлашдим, билдим. Бу инсонни Аллоҳ эрка қилиб қўйгандай. Шукрулло ака тўқсон саккиз ёшдалар-у, фикрлари теран.

Шу инсонларга ҳавасда юрибман.

**– Адабиётнинг, ижоднинг, илҳомнинг илоҳийлиги борасида фикрларингиз қандай? Шоирга илҳом қанчалик зарур?**

– Албатта, бу саволларга осон, юзада турган жавобларни бериб кетса ҳам бўлади, аммо жиддий қаралганда, унинг илдизлари чуқур. Бу ерда асосий сўз “илоҳийлик”дир. Бу соҳада бирор гап айтсанг, бир даҳрий томон сени “тақводор”ликда айбласа, диндорлар “диний таълим олмасдан, чуқурлашмаслик”ни сўрай бошлайди.



Шубҳасиз, Қуръони каримда оятлар қофияланган ва ички оҳанги мавжуддир. Қуръон нозил этилган араб тилида шеърдай ўқилади, Аллоҳ яратувчидир. Ижод қилиш шу маънода илоҳийдир. Банданинг ижоди номукамалдир. Аммо дунё ва ундаги ҳар бир мавжудоти Аллоҳнинг ижодидир ва буларнинг барида Ижодкорининг иродаси вожибдир. Шеърнинг, сўзнинг яралиши ҳам гулнинг очилиши, бир ҳовуч дондан бир буғдойзор дала мавж уриши, бир томчи сувдан инсон яралиши каби илоҳий ҳодисалардир. Ижоднинг илоҳийлигини шу маънода англаш керак.

Аммо бировлар Қуръонда шоирларни “ёмонлаган оят бор”лигини келтиради. Қуръони каримнинг “Шуаро” сурасида шундай дейилади: “Ва шоирларга гумроҳларгина эргашур. Уларни ҳар водийда дайдишларини ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишларини кўрмадингми?” Бундан бир неча йиллар аввал Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари марҳум шоир Аъзам Ўктамнинг “Тараддуд” номли шеърий тўпламидаги баъзи шеърлари ҳақида ўз фикрларини билдирганда буни изоҳлаган эдилар: “Ҳаммага маълумки, бизнинг юртимиз Мовароуннаҳр – Туркистон бутун дунё шеърлятида ўзига хос ўрин тутган буюк шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари шеърлят хазинасига ўзининг олтин саҳифаларини, олтин байтларини бошини баланд кўтарган ҳолда тақдим этган бир юртдир. Албатта, ана шу мақтовга сазовор шеърлят, шеърий асарлар, шоирлар, уларнинг фаолияти, савияси – ҳамма-ҳаммаси шу диёрнинг қадимдан муқаддас дини бўлиб келаётган Исломи дини билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Улуғ шоирларимизнинг пурҳикмат байтлари, Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, мусулмон уламолардан чиққан ҳикматларга йўғрилган эканлиги ҳам ҳаммамизга очиқ ойдин равшан. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, шеърлят мулкининг султони Алишер Навоидан бошлаб мавлоно Лutfий ёки бошқа улуғ шоирларимизнинг номларини айтиш ўтишининг ўзи ҳам жуда кўп вақт олади... Улар ўз шеърларининг ҳикматга бой бўлишига Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Инна минаш шеъри лаҳикматан” ҳадисини шиор қилиб олганлар. Яъни, албатта, шеърда ҳикмат бордир, деган маънодаги ҳадисларини”.

Мен ҳам Навоий ва ислонинг муштарак жиҳатлари ҳақида учта мақола ёзганман. Алишер Навоий – туркий дунё адабиётининг энг машҳур, энг буюк шоири, унинг асарлари туркий адабиётнинг энг юксак чўққиси бўлиб қолмоқда.

Ижодкор учун илҳом керак, айниқса бадиий ижод илҳом билан ёзилиши керак. Бу тушунча ўз ичига кўп нарсани қамраб олади, менингча: илҳом онида

жидду жаҳд, ҳис-ҳаяжон, дард, изтироб, ижобий бир ғазаб ва илму ишқ бўлмоғи керак. Мен илҳом келмаса, ойлаб ўзимдан бирор нарса ёзмайман, ўқийман, ўрганаман ва таржима қиламан. Шу билан овунаман.

Адабиётнинг илоҳийлиги – унинг эзгулиги, ҳаққа, ҳақиқатга ва ҳаёга ирода этилганлигидир.

**– Адабиётнинг жамиятда тутган ўрнини сиз қандай тасаввур этасиз ва адабиётимизда қандай аънаналар давом этишини, қандай иллатлар барҳам топишини истар эдингиз?**

– Бир жўн ўхшатиш қилсам (олмонлар ҳар қандай таққосда хато бор, деганлар аслида), адабиётнинг, адабий ташкилотнинг жамиятдаги ўрнини инсондаги виждоннинг ўрнига қиёслардим. Масалан, Фанлар академиясини ақлга, суд ҳокимиятини яхши-ёмонни ажратадиган, қонни тозалайдиган жигарга қиёслардим. Адабиёт жамиятнинг виждонига, эътиқодига дахлдордир, ўзининг энг эзгу ва улуғ намуналарида у шундайдир. Адиб ёки шоир ҳам идеалда тирик виждондир, ҳақгўй ва латиф инсондир. Публицистдан фарқли ўлароқ, ҳақиқатни билвосита, бадиий тарзда, лутф ва санъат билан айтадиган шахсдир.

Адабиётимизда катта маънодаги аънаналар – Навоий, Яссавий, Ҳувайдодан мерос иймон ва ишқ, Машраб, Сўфи Оллоёр ва Қодирийдан мерос жунун ва ҳақиқат, Чўлпон, Фитрат ва Рауф Парфидан мерос миллатпарварлик ва санъат, Шавкат Раҳмон, Асқар Маҳкам ва Аъзам Ўктамдан мерос шиддат ва жавонмардлик, Эркин Воҳидов ва Ҳофиз Хоразмийдан мерос латофат ва фасоҳат, Беҳбудий, Ойбек ва Абдулла Ориповдан мерос донишмандлик ва ҳикматдир. Шу аънаналарни давом эттириш керак ва бугунги дунёнинг технологияларидан фойдаланиб ривожлантириш зарур. Уларни замон суръати ва талотўпига бой бериб қўймаслик керак.

**– Бугунги ўзбек адабиётини янада ривожлантириш учун нималар қилиш зарур деб ҳисоблайсиз?**

– Ижод – индивидуал, хос жараёндин. Шеър ёзаётган ёки бошқа бир асар яратаётган инсон қўлидаги қоғозу қалами билан Аллоҳнинг қошида ёлғиз турган кишидир. Адабий ташкилотлар унга асар яратиб беролмайди. Ижодкорга ҳаёт ва турмуш ташвишларини енгишда мадад берилса, бўлди.

Адабиётни ривожлантириш учун ижод қилиш керак. Бунга турмушдан ортиб, вақт топиш керак. Умр – ўткинчи, қоладигани – ҳақиқий асарлар. Ўткинчи, дунёвий нарсаларга эмас, боқий нарсаларга – ижодга вақт топиш керак. Вақтни авайлаш керак, чунки омонат бу ҳаёт аслида дувиллаб тўкилаётган кумдай сирғалиб ўтаётган вақтдангина иборатдир.

**Ғиёсиддин ЎНАРОВ** суҳбатлашди.



**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

# Чувалчанг ёққан кеча

Ҳикоя

Эшикдан кирди-ю, ҳаракатларидан ўзини ҳушёр кўрсатишга уринаётгани сезилди.

– Ёмғир ёғади, шекилли. Шамол бўляпти, – деди ёмғирдан қочиб, панага ўтгандай елкаларини силтаб. – Яхши ўтирибсизларми?

Дераза ойнаси басма-бас тикирлаб, тирқишидан шамол уфургандай бўлди.

Онасининг ёнига чўкиб, болишга ёнбошлади. Хаёлидан ушбу гап ўтди: “Дадам чиқибди, шекилли, болиш қўйилиб қолибди”. Онасининг пинжиги суқилган уч ёшлар чамасидаги ўғлини панжаларидан тутиб, ўзига тортди. Бола кўнмади, буралиб, бувисига баттароқ ёпишди.

– Чироқ ўчмаси гўрғайди, – деди хотини унинг гапига ҳамоҳанг овозда ва хонтахта устидаги чинни косаларни йиғиштиришга тушди.

– Яна ичдингми, болам? – Онаси одатдагидек юзини буриштириб, йилтираган кўзларига қараб қўйди. – Даданг хафа бўлади-да!

Туйқус хотинига боқди: “Ҳе, ўлинг-э”, дея ёзғирарди нигоҳи. Қўзи билан унга пўписа қилиб, олдаги пиёлани кескин узатди.

– Чойдан қуй! – Сўнг онасига қайрилди. – Ўзи тузукми дадам?

– Худога шукр, бугун хийла тузук. Опанг минан сийнинг келишувди, шейда анча гаплашиб ўтирди. Биннасаларни гапириб, худди болаликларингдагидек кулдирди. – Онаси дастурхон четини беихтиёр ўрамоқлаб, кўкси шишиб, хўрсинди. – Қалампирни эзиб-эзиб, бир коса овқат ҳам ичди.

– Хайрият, – деди қаддини кўтариб. – Яхши бўп қопти, а?

– Опаларингни кузатиб, сени кута-кута ҳозиргинада кириб кетди.

– Овқат ичассими? – сўради хотини қўлидаги коса-қошиқларни шақирлатганча кучаниб ўридан туриб.

Белини ушлаганди, қорни янада дўмпайди.

– Йўқ! – деди дағал овозда. – Қорним тўқ!

Хотини ташқарига чиқиб кетди.

– Олдига бир кириб қўй, ўғлим! – Онаси набирасини кучоғига олиб, ухлатмоқчидай ёнбошлади. – Бари бир сени кутади.

Шамол ойналарни яна тикирлатди.

У чойни тез-тез хўплаб, пиёлани бўшатди.

– Ичганман-ку, ая?..

– Яқинлашмайроқ ўтирасан-да.

– Хўп. Ё бисмилло!.. – дея ўридан турди.

Дадаси кўрпалар қалин тўша-либ, қат-қат болишлар қўйилган темир каравотда шифтга термулиб ётарди. Ёнида – пастда чойнак, пиёла, иккита китоб устида кўзойнак. Бош томонидаги токчада ҳам китоблар.

Унинг шарпасини пайқаб, қайрилди.

– Ассаломалайким, дада! – Энкайиб, нафасини ютиб кўришди. – Тузукмисиз? – Бериқоқдаги тўшакка чўқди.

– Келдингми, ўғлим? Худога шукр, анча тузукман. – Дадаси ётган кўйи қўлини дуога очди. – Омин, тинчлик-хотиржамлигини берсин! Овқатийни ичдингми?

Дадасининг кўнглини ўйлаб, ёлғон гапирди:

– Ҳмм, ичдим. – Ёнверига аланглади. – Телевизорни обчиқиб берсам бўларкан-а? Зерикмасдингиз. – Аслида дадасининг телевизорни унча хушламаслигини яхши билади. Ҳозирги гапини нима дейишни билмаганидан беихтиёр айтиб юборди.



– Дилбузарийни (дадаси телевизорни шундай атарди) нима қиламан-а, болам, бошимни оғри-тиб... Шамол бўляпти, шекилли-а? Ёмғир ёғади. Баҳор ҳавоси-да, ёққани яхши. Ерга фойда, – дея хўрсинди. Сўнг унга беозор тикилди. – Тагин ичдингми, ўғлим?

– Ҳа, энди... – Дадасига бир-ров хижолатли назар ташлади: хийлагина озганини, кўзлари маҳзунлашганини илғади. Мўйлови, жағининг учидаги калта соқоли оппоқ. Озгин қўлларининг томирлари бўртган. Олтмиш бешни қоралаётган одам қартайгандек кўринади. Дадасининг аҳволи дийдасини юмшатди, димоғида гимирлаётган зардасини ютиб, сархуш шуури озорсиз сўз қидирди. – Улфатлар минан ўтирдик-да, дада. Ҳаммалари яхши боллар...

Дадаси ёнбошлаб, чап кафтини чаккасига тиради.

– Яхши боллар бўлса бордир, – деди кўпол гапириб кўйишни истамаётганини сездириб. – Аммо улар бирор жойда ишлаб, тирикчилигини йўлга солволиб, иннайкейин улфатчилик қилишаётгандир балки...

У гаши келиб, тебранди, юзи тиришиб, пишиллади. Чаккалари қизиб, ўзини тутолмади.

– Яна юзимга соляпсизми, дада? – дея тўнғиллади.

– Йўқ, ўғлим! – Дадаси жиддий, лекин меҳрли гапирди. – Юзингга солганим йўқ, эсингга соляпман. Сен менинг ёлғиз ўғлимсан, суянганим, ишонганимсан! – Охирги сўзлари ялинчоқ оҳангда чиқди. – Менинг сафарим қаримоқда. Энди уйнинг эркаги сенсан, ўғлим! Кўзим очиқлигида бир ишнинг бошини тутгин, дейман!

– Йўл кирага пул топволай, Россияга кетаман, – деди у мана-мана йўлга чиқадигандай ишонч билан.

Дадасининг қошлари чимирилди.

– Тагин ўша гапми?! Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони

яхши, болам! Ўз юртида бой бўлмаган...

– Бу гапларни аввал ҳам айтгансиз! – дея дадасининг гапини бўлди. – Сомониям, ўзга юртда бой бўлмасликниям биламан. Омма бундан менга нима фойда? – У рўпарасидаги одам падари эканлигини ва ҳатто унинг бетоблигини ҳам унутиб борарди. – Агар ўшанда қайтармаганингизда, беш-ўн сўм пул ишлаб келган, машина олиб, ҳозир ҳеч йўқ кира қилиб, тирикчилигимни ўтказаетган бўлармидим!..

Отанинг юз-кўзида надомат балқиб, туриб ўтирди. Энкайиб, пиёлага чой қуйди. Қаддини тиклаб, бир кўтаришда сипқорди. Пиёлани тўшак устига ташлаганди, ёнбошлаб қолди.

У дадаси билан яна айтишиб қолишдан сақланиш учун кўзғалди.

– Кўйинг, дада, мен чиқиб кета қолай!

– Йўқ, ўтир! – деди дадаси юмшоқлик билан, бироқ қатъий. – Ҳозир гаплашмасак, кейин кеч бўлади. – Фикрини жамламоқчидай соқол-мўйловини силади.

У ғашланиб, пишиллади.

Дераза ойналари қаттиқроқ тиқирлаб, парда пуфақдай шишди – шамол авжланди, шекилли.

– Ёлғиз ўғлимизни Россияга жўнатиб, онанг икковимиз бейда қандай тинч ўтираимиз, болам?! – Дадаси бироз қизишди. Овози титради. – Опа-сингилларинг бировнинг хасми. Ўлиб-нетиб қолсак, маҳалла-кўй кўмиб қўяр! Аммо уят бўлмайдами, ўғлим? – Унга синовчан тикилди. – Мана, ўзинг, анови ёлғиз ўғлингни Россияга жўнатармидинг?..

У заҳарханда иршайди.

– У ҳали ёш бола-ю, дада! Мен уни зўр одам қилиб ўстираман. Эрта кунда тиклаб қўяман. Ҳадеб ақл ўргатмайман! Ўз ҳолига қўяман...

– Шунақа дегин?.. – Дадаси яна чаккасини кафтига тиради. – Менам борки орзу-умидимни сенга тиккандим, ўғлим. Эркалатиб ўстирдим. Ўқитдим...

– Ўқидим, каттакон домла бўлдим, а? – кесатди у кейинги ой-кунлардаги ҳамма аламларини овозига жамлаб.

– Домлаликни нимаси ёмон? – Биласан, отам, бобонг-да эрта ўтиб кетган. Мактабни битираёт-



ганимда тушимга кирган. Малим (муаллим) бўласан, деган. Отам раҳматлининг бир оғиз гапи минан ўқитувчи бўлдим.

У “фуу” дегандай тагин иршайди.

Ота ҳамон айтишиб қолишдан сақланар, гап-сўзларидан ичидагини тўкиб солгиси келаётганга, жигаргўшасини шаштидан қайтаришни истаётганга ўхшарди.

– Сизларниям бир умр ўқитувчилик қилиб боқдим. Ўқитувчининг нони ҳалол.

– Лекин кўпаймайди! Шунинг учун мениям ўқитувчи қилмоқчи бўлдингиз.

– Ҳа! Университетни битирдинг – бунинг нимаси ёмон? Зиёли, деган номинг бор. – Ота овозини майинлаштирди. – Агар мактабда ишлолмаган бўлсанг, бунинг учун бошқаларни айблама!

– Шунақа, дейсиз-да! – У ростмона тутоқди. – Нима, сизнингча, озгина ойликка эртамандан кечгача чулдирвақиларнинг манқасини артиб юришим керакмиди? Яна тагин мактабда фақат хотинлар қолган. Хотинларнинг энаси бўлиб...

Дадаси жилмайишга уринди.

– Хотинларнинг энаси эмас, хотинларнинг эркаги бўлиб, дегин. Кейин... сабр қилсанг, озгина ойлик ҳам етарди. Ойлик бу – нақд нарса. Барака сабрда, болам.

У бошини сарак-сарак қилди-ю, индамади.

Буни дадаси ўзича тушунди.

– Экзюпери деган ёзувчининг “Кичкина шаҳзода”, деган китоби бор. Аши кичкина шаҳзода ҳамманинг ўз сайёраси бор, уни тез-тез супуриб-сидириб туриши керак, дейди. Яъни кўнглини-да. – Ота тушунаптими-йўқми қабилида тикилди. – Сениям кўнглинг кирлаган, болам. Уни тозалашинг керак. Бунинг учун китоб ўқишинг, яхши нарсаларни ўйлашинг керак.

У “вой дада-ей”, дегандай бошини тебратиб, аччиқ жилмайди.

Шу пайт эшик очилиб, келин кўринди.

– Чой дамлаб берайми, дадажон? – дея эрига кўз ташлаб қўйди.

– Майли, қизим, ўзи тугаб қолди, шекилли.

Келин чап қўлида белини ушлаб, қийналиб чойнакни олди.

Ота ўғлига норози қараш қилди. Аммо у буни пайқамади. Хотини чиқиб кетиши ҳамона яна тўнғиллади:

– Э, дада-я, ҳалиям китобларда яшайсиз, “китоб-китоб”, дейсиз. Анови Эркин ака ўқиш тугул, умрида бирор марта китоб ушлаганмикин? Омма бой-бадавлат яшайди. Мошиналарини, қурган уйларини қаранг...

– Гапинг тўғри, ўғлим, – деди ота бамайлихотир. – Лекин Эркинжон Худодан фақат бойлик сўрайди-да.

– Нима, мен сўрамаяпманми? – силтанди у.

– Йўқ, сен икки ўт орасидасан, болам! – Ота “қанийди гапларимни тўла тушунсанг”, дегандай ҳаловатсизланиб, туриб ўтирди. – Гап қизиб қолди, энди айттай: сен нима истаётганингни билмайсан. Ичишга-ку, тинмай ичяпсан. Эшитишимча, анови чойхонанинг бурчагида қимор ҳам ўйнаётган эмишсан...

– Ёлғон! – деди у ишончсизроқ овозда.

– Алдама, болам!

У бошини эгди.

– Йўлқирага пул топмоқчидим, – дея ғўлдиради ер остидан.

– Ҳаром пулни йўл кира қилиб, сафарга чиқмоқчимисан ҳали?!

Шунақа қилиб пул топмоқчимисан? – Ота бирпас жим қолди.

– Бу ишнинг охири вой, болам, кўзингни оч!..

Келин чой олиб кирди. Чойнакни эрининг олдига қўйиб, сўради:

– Бошқа ҳеч нарса керакмасми, дадажон?

– Йўқ, қизим, – деди ота эркаловчи оҳангда. – Дамингизни олаверинг.

– Хўп, яхши ётиб туринг, дадажон! – Келин чиқиб кетди.

У чойни бир-икки қайтаргач, пиёлага қўйиб, дадасининг қўли етадиган жойга қўйди.

– Россияга кетаман, дейсан, ҳадемай боланг иккита бўлади-ку. – Ота вазиятни юмшатиш учун зўраки пўписа қилди. – Ўз уйим – ўлан тўшагим, деган гап бор, ўғлим. – Сўнг гап пайновини бошқа ёққа бурмоқчи бўлди. – Олдингилар осон кўзи ёрийди, деб, – ҳомиладор келинини кўриб, ўғлига гапираётгани учун “осон туғади”, деёлмади, – оғироёқ аёлларга келида шולי туйдиришар экан.

– Ҳамма гапларийиз мақол, матал, эски гаплар-а, дада! – У энди хийла енгил тортди. – Ҳозир замон бошқа. Ҳеч қачон сизнинг айтганингиз бўлмайди. – Қўлини силтаб, кўзларини олайтирди. – Ҳозирги иккиқат хотинларга шולי туйдириб кўринг-чи! Ўлибла қолар!..

Ота пиёладаги чойдан хўплади.

– Хуллас, гап шу: ҳеч қаёққа кетмайсан! – Шундай дея, чойни охиригача симириб, пиёлани яна тўшакка ташлади. – Ҳажга бораман, деб пул тўплаётгандим. Онанга айтсанг, беради. Ашинга ер олиб, деҳқончилик қил ёки уч-тўртта новвос боқ. У ёғини ўзинг биласан. Ҳаж бир гап бўлар. – Дадаси бирдан хомуш тортди.

У буни бошқача тушунди. Ҳам дадасининг кейинги гаплари кўнглини эритиб юборди.

– Ҳажга ўзим жўнатаман, дада! – деди юзи ёришиб. – Мениям омадим кеб қолар.

– Илоҳи, ниятингга ет, болам. Худо хоҳласа, омадинг албатта келади. Фақат меҳнат қилиш керак холос, ўғлим. – Отанинг кўзида тафаккур балқди. – Фашинг келсяям айтаман: тагин бир ёзувчи вақтни даҳшатли нарса, деган. У жуда бешафқат. Вақтни бой берма, ўғлим!

Унинг энсаси қотди: яна насихат! Аммо ўйини ташига чиқармади.



– Мактаб директориға ҳам айтиб кўйдим – ишга олади. Ичишни ташласа бўлди, деди. Озгина дарс олсанг, эрмак-да.

– Мактабда қайтиб ишламайман! – деди у болаларча қайсарлик билан.

– Ҳали сизни айтганингиз ҳеч қачон бўлмайди, дединг. – Ота билинар-билинемас жилмайди, лекин кўзлари ўйчан эди. – Айтганимни қилсанг бўлади-да. Энди тур! – Чалқанча ётиб, шифтга тикилди. – Деразани қия очиб кўй-да, жойингга чиқ.

У туриб, пардани сурди. Эҳтиёткорлик билан деразани очди. Хонага тоза ҳаво ёпирилди. Кайфи тарқаб қолганидан оғришга мойил бошига, димоғига хуш ёқди. Қалай, дегандай дадасига қайрилди.

Ота чуқур нафас олди.

– Ёмғир бошляпти, – деди ўзига гапирётгандай. – Чувалчанг ёмғир, шекилли...

– Нима? – У тиззасига шапатайлаб, пиқиллаб кулди. – Ҳазиллашяписми, дада? Ҳеч жаҳонда чуваланг ёмғирам бўладими?.. Бўпти, яхши ётиб турунг. Вой, дадажоним-ей!.. – деди-ю, эшикка йўналди.

Ота маҳзун жилмайганча унинг ортидан термулиб қолди.

– Бўлади, болам, бўлади!.. – дея шивирлади лаблари...

Онаси набирасини бағрига олиб, бошини кафтига тираганча пинакка кетганди. Унинг шарпасини сезиб, уйқули кўзларини хиёл очди.

– Ая, – деди ҳазилкаш оҳангда, – дадам ростданам тузук бўп қопти, а? Бунақа кўп гапирмасди-ю.

Онаси “ҳмм” деди-ю, яна кўзларини юмди.

Ташқарига чиқди. Олам зимистон. Шамол тинган. Танасининг очиқ жойларига яккам-дуккам томчилар урилади. Осмонга

қараб, кўксини тўлатиб ҳаво симириди. Кескин чиқаргач, енгил тортгандай бўлди. Ҳалигидан бир пиёла зўр кетарди-да ҳозир. Уйда йўқ, чойхонаям бекилгандир... Кўшниси Эркиннинг улкан уйи уларнинг ҳовлисини босиб тушгудай бўлиб қоп-қорайиб кўринди. Қуббалари девнинг калласига ўхшайди. Шунақа бўлгач, Худодан фақат бойлик сўрайди-да! Хаҳ, дадажоним-а! Чувалчанг ёғармиш!.. Қҳмм!..

Уйга кириб, пишиллаб ухлаётган хотинининг қорнини оҳиста силади-да, юзидан ўпди: “Акашти хотини, яна ўғил туққин!”. Мамнун хўрсиниб, уйқуга ётди...

Туш кўрибди. Каттакон дарахтга осилган ҳалинчакда ўтирганмиш. Дадаси тинмай тебратармиш. Ҳар итарганда ҳалинчак юқорига кўтарилиб, боши оппоқ булутларга тегай-тегай дермиш. У юраклари ҳаприкиб куларкан, “Бўлди, дада, ниятингизга етдингиз-ку”, дея қичқирармиш... Бир пайт елкаси силтаниб кетди. Яна, яна... “Турунг! Турунг!” дерди кимдир. Шуури тиниқлашиб, овоз эгасини таниди: хотини. Кўзини очди.

– Нима дейсан? – дея инжиқланди.

– Турунг тезроқ. Турсайиз-чи! – тагин турткилади аёл.

– Ишга бормасам, нима қилман саҳармардонда туриб? Тинч кўй мени! – У терс ўгирилди.

– Турунг, дадажон узилиб қолди. Эшитяписми, турунг! – дея пиқиллади хотини.

У бирдан сапчиди.

– Нима дединг? Дадам?! Нега?! – Силтаниб, қаёққадир чопмоқчи бўлганди, хотини кўлидан маҳкам тутди.

– Аввал бет-қўлингизни ювинг, кейин кирасиз, – деди йиғлаб.

– Ҳали кўни-қўшни, қариндош-уруғларни айтишингиз керак!

У бўшашиб, ўтириб қолди. Кўз олди қоронғилашди...

Ҳаво мусаффо эди. Тун бўйи ёмғир ёққан, шекилли, дов-дарахту ўт-ўлан – ҳамма ёқ шалаббо. Димоққа ёқимли хид урилади.

У мустаҳаб қилиб қайтди. Таҳорат олиш учун саҳн четига чўнқайди. Фарғара қилаётганда Эркиннинг уйига кўзи тушди. Осмон очиқлигидами, негадир кичрайиб қолгандай туюлди. Кечаги ҳайбати йўқолгандай. Энди бурнига сув олиб, қоқиш учун энкайди. Оёғи остида ингичка чувалчанг ғимирлади. Парво қилмади. Бирдан тошдай қотди. Хотирасининг аллақайси пучмоғида чувалчанг билан боғлиқ фикр жимирлагандай бўлди. Дарвоқе, чувалчангли ёмғир – дадаси айтувди, шекилли... Нигоҳи тентиди. Бояги чувалчангдан нарироқда яна биттаси кулча бўлиб ётарди. Аланглади. Ўнгида бир неча, сўлида бир неча, саҳннинг ҳамма ерида чувалчанг. Бари ингичка, ожиз-ожиз қимирлайди. Ахир саҳн асфальтланган-ку, булар қаёқдан чиқдийкин? Асфальтни тешолмаслиги аниқ. Наҳотки осмондан ёққан бўлса? Ёмғир бўлиб. Чувалчангли ёмғир! Демак, дадаси тўғри айтган экан-да, чувалчангли ёмғир бўларкан-да!

У энкайиб, чувалчангларни тегиб, кафтига сола бошлади.

– Дадажон, сиз тўғри айтиб-сиз! – овози чийиллаб, кўзларидан ёш сизди. – Айтганингиз бўлибди, дада! – Ҳўнграб йиғлаб юборди. – Энди ҳамма айтганларингиз бўлади, дадажон! Мендан рози бўлинг! Рози бўлинг, дада!..

Кафтидаги чувалчангларни ёмғирда лойланган тупроққа олиб бориб ташлади.

– Энди ерда яшайсизлар! – дея шивирлади.



**Рустам МУСУРМОН,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

# СЎЗНИНГ ранглари

Сирожиддин Рауф “Йиғлаётган ой”, “Кўк гумбаз”, “Сиз менга кераксиз” шеърӣй тўпламлари, болаларга бағишланган “Ғалати мусобақа” китоби, жаҳон шеърӣядан таржималари ва долзарб мавзудаги бадиӣй публицистик мақолалари билан танилган.

Шоир шеърларида ҳолатлар ва туйғуларнинг турфа рангларини, сўзларнинг хилма-хил маъноларини, манзарали ибораларни излаб топишга ҳаракат қиладди ва ўз мақсадига эришади.

“Ватан сурати” шеърӣда ижодкор ҳаётининг мазмуни, интилишлари ва изланишлари қаламга олинган. Бу шеърда умуман шоир образи чизилган, чин шоир қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлар айтилган.

*Ватан суратини чизмоқ оғирдир,  
аммо шу суратни чизмоқ иштайман,  
унга мос рангларни тинмай излайман,  
қайда бўёқ бўлса, кўраман бир-бир.*

Ватан манзараларида, юрт табиатида ранглар бисёр, лекин Ватаннинг буюклигини, суюклигини ифодаловчи рангни ижодкор кашф этиши керак. Шоир муттасил изланади, лекин топган рангидан кўнгли тўлмайди. Ранг, бўёқ сўзларида кўчма маънода теран ишоралар назарда тутилади, у образга, тимсолга айланади. Ранг ташқи гўзаллик, хусну жамол, кўрк, тус... Бироқ “Ранг кўр – ҳол сўр” деган халқ мақолини изоҳласак, ранг сўзида бошқа сифатлар ҳам мужассам эканини англаймиз. Масалан, буюклик, улканлик, кенглик, қадимийлик, шону шавкатлилик, муқаддаслик тушунчаларидан ташқари шу Ватанда яшаган ва яшаб келаётган халқнинг урф-одатларию фазилатлари,

маданияти, маънавияти, жасорати, донолиги ҳам намоен бўлиши керак шоир излаган, чизмоқчи бўлган рангда. Ўқувчи шеърдан ана шундай ишораларни англайди. Шоир ёзган сўзда айтилгандан кўра айтилмаган фикр қанча кўп бўлса, асарнинг бадиӣйлиги шунча баланд бўлади.

*Чизаман, фарзандман, чизмай қўймайман,  
балки бўёқ бўлар юрагим қони!..*

Ватан, сени шунчалар севаманки, сен учун жонимни ҳам қурбон қилишга тайёрман, демайди шоир. Ватан суратини чизиш учун “бўёқ бўлар юрагим қони” деган сатрда чуқур мазмун бор. Широқ эл-юрт учун жон фидо қилганида, Спитамен озодлик учун қон тўкканида, Муқанна Ватан учун жисмини гулханда ёққанида, Қодирӣй, Чўлпон, Фитратлар миллат учун ўққа учганида уларнинг юрагида Сирожиддин Рауф тасвирлаган ватанпарварлик, ботирлик ва фидойилик туйғуси бўлган.





# “Бир бедор юракнинг эасиман мен...”




**Олим ОЛТИНБЕК,**  
филология фанлари номзоди

Шеърят сохталикни кўтармайди. Шеърларида самимият бўлиши учун шоирнинг фитратиди, туйғуларида покизалик бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, икки юзламачилик, икки тиллилик юзага келади. Бундай ижодкорга қийин: ичини ошкор этай деса унинг кирлигидан уялади, яшириш зарурати эса сохтакорликни, ёлғонни олиб келади. Демак, шоир Сўзда самимий бўлиши учун тили ва дили бир бўлиши лозим. Сирожиддин Рауф адабиётимиздаги мана шундай самимий шоирлардан. Унинг туйғулари беғубор, муҳаббати, айни пайтда, нафрати ҳам самимий. Шунинг учун ҳам шоир уларни ошкор қилишдан қимтинмайди.

Сирожиддин Рауф шеърларидаги бундай самимийлик унинг Ватанга, миллатга муносабатида ҳам кўзга ташланади: эл-юртга муҳаббатини очиқ ошкор изҳор этади, тарихдаги хатоларни бўяб-бежамайди.

Шоир – давр эпкинини нозик ҳис қиладиган торлари бор қалб эгаси. Ушбу эпкининг йўналиши ва тафтига қараб у келажакни ҳис қила олади. Сирожиддиннинг 1990 йили ёзилган “Сукунат кўксиди кезади шовқин, Туркистон тунини тутмоқда тўлғоқ” мисралари ўзига хос башорат бўлиб янграган. Орадан бир йил ўтиб тўлғоқ тутган Туркистон туни янги тонгни тугди. Бу



тонг Сирожиддин Рауфнинг ҳам орзуси эканлигига шеърлари гувоҳ. Яхши шоир икки жиҳатдан уста табибга ўхшайди. Аввало, иккаласи ҳам инсонни даволайди: бири вужудни даволаса, иккинчиси унинг қалбига шифо бахш этади, туйғуларини тарбиялайди. Иккинчи ўхшаш томони даволаш усуллари билан боғлиқ: табиб аччиқ дорисига асал кўшиб беради, шоир фикрларини бадииятнинг ҳарир пардасига ўраб айтади. Бу билан сўз сирлилик касб этади. Сўз санъатидаги мана шу сирлилик инсон қалбини завққа тўлдиради. Тўғри, шоир қўллаган бу санъат, аввало, бетакрор бўлиши лозим. Акс ҳолда,

керакли натижа – завқни бермайди. Завқ бўлмаган сўз эса “деворга ёпишмайди”. Сирожиддин Рауф шеърлари ҳам кишига завқ берувчи кашфиётларга бой.

Унинг “Ватан”, “Шаҳрисабз қўшиғи”, “Кўк гумбаз”, “Бағрингда беш кунлик меҳмон бўлдимми?..”, “Умр поёнида Муқаннаннинг хаёлидан кечганлари”, “Жуда тез ишондинг...” шеърлари юрт ва миллатнинг ўтмишу бугунги қувонч ва қайғулари ҳақида. Дарҳақиқат, шундай мақсаддаги ижодкоргина адабиёт ярата олади. Буюк Гёте ёрни илк маротаба ким гулга ўхшатган бўлса, ўша шоир, иккинчи марта бу ташбеҳни қўллаган шоирликка даъво қилмасин, деган экан. Сирожиддин Рауфга мана шундай кашфиётлар йўлида ижодий қийноқлар ва омадлар тилаймиз.



Сирожиддин РАУФ

\* \* \*

Асл муддаомиз муҳаббат эди,  
Беҳишт боғларида кавсар симирмоқ.  
Жонимиз шу ишққа занжирбанд эди,  
Бамисли дарёга интилган ирмоқ.

Биздан чекинганди нафси аммора,  
Чиннидай ярқираб кўнгил уйимиз.  
Тўкинлик рамзидай битта зоғора,  
Дилга қувват эди бир дона майиз.

Сийёҳ кокилларга инганди қиров,  
Зулмат кечаларни ёритди дедик.  
Забтига олганди жизғанак олов,  
Қалбимиз жўнликдан ор этди дедик...

Бугун лаб тегмаган гулгун шаробнинг  
Ботинда яшринган қақроғи алам.  
Пайғомлар йўллаган дилбар саробнинг  
Либосини ўриши-арқоғи алам.

Азамат тоғлардан чандон баландда,  
Найза чўққиларнинг тоза қоридек,  
Шаффоф туйғуларга биз мисли банда  
Бош уриб, топиниб наҳот ҳоридик?!

Муҳаббат эди-ку асл муддао,  
Шу ишққа жонимиз эмасми қурбон?  
Тентисак тентибмиз қилмай иддао,  
Некбин манзилларда сарсон-саргардон...

## Муҳаббат йўлига бахш этар жонин...

### Шоир

У ҳам ҳамма каби оддий бир одам,  
Бировдан кам эмас, бировдан ортиқ.  
Дунёга келганда Яратган эгам,  
Лек шоир юрагин айлаган тортиқ.

Шунданми суратда сокиндир ҳар он,  
Сийратида исён, тўфон яширин.  
Турмуш зардобини сипқориб пинҳон,  
Муносиб қаршилар масъуд онларин.

Уни ўйлантирар турфа мулоқот,  
Гўё Гулханийнинг “Зарбулмасал”и.  
Ҳар ён нафс домига ботган махлуқот,  
Ғамзада кўнглида умид – тасалли.

Ҳаёт бу – оқ-қора, қайғу ва ханда,  
Росту ёлғон демак, бундан ким тонар?  
Кўплар ҳақиқат деб лаққа тушганда,  
У-чи, алданишин билиб алданар.

Осмонларга бўйлар руҳи равони,  
Бедард давраларнинг гули бўлмайди.  
Муҳаббат йўлига бахш этар жонин,  
Аммо муҳаббатнинг қули бўлмайди.

Тумонат дўсту ёр қуршовида ҳам,  
Ёлғизлик захмидан чок-чок сўкилар.  
Макон ва замонни унутиб ҳар дам,  
Ризвон олмасидай дувва тўкилар.

Орзиқиб яшар у,  
Интиқиб яшар:  
Одамзод қалбида ниш отсин чечак.  
Шоир юрагига санчилик ништар,  
Заминни чулғасин оҳанглар чак-чак...



## Соҳибқирон

Харобат аҳлига Сен нажот бўлдинг,  
Жавонмард йўлдоши – Соҳибқироним!  
Эркталаб ўйларга нур, ҳаёт бўлдинг,  
Ботирлар қўлдоши – Соҳибқироним!

Файратинг, қудратинг азмингда зоҳир,  
Адолат туғини тутган баҳодир,  
Қайғу-алам ариб, тинди-ку охир,  
Мазлумлар кўзёши, Соҳибқироним!

Истибдод, жаҳолат занжирин узган,  
Ўтмиш салафлардан мардона ўзган,  
Ибрати мангулик “Тузук”лар тузган  
Салтанат қуёши – Соҳибқироним!

Арслон келбатли бу қадим Турон  
Ғафлат уйқусидан уйғонган замон,  
Амрингга бўйсунди неча шоҳ, султон,  
Неча юрт, элбоши, Соҳибқироним!

Пойингда ястанди дунё дафъатан,  
Садқа бўлса арзир унга жон ва тан,  
Хаёлингда лекин жонажон Ватан  
Ҳар гиёҳ, ҳар тоши, Соҳибқироним!

Довруғи оламни этди сарбаланд –  
Ҳунарлар соҳиби Фарҳодга монанд,  
Заминнинг сайқали пойтахт Самарқанд  
Меъмору наққоши, Соҳибқироним!

Манзилу маконлар бўлиб гулистон,  
Мақбара, саройлар тикланди шоён.  
Обод бўлди юртнинг шаҳри Туркистон,  
Кеши бирла Шоши, Соҳибқироним!

Жаҳоний муаммо ечилмай, илло,  
Осойиш топмади бу кўҳна дунё.  
Бизга хавф солмоқда, деди Оврупо,  
Қайсар Рум Бебоши, Соҳибқироним!

Қудратли тўлқиндай кўзғолди қўшин,  
“Куч – адолатда!” деб тўлғонди очун.  
Шу жангда эртасин кўриб Чин-Мочин  
Ногоҳ қотди боши, Соҳибқироним!

Бандасин тадбири мудом муаллақ,  
Яратганнинг тақдир, қазо ҳукми ҳақ!  
Улуғ мақсадларга айлади илҳақ  
Тожу тахт талоши, Соҳибқироним!

Қоқиғул баргидай тўзғимас давлат,  
Метин қоя каби ростлагайдир қад,  
Асли, илму урфон бирла маърифат  
Бўлса тамал тоши, Соҳибқироним!

Гарчи холисликни хуш кўрар тарих,  
Замона зайлига боқиб, водариф,  
Ўтмишга тош отди сохта муаррих  
Чимирилиб қоши, Соҳибқироним!

Бўхтоннинг аҳволин кўринг, бир зумлик,  
Филлик даъво қилган пашша хартумлик,  
Йўқликка юз тутди ёлғон тузумдек,  
Етмади бардоши, Соҳибқироним!

Бугун кимлигимиз биледи башар,  
Истиқлол нуридан кўзлар қамашар.  
Бу фахр-ифтихор тоабда яшар –  
Бўлмагай одоши, Соҳибқироним!

Сенгадир эҳтиром, салом бизларнинг,  
Кўзларга тўтиё энди изларинг,  
Келажаги буюк ўғил-қизларнинг  
Буюк Ватандоши – Соҳибқироним!

## Наводоқс

Хўрланди у, кўрди кўп жафо,  
Етим эди: ёлғиз, нотавон.  
Алам гўё кўзёшга тўғон –  
Бир томчисин тўкмади ҳатто.

Йиллар ўтди, кўпайди дўст-ёр,  
Омад боқди офтобдай кулиб.  
Шунда ногоҳ ўпкаси тўлиб,  
Кўз ёшлари оқди шашқатор.





Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

**Ароқдан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.**

Ҳадис

Тунов куни қишлоқдан акам келган эди. Янгиликлар қаторида Ҳайдарбулоқда катта тўй бўлганини айтиб берди. Ароқ жуда мўл бўлибди. Булар сал кечикиб бо-ришган экан, қарашса, деярли бутун қишлоқ аҳли ғирт маст эмиш. Ширакайф уруғдошлар сахийлик билан мулозамат қилишар, бирови эса унинг бўйнига осилиб, негадир хўнг-хўнг йиғлармиш. Шуни айтиш керакки, тоғликлар учун тўй – ҳам театр, кино, ҳам концерт ўрнини бемалол босаверади. Шу сабабли деярли икки-уч қишлоқнинг аҳолиси тўйхонага келади. Ҳамма янгиликларни шу ерда эшитиш мумкин: Россияга ишга кетганлардан анчаси қайтибди. Бўшангроқлари зўрға етиб келган бўлса, айримларининг ошиғи олчи эмиш. Яхши ишлаб келаётганлари машина олиб, ана шундай тўйлар ҳам қилишаётган экан. Ўша эса қоларли тўйда тасира-тусур, ур-тўполонлар кўп бўлибди. Айниқса, Дархондан келган меҳмон Эшқобилни недир айби учун дарё бўйида қонига бўяб тепкилашибди...

Шу “янгилик”ни эшитиб, ароқнинг бугунги кунда келтираётган

зарари, касофатлари ҳақида беихтиёр ўйлаб кетдим. Кейин шу ҳақда бир нарса ёзмоқчи бўлдим. Менимча, бу мақола гиёҳвандликка қарши кураш мавзусида бўлганида, ҳамма буни ҳамфикрлик билан қаршилаши мумкин эди. Аммо ичкилик масаласидаги фикрлар жуда хилма-хил! Ҳатто ароққа қарши кураш...ни салкам ақлсизлик деб ҳисобловчилар ҳам талайгина топилади. Масалан, ўтмишда ичкиликбозликни қонун йўли билан бартараф этишга муваффақиятсиз уринишлар бўлгани маълум. Ўша уринишларни кўпчилик киноя билан: “сухой закон” деб аташларини биламиз.

Юқоридагиларни ўқиб: ҳа, энди киши яхши ният билан йиғиниб, тўй қилса, хурсандчилик бўлса, шунга ота гўри қозихонами, деювчилар ҳам бўлар. Хўш, бу тариқа “базми жамшидлар-у, хурсандчилик” билан биз қаёққа қараб бораёпмиз, ўзи? Узоқ Россияда ихтиёрий мардикорчилик қилиб пул топиб, кейин юртга келиб, ҳаммани маст қилганлиги билан мақтанишда маъно борми? Мақсад ароқ ичишу қорин тўйдиришми?

Чор кўшинлари Туркистонни босиб олгунга қадар маст қилувчи ичимликлар очиқ сотилмаган ва ичкиликбозлик кенг тарқалмаган

# Мастона йўл

## ОЛДИМ МАЙХОНА ТОМОН...

экан. Истилодан сўнг Тошкентнинг ўрислар яшайдиган қисмида бир нечта майхоналар очилган. Уларда ўрислар пулга ароқ ичишар, битта-яримта кириб қолган маҳаллий миллат вакиллариغا эса текинга қуйиб беришаркан. Бунинг сабабини сўраганларга дўкондорлар: қўяверинглар, булар аввал ичишни ўрганиб олишсин, кейин кўрасизлар фойдасини, деб жавоб беришган экан. Энди ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ...

Аслида биз айтаётган гаплар сира янгилик эмас. Ароқ етказётган мусибатларнинг саноғи йўқ. Ичкилик туфайли жуда кўп хонадонлар тинчлигини йўқотяпти, топиш-тутишдан барака кўтарил-япти, фарзандлар ота-онага оқ бўляпти, келажакка раҳна солин-япти. Унинг инсоният кушандаси эканлигига одамлар аллақачон иймон келтиришган. Лекин уни ман этишнинг уддасидан чиқил-маяпти. Мантиқан қаралса, жуда ғалати ҳол: гиёҳвандликка қарши дунёда муросасиз жанг кетаётган бир пайтда ароққа нисбатан бунинг мутлақо тескариси бўляпти. Ваҳоланки, ичкиликнинг соғлиққа ҳеч фойдаси йўқ. Зарари эса гиёҳванд моддаларники билан деярли бир хил! Тобора кўпайиб бораётган ароқ ва пиво дўконларининг пеш-



тахталари турфа хил маҳсулотлардан синай деяпти. Ичкилик яхшигина даромад манбаи эканлиги сир эмас. (Биттаси ароқ заводиди пул чиқарадиган зарбхонага қиёслади. Ароқ “суяк валюта” эмиш!)

Бир савдо ходими таҳририятга хат ёзиб, ароқнинг ҳаром эканлигини биламан, аммо савдоси-чи, деб сўрабди. Жавоб: “Ҳаром нарса билан савдо қилиш мусулмон киши учун ҳаромдир. Чунки у мўминнинг нарсаи эмас. Ҳаром билан савдо қилиш савдони бузади. Унга сарфланган пул ҳам ўз-ўзидан ҳаромга айланади. Ундай пулни савдодан чиқариб ташлаш керак. (Мискин, фақирларга бериб юборилади, аммо бу мурувватдан савоб умид қилинмайди.) Яъни, бир киши ўн сўмга ароқ сотиб олиб, кейин ўн беш сўмга сотса, фойдаси бўлган беш сўмини эмас, ўн беш сўмнинг ҳаммасини чиқаради. Чунки ҳаромга сарфлаш ҳалол пулни ҳаром қилади... Билмасдан қилинган гуноҳларга истиғфор айтилса, бошқа такрорланмаса, Аллоҳ кечиримли, ғофир зот, мағфират қилиши шубҳасиз”. “Мусулмонлар тақвим китоби”дан. 2003 й. 1-чорак.

Биз, ожиз бандалар, албатта, Яратганнинг марҳаматидан умидвормиз. Лекин бунинг учун У тақиқлаган ҳаром-харишни тарк этишимиз ҳам керак-да!

Оддийгина кузатиш: ичкиликни севувчилар, яъни ароқхўрлар жуда кўп (ҳатто “керагидан ортиқ” кўп!). Бўлмаса, дўконларда турли-туман номдаги ароқлар шунчалик кўпай-

иб кетармиди! Нархи ҳар қанча қиммат бўлмасин, унга талаб сира камаёtgани йўқ. Кўринишидан бинойидек, яъни “алкаш”га сира ўхшамайдиган, аммо ичкиликка турли-туман баҳоналар билан ихлос қўйган инсонлар талайгина. Улар: “Ароқсиз зиёфат қизимайди, ароқ – дастурхон кўрки, ёки ароқ қўймасам, улфатлар орасида изза бўламан-ку”, деган “узрли” мулоҳазалардан сира чиқа олмайдилар. Тўғриси айтиш керак, мулоҳазаларида ҳам жон бор! Тўйларда, айниқса, қишлоқ тўйларида меҳмонларни энг тансиқ таомлар билан сийланг-у, аммо дастурхонга ароқ қўймасангиз, очиқ-ойдин маломатлар тагида қолишингиз ҳеч гап эмас. Ароқ дарёдек оққан тўй ҳақида эса: “Ўша куни би-ир яйрадик-да”, деб гапириб юришлари ҳам бор гап.

Дўстимнинг ҳикояси:

Собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида катта амалдор ҳамқишлоғимиз тўй қилди. Колхозимиздаги ҳамма пахтачилик бригадалари шу ерда: бригадирлар буйруқ беряпти, қолганлар физиллаганча хизматда! Хизмат тўлиб ётибди: минглаб меҳмонларга жой ҳозирлаш учун пахта заводидан брезент чодирлар олиб келинган. Ўнлаб қозонларда таомлар тайёрланяпти. Тўй бошлангач, шифтигача яшиқлар тахланган катта “Алка”лардан ароқ тарқатилди. Ароқ дарё бўлиб оқди: киши бошига битта, ҳатто иккитадан ароқ берилди. Мабодо кимнинг олдига алоҳида шиша қўйилмаса, ўзини камситилган ҳисоблар эди. Кузатиб турибман: эндигина мактабни битирган ўспиринлар келиб ўтиришди. Уларга таом тортилди. Аммо ароқ тарқатувчи Мўйдин киночи “Сизлар ҳали ёшсизлар ароқ ичишга”, деди-ю, нақ балога қолди! Бу гапи билан у бўз болаларнинг “ғурури”га тегиб қўйган эди. Охири уларга ҳам “эл қатори” ичимлик берибгина қутулди...

Ҳаётимда шу вақтгача: “Ароқ ичиб, фалон фойда топдим”, деган кимсани учратмадим. Тўғри, унинг сотилишидан ташқари, яна бир қанча “фойда”ларини санаб ўтса бўлади: масалан, қовушмай турган даврага жон киритиши, одамларни ўзаро “яқинлаштириши”, айниқса, кенг тарқалган тушунча – тушқун кайфиятни кўтаришдек “хосият”ларини айтиш мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси қип-қизил ёлғон! Ишонаверинг. Бариси сунъий “хосиятлар”. Жисмни аста-секин хароб этиш эвазига ҳосил бўладиган вақтинча хуш кайфият. Бунинг кўпчилиги ич-ичидан тан олади-ю, аммо Бари бир ёлғон тушунчалар тўсиғини ёриб ўтишга кучи етмайди. Шу тариқа, яна аввалгидек, ҳаёт мароми давом этаверади.

Муқаддас Куръони каримда ичкилик кескин қоралангани маълум. Исломда маст қилувчи барча ичимликлар умумий ном билан “хамр” деб аталади. Хамрнинг зарари ҳақида жуда кўп ҳадислар, ривоятлар мавжуд:

Расулulloҳ (САВ) айтадилар: “Хамр ёмонликларнинг онасидир”; “Хамрдан сақлан. Унинг дарахти бошқа дарахтлардан ошиб ўтгани каби, гуноҳлари ҳам бошқа гуноҳлардан ошиб тушади”.

Ҳазрати Усмон (р.а.) бир куни хутба ўқиётиб, Аллоҳга қасам ичиб айтдиларки: “Эй жамоат! Хамр билан иймон бир қалба бўлиши мумкин эмас, албатта, бири бошқасини қувиб чиқаради”.

Ҳазрати Билол (р.а.) айтадиларки: “Шаробнинг бир қатраси қудуққа тушса, кейин ўша қудуқнинг устига минора қурилса, у минорада азон чақирмайман. Агар шаробнинг бир томчиси денгизга томса, денгиз қуриб, у ердан ўт-ўлан униб чиқса, ўшандан ҳам фойдаланмайман”.

Бизда ичкилик ичиш салкам санъат даражасига кўтарилиб боряпти. Майхўрлар даврасида тантанавор нутқлар (тостлар) ирод



қилинади, эҳтиросли шеърлар ўқилади. Умар Хайём рубоийларини ўз савияларига мослаб талқин қилишади. Эсимда: бир дўстимиз тўй базмларида ўзига сўз берилса, албатта, Умар Хайёмнинг “май ичсанг оқилу-доно била ич...” деб бошланувчи рубоийсини ўқирди. Охирида, “эзма, расво бўлма, маъно била ич”, мисрасини бузиб, “сиққанича ич!” деб ўқиши даврадаги ширакайфларнинг олқишига сазовор бўларди. Ва... албатта, шу рубоий шарафига яна қадаҳлар кўтарилар эди. Қорақалпоқ томонларда эса, “тост”нинг яна бир антиқа турини учратдим: бу “тост” Худого илтижо шаклидаги дуосифат сўзлардан иборат бўлиб, ҳар бир тилакни даврадошлар кўлда қадаҳ билан “омин!” дея “тасдиқлаб” туришади...

Нақадар мантиқсизлик: Худонинг каломида ҳаром эканлиги айтилган ва истеъмол қилиш қатъиян тақиқланган бўлса-да, айнан ароқ ва майхўрлар даврасида Яратганнинг номи қайта-қайта тилга олинаверади! Кўлда қадаҳ кўтарганча, “Худо хоҳласа...”, “Аллоҳ насиб этсин!” дея ҳеч тортинмасдан лутфлар қилинаверади. Заҳар-заққум ичиб, яна бир-бирларига соғлиқ ҳам тилайдилар. Во ажабо!

“Ишқ ва май куйчиси” (майхўрлар иборасича)  
Умар Хайём айтмишлар:

*Бир кўлда Куръону, биттасида жом,  
Гоҳида ҳалолмиз, гоҳида ҳаром.  
Феруза гумбазли осмон остида  
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.*

Яқинда “на чин мусулмонмиз, на кофир тамом” мисрасига исбот бўлгулик яна бир воқеани эшитиб қолдим: Бир йигит кафега кириб, официант қизга бир шиша ароқ буюрибди. Газагига кабоб келтиришини тайинлабди. Ароқни ичиб, кабобни еб бўлар-бўлмас, “жуда муҳим” бир нарсани билиб қолиб, шовқин кўтарибди. Маълум бўлишича, официант келтирган кабоб чўчка гўшtidан экан. Мижоз ўзининг мусулмон эканлигини пеш қилар ва ҳаром гўшtidан тайёрланган кабоб бергани учун официантни ишдан бўшатишни қатъий талаб қилаётган экан. Ошхона хўжайини бефаросат официант қизни шу биргина айби учун ишдан бўшатишини билдирибди. Аммо мижоздан ҳам: “Мусулмонга ароқ ҳам, чўчка гўшти каби ҳаром эмасми?!” дея сўрабди. Мижоз аввалига нима дейишини билмасдан бақрайиб қолибди. Кейин Бари бир отдан тушса-да, эгардан тушмай, сўкина-сўкина кафени тарк этибди. Раҳбар эса ношуд официантни Бари бир ишдан бўшатибди...

Мана, тушунчаларимизнинг ночорлиги: шариатда ҳаром қилинган гўштни истеъмол қилмаслик дуруст, аммо кишининг ўзини-да тўнғиз ҳолатига соладиган ичкиликни ичиш... гуноҳ эмасдек, гўё.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) охир замон аломатларидан

сўз очиб, шундай деган эканлар: “Ичкиликни давлатлар ташвиқ қилади ва ҳар хил номлар билан ичилади”. Бугунги ҳашаматли ичкилик дўконларига бир назар солинг: антиқа шаклли идишлар, биллурдек тиниқ, турли-туман шишалар, турфа номдаги ичимликлар... Ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ҳаётимизда майнинг тутган ўрни ва уни тарғиб қилиш муҳити ўзимизга яхши маълум. Уйда, фарзандлар кўз ўнгида ичишдан мутлақо тортинмай кўйганмиз. Шундай “ибрат” бўлаётганимиз етмагандек, уларни ичишга янада қизиқтирувчи воситалар ҳам ўйлаб топилмоқда. “Детский шампанский” деган ичимликка нима дейсиз? Идиши худди “катталар шампанскийси”га ўхшайди, фақат рангдор суратлар билан безатилган. Хўш, бундан мақсад нима? Болаликданоқ ўз таъбига яраша “шиша билан дўстлаштириш”ми?

... Ушбу мақоланинг ёзилишига гувоҳ бўлган дўстлардан битта жўяли таклиф чиқди: “Шу мақоланг чиққач, уни албатта “ювиш” керак”! Ўйлаиб қолдим: ростдан ҳам, ювсаммикин? Қандоқ бўларкин?..





# Шубҳа

Ҳикоя



**Жасур КЕНГБОЕВ**

Ишхонадан аҳмоқона топшириқ олдим. Бугуноқ кечки поездда пойтахтдан Бухорога йўл олиб, уч кунлик ишни бир суткада битириб қайтишим керак эмиш.

Купега чиққанимда икки иши – чўзинчоқ юзли, қорачадан келган, соч-соқоли ўсган, сертук бир одам, унинг ёнида, қахратон бўлишига қарамай, юпунгина кийинган, мушаклари буртиб чиққан, қорамағиз йигит бор эди. Саломимга ҳафсаласизлик билан алик олишди.

Мен ҳам ортиқча эътибор бермай, сумкамнинг занжиркулфини маҳкамлаб, устидан боғичини ҳам икки-уч қайта танғидим-да, ўриндиқ тагига тикдим. Пальтомни ечиб, пул, ҳужжат ва бошқа лаш-лушларимни ён чўнтақларимга солдим-да, сумкамнинг устидан ташлаб қўйдим. Саранжомлагач, жойимга ўрнашиб олдим. Мундоқ қарасам, иккиси ҳам тек қотганча, менга таажжубланиб турибди. Ҳайрон бўлдим.

– Ҳа, ака, тинчликми? – дедим ноқулай вазиятга ойдинлик кириши учун.

Соқолли одам йигитга маъноли тикилди-да:

– Ука, биринчи марта узоқроқ жойга йўлга чиқяпсизми дейман? – деди дўриллаган овозда.

– Йўқ, – дедим. – Нега сўрапсиз?

– Ё биз ўғрига ўхшаймизми? – деди у тағдор қилиб. – Айтинг, киссавурга ўхшаймизми?

Рости, мен унинг муддаосига унча тушунмадим. Ҳали салом йўқ, алик йўқ – бу таъналар нечун ахир? Дангал сўрадим:

– Ака, тушунмадим сизни, бирор гапингиз бўлса, очиқ айтаверинг, нима гап ўзи?

– Ҳай, аввал ўтиринг-чи, мундоқ. Танишиб олайлик-чи?

Соқолли киши шоир экан. Бир-икки шеър ўқиди, хийла мазмундор, дардли, ўтли-шудли шеърлар. Фақат шоир номи Минораи Калондан нарига ўтмаган, амалу шон-шуҳратга талпинмаган иждокор экан.

– Зўр шоир экансиз-ку! – дедим мақтаб.

– Ҳай, қўяверинг, ука. Лекин боя одамни ёмон хафа қилдингиз, – деди у.

– Ие, ака! – дедим. – Айтганча, шундан гапиринг сиз, нима бўлди ўзи боя?

Шоир вагон ойнасидан ташқарига қараб, эснади. Сўнг бамайлихотир гап бошлади:

– Қарасам, худди ичи тиллага тўладай, сумкангизни роса ўраб-чирмадингиз. Худди биз ўғри-ю, кўзингизни шамғалат қилиб, ёмбиларингизни ўмариб кетадигандай. Товба, шунчалар эҳтиёткор бўладими одам? Мана, бизнинг бор лаш-лушимиз ўртада, ҳеч кимдан қўрқмай, қўйиб қўйибмиз-ку. Умр бўйи йўлда юрибмиз, поездда бормаган жойимиз қолмади, шукр, шу пайтгача ҳеч ким ўғирламаган.

“Ия, ҳа!... Гап бу ёқда экан-да? Менинг эҳтиёткорлигим буларга оғир ботибди-да? Демак, кўнгли тоза одамлар экан”, деб ўйладим.

Дарҳол “айб”имни ювиш учун гапни ҳазилга бурдим:

– Шоир ака, ўзингни эҳтиёт қил – қўшнингни ўғри тутма, деган экан Амир Олимхон деган бир бобокалонингиз. Минг бор узр, тўғри тушунинг, сизларни ўғри тутиб, аҳмоқ бўлибманми? Ҳарбийлик касали бу, ака, саранжомликни яхши кўрамиз.

– Эҳ-ҳе, ука, – деди шоир шогирдига қош учириб. – Буни қаранг-а. Ўғри бўлганимда ҳозир-

гидан тузукроқ яшардим... Кўриб турибсиз, топган бойлигим бир қапа-ю, уч бола. Қолгани мана, шу бўлди, – у қалинлиги пиёзнинг пўстидай келадиган китобчани кўрсатди. – Тошкентга нашриётга келгандим. Янги, кеча чиқди!

У китобчани менга узатди.

Вагон кузатувчиси чой олиб киргунча танишиб ҳам олдик. Анави йигит шоирнинг шогирди, асли жануб вилоятларидан биридан бўлиб, устозиникига – Бухорога меҳмонга кетаётган экан.

Гурунгимиз бир қизиб, бир узилиб қолаверди. Қовун тушириб, шағал тўкиб ўтирдик. Мен эса аҳён-аҳёнда ойнадан ташқарига қараб кўяман. Поезд бир зайлда борар, қоронғида яқин-олисдаги уйларнинг милтиллаган чироқлари шуъласини бир-бир кесиб ўтар, бундай пайтда одам ёлғиз қолиб, ойнадан ён-атрофга сочилган чироқлар ёғдусини томоша қилиб, завқ олгиси келади. Лекин ёнингда шерикларинг бўлса, боз устига, улар шоир бўлса, гурунг завқи бўлакча экан-да.

Купеда тўрт кишилик жой бўлиб, негадир тўртинчи ўриндик бўш эди. Шоир бўш турган ана шу ўриндикни ҳам ўзгинаси “ишғол” қилган, оёғини узатиб, ёнбошлаб, чўзилиб кетяпти. Анча вақтдан кейин суҳбат мавзуси яна менга келиб тақалди.

– Ўғирлик нималигини билмайсизлар-да сизлар, – деди у. Афтидан, кўпроқ гапиргиси келар, вақтни хуш ўтказиб, олис йўл азобини енгишни истарди.

– Ўн йилча аввал шаҳарга бозорга тушгандим, – дея бир воқеани гапира бошлади шоир сўлиш олар экан. – Биласиз, бозор – ўғри ҳам, тўғри ҳам борадиган жой. Тиқилинча ерга қараб кетаётгандим. Шу пайт денг, олдимда кетаётган бир хотиннинг чўнтагидан икки даста пул тушиб қолди. Шундоққина кўрди-а. Бошқалар оёқ ости қилиб, босиб ўтмасин, дея эгасини тўхтатишга ҳам ул-

гурмаёқ, дархол пулни олмоқчи бўлиб энгашигандим, бир нима бошимга қарсиллаб тегди. Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Пул тўрт даста бўлиб кўринди. Гандираклар қаддимни зўрға тикладим. Қаршимда бояги хотин турар, қўлида ёмғирпўш. У шартта қўлимга ёпишди-ю, “Пулимни ўғирлади”, дея дод сола кетди.

Ҳамма қаради. Оломон аёлнинг додидан таҳликага тушиб, ўраб олди, уч-тўртови қўлимга чанг солди. Тўс-тўполон бўлиб кетди.

Мен: “Пулингиз тушиб қолди, олиб, сизга бермоқчи эдим”, деб қайта-қайта бақираман, қани биров эшитса... Алам қилар экан, ука. Айбсиз айбдор бўлдим-қолдим. Гапимга ҳеч ким ишонмади. Бундай адолатсизликка чидаб бўлмайди.

Бирпасда қаердандир мелиса пайдо бўлиб, бозор яқинидаги идорасига олиб кетди. Иккимиздан ҳам ёзма тушунтириш олди. Пулни хотинга бериб, унга алланималар деди-да, чиқариб юборди. Хотин шаллақилик қилиб-қилиб кетди.

Уни кузатиб қайтган мелиса:

– Омадингиз бор экан, худо бир сақлабди сизни, ака! – деди.

– Нега? – дедим.

– У жуда ёмон хотин. Номи чиққан. Шантаж қилиб одамларнинг шўрини қуритмоқчи бўлади. Сизни ҳам судга бераман, деб пўписа қилиб, анча-мунчага тушириши мумкин эди. Яхшиям, шу бозорда одамларни шантаж қилаётган маҳал биз бориб қолганмиз.

Ўшанда, ишонасизми, куппа-кундуз куни ўғрига чиқдим-қолдим. Одамлар менга еб қўйгудай қаради. Ич-ичимдан ўзимни оқласам ҳам, ҳамма сени ўғри деб тургандан кейин, қўлингдан ҳеч нима келмас экан. Ёмон алам қилган, ука. Мен ўзи бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган одамман. Капанг куйгур ўша хотиннинг ғамини емасдан,

пули лой-шилта бўлса-да, менга нима деб ўтиб кетсам, биров бир нима демас эди. Лекин соддамиз, бировга яхшилиқ қилай деб панд ҳам еймиз-да...

Шоир жим бўлди. Ўйчан ўтирди.

Шогирд йигит унга ҳозиргина дамланган чойнақдан бир пиёла иссиқ чой узатди. Сўнг йигит, эсласам, ҳозир ҳам юрагимни жиз эттирадиган ҳикояни – ўз бошидан ўтказган воқеани айта бошлади.

– Ўшанда тўққиз ё ўн ёшда эдим, – дея хотирлади йигит. – Эслайсизми, устоз, илгари сизгаям айтиб бергандим буни, йил қурғоқчил келиб, бутун қишлоғимиз силласи қуриган эди. Одамлар ўрим маҳали ангарга тушиб қолган бошоқларни териб, савалаб эзиб, шамолга совуриб, буғдой олар, ўнгани наф деб, бир тоғорами, ярим қопми – йиғилганича тегирмонга оборар, шу зайлда нонни ширин қилиб еб, қозонни сувга ташлаб қўйган эди. Ўша йили негадир бошқа экин-тикин ҳам яхши унмади.

Отам иккимиз не-не умидлар билан эккан лалми тарвуз-қовуннинг жазирамада палаги сўлиб, аҳволимизни тағин ҳам танг қилди. Томорқамизга эккан картошка-пиёз ҳам сув тақчиллиги, вақтида суғорилмагани учун яхши бўлмади.

Дард устига чипқон дегандай, отам укаси Маъруф амаким билан “сен-мен”га бориб, аразлашиб қолган эди. Оқибатда ҳовлимиз ўртасидан девор кўтарилиб, бир-биримизникига қадамимиз қирқилган эди.

Амаким қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлар, даромади тузуккина, унча-мунча нарса оғзининг ели эди.

Кунларнинг бирида у ҳовлисига бир трактор пиёз тўқди. Трактор овозини эшитиб, онам девор оша қаради. Кейин уйга кириб, отамга:



– Укангиз бир трактор пиёз опкелди. Уришмаганингизда, биз-гаям бир қоп – ярим қоп берарди, – деди.

Отам индамади. Бир хўрсиниб қўйди. Мен жим туриб эшитдим. Билардимки, бугун ҳам онам кечга тузукроқ овқат қилолмаган. Чунки уйимизда на картошка, на пиёз бор эди. Оғзимиз тўлиб гўшт чайнамаганимизга ҳам анча замон бўлган. Ҳали куз келмасдан, томорқамиз шип-шийдам бўлиб ётар, бозордан олишга ҳам отамнинг пули йўқ, ўзи ишлари юришмай, қўли калталиқдан кўкрагини захга бериб ётган пайти эди. Рўзғорда ун қопимиз ҳам, картошка-пиёз тўрваларимиз ҳам бўшаб қолганди.

– Нега индамайсиз? – деди онам куюниб. Онамнинг овозида аламзадалиқ бор эди.

Отам яна уйчан хўрсинди. Сўнг бир оғиз:

– Нима қилай? – деди. – Туширган экан, ҳалоли бўлсин. Сенга нима?

Онам жим бўлди. Бошқа гапирмади. Фақат бир фурсатдан сўнг изидан ошхонага кирганимда, кўзи жиққа ёш, қўллари титраб, асабийлашиб, чўмични тақ-тўқ қилиб, қозонга уннаб ётган экан. Раҳмим келиб кетди.

– Она, нега йиғлаяпсиз? Йиғламанг, – дедим. Онам кўз ёшини артди.

– Йиғламаяпман, болам, – деди. – Пиёз аччиқ экан...

Сезиб турардим, онам ёлғон гапиряпти. Ахир тухум қовуряпти-ку. Қолаверса, уйда пиёз йўқ эди...

Мен ҳам сир бой бермадим, индамай кўя қолдим. Уйга кирсам, отам молларга сомон соламан деб чиқиб кетди. Ўзи боягина

молларга емиш бериб, оғилхонага қамаб келган эди...

Мен отамнинг ҳам, онамнинг ҳам ичини емираётган туйғуни яхши ҳис қилиб турардим... У маҳаллар қийналаётган фақат биз эмас эдик. Амакимга ўхшаган бир ҳовуч ўзига тўқлар ҳисобмас, албатта. Ана шулар бошқача яшарди, холос.

Амакимнинг мен тенгги ўғиллари билан ҳар куни бирга ўйнардик. Ҳовлимиз ўртасига девор тушгандан сўнг тез-тез девор бўйлаб, бир-биримизга қараймиз-у, бирга ўйнай олмаймиз. Катталар кўрса, уришарди. Ахир оталаримиз – жон жигарлар гинадор, манави девор бекор кўтарилмаган-да... Шу боис ўйинга маҳтал бўлиб кетган маҳаллар фақат девордан ҳовлимизга мўралаймиз.

Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.



Кўрдим, уч-тўрт кун мобайнида амакимнинг пиёзи ташқарида ётди. Янгам ҳар замон – ҳар замонда саралаб, қопга жойлаб, омборхонасига киритиб қўярди.

Бир неча кундан сўнг девордан бир қараганимда, пиёз уюми худди ёмғирга чўккан гўрдай пасайиб, ерга сингиб, бир қисмигина қолган, пиёзпўсти ҳамма ёққа кўчиб ётар, янгам товуқ, куркаларини катакдан бўшатиб юборар, улар эса югура солиб уюм атрофини титар эди.

Ўша оқшом кун жуда совуқ бўлди. Қоронғи тушган, онам яна тухум қовураётган эди.

– Отанг одам бўлмади, – деди онам хуноби ошиб. – Амакинг ҳам чоригини унутди. Акам, жигарим-да шуям, деб бир қопгина бўлсаям бермади-я. Девордан ошириб ташласаям бўларди. Бир трактор пиёзли бойвучча ярмини товуғига едириб ўтирибди, устимиздан кулгандай. Отангнинг ҳам ҳақи бор эди-ку унда...

Чидам турулмадим. Ўпкам тўлиб кетди...

...Кекса тутимиз шоҳига чиқиб, совуқда қалт-қалт этганча, қоронғи тушишини кутдим. Шартта челақни кўтариб, девор ёнига боришга бордим-у, ошиб ўтишга иккиланиб қолдим. Ахир ҳеч қачон бировдан сўрамай, нарса олмаганман.

Лекин онамнинг ўша кунги ҳолати, мунғайиб ўтириши кўз олдимга келди, боя айтган гапи қулоғимдан кетмаяпти.

Номард амаким... Отам авваллари уйимизга бирор нимани дўржироқ олиб келса, албатта, амакимга ҳам мендан бериб юборар, болаларининг ҳам оғзи тегсин, дерди. Амаким эса мана шу девор тиклангандан бери роса бемехр бўлди. Ичимда уни роса сўқдим.

Сўнг кўзимни чирт юмдим-у, дадилландим. Алам билан бир сакраб, деворга чиқдим. Амакимнинг деразасига мўраласам, ҳаммаси телевизор кўриб ўти-

рабди. Девордан ошиб тушишим билан кучуги думини ликиллаптиб келди. Нон-пон беришимни кутди. “Бобик, тур, йўқол!” дегандим, индамай кетди.

Бу кучукни амакимнинг ўғлига мен ўзим олиб келиб берганман, уни яхши кўрардим, доим нон берганим учун менга ўрганиб қолганди. Ҳовлимизга девор тушгандан бери у ҳам мени соғинган, шекилли, эркалангиси келди, “йўқол”, деганимга хафа бўлиб кетди.

Амакимнинг уйдан ҳеч ким чиқиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, пиёз уюми томон оёғимнинг учида юриб бордим. Сўнг уюм орасидан апил-тапил қўлга илашган пиёзни челақка сола бошладим. Қоронғида ҳеч нима кўринмасди. Фақат пайпаслаб, пўстлоқлар орасини ғижимлаб кўриб, иримаган, бўшаб қолмаганларини солавердим.

Идиш ярим бўлмасидан, нимадир шақирлаб кетди. Дарҳол пиёз уюми устига пусиб ётиб олдим. Уй эшиги очилиб, кимдир чиқди. Қарасам, амаким. Устида чопон, қулоқчинли телпак кийган, қўлида фонари бор. Бу манзара деразадан тушиб турган ёруғда жуда ваҳимали кўринди.

Биласизми, ўша дамда кўнглимдан нима ўтди? Амаким ҳозир келади-ю, ўғирлик устида ушлаб олади. Ўз жигарим бўла туриб, ўғирлик қилдингми, дея ўласи қилиб калтаклайди, кейин судраб, отамнинг оёғи остига отиб юборди, деб ўйладим. Урса, чидарман, лекин бу гап ҳамма ёққа тарқалса, эртага ким деган одам бўламан? Мен ўғри бўламанми? Мен-а? Мактабда доим “беш” олаётган одам-а?

Тақдирга тан бериб, сасимни чиқармай, кўзимни чирт юмиб олдим. Қадам товуши тобора яқинлашиб келар, юрагим така-пука бўла бошлади. Жуда қаттиқ кўрқдим. Лекин, хайрият, оёқ товуши узоқлашиб, эшитилмай

қолди. Қулоқ солиб турдим, амаким молхонасининг тунука эшигини тарақлатиб очди. Фонарини ёқиб, мол-ҳолини кўздан кечирди. Сўнг ортга қайтди. Мен яна бояги алфозда, бу сафар фонарнинг ёруғи шундоқ ёнгинамни ёритиб ўтганини сезиб, баттар ваҳимага тушдим.

Бироқ амаким яна мени кўрмади. Ана, ҳуштак чалиб, паст овозда кўшиқ хиргойи қилганча уйига кияпти. У эшигини ичкаридан қулфлагани эшитилгунча адоий тамом бўлдим.

Кейин янаям тезроқ ҳаракат қилиб, пиёзни танламасдан челақка солавердим. Ҳарна, тезроқ бу ердан кетай.

Челақ тўлгач, жиддат билан девордан ошиб ўтдим-у, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Пиёзни шу туришда ошхонамизга киритиб қўйдим-у, қўлимни ювиб, уйга кирдим. Онам чой ичиб ўтирган экан. Отам ҳалиям ошнасиникидан уйга келмаган, укам ва сингилларим ухлаб қолган.

– Қаерда юрибсан? – деди онам.

– Ҳеч қаерда... – дедим мен. Бутун вужудим титроқда, қўлим қалт-қалт этарди.

Онам менга емак сузиб бергани ошхонага кетди. Зум ўтмай, қайтиб келди. Кўзи тўла ёш эди.

– Қаердан олдинг? – деди овози титраб.

Мен ер чизиб туравердим. Бир маҳал қулоқ-чаккам чарсиллаб кетди. Кейин юзим ловуллаб ёна бошлади.

– Ҳа, ўғирлаган қўлгинанг синсин сенинг! Тез кўзимдан йўқот уни! – дея бақирди онам.

Тик турганча унсиз йиғлаб юбордим. Онам қарғади.

Алам билан пиёзни девордан қайтариб отмоқчи бўлиб ўрнимдан туриб кетаётгандим, йўлимни тўсди. Мени бағрига босиб йиғлади. Онамнинг халатидан ўтин иси келарди, бошимга кўз ёши томиб, юрагимни баттар эзди.



– Илойим, бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетайлик, болам, – деди. Кейин сал юмшади: – Қилғилиқни қилиб бўлибсан, энди эртага чуқурга тўкиб юборасан!

Мен анча вақтгача карахт ҳолда, ўзимни кечиролмай юрдим. Амаким тарафга қарашга юрагим бетламади. Деворга яқин йўлай олмадим.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни амакимнинг бошига кулфат тушиб, ўзи келди. Отам унинг ҳолини кўриб, араз-гинани унутди. Ярашди. Ўртамиздаги девор ҳам дарров бузилди. Ҳовлимиз яна кенг бўлди.

Ана шундай кунларнинг бирида, кенжа амакимнинг уйланиш тўйида Маъруф амаким маст бўлиб қолди. Ташқарига тоза ҳаво олгани чиққанида мени ёнига чақирди.

– Муроджон, айланай сендан, ўқишларинг яхшими? – деб сўради тили зўрға айланиб.

Амакимнинг меҳри товланиб турганди. “Ҳа”, дедим.

– Сен яхши ўқишинг керак, – деди у яна. – Одам бўлишинг керак. Бизнинг уруғдан ҳам яхши одам чиқсин-да.

Мен уялиб:

– Хўп, амаки, ўқийман, – дедим.

– Йўқ, биламан, сен яхши ўқийсан, лекин... – деди амаким чайналиб. – Ҳаётда яхши одам бўлиш учун... ҳалол яшаш керак. Ўғирлик қилмаслик керак-да...

Уҳ! Мен шунча вақт ҳадиксираб юрганим... Онамдан ўзга ҳеч ким билмади, деган сирим. Кўрган экан-да... Умримда бир марта қилган ўғирлигим ҳам ошкор бўлди. Шунча чеккан виждон азобим бир тараф, амакимнинг оғзидан эшитган бу гапим бир тараф бўлди.

Мана, йигирма бешга қиряпман. Шу пайтгача амаким бу ҳақда

бошқа гапирмади. Лекин ўша воқеани эсласам, эгим жимирлайди. Ҳар гал амакимнинг кўзига кўзим тушса, уялиб кетаман. У худди “Сен ўғирсан! Пиёз ўғирлагансан”, дегандай туюлаверади. Виждон азоби деб мана буни айтса бўлади, акалар...

Биз шогирд йигитнинг ҳикоясини мутаассир бўлиб тингладик. Бу орада менинг хижолатдан бетим қизаргани қолди. Мен шундай покдомон, яхши одамлардан хавфсираб ўтирганимга пушаймон бўлдим. Лекин сир бой бермадим. Аксига олиб, буларга мен ҳам нимадир гапириб берай десам, ҳаётимда тайинарли воқеа бўлмаган экан. Бироқ...

...Хунук воқеа тонг отиб, Бухоро остонасига яқинлашганимизда содир бўлди. Мен туни билан мижжа қоқмай, поезднинг тақатқ тебранишига монанд хаёл суриб борардим. Шерикларим ширин уйқуда.

Зерикканимдан чекким келди. Купедан чиқаётганимда, шоир йигит у ёғидан бу ёғига ағдарилиб, бошини чойшабга ўраганча, хуррак отиб ётарди. Қараб, мириқиб ором олаётган бу йигитга ҳавасим келди. Йўлда ухлай олмай, бедор кетадиган мендай одамга қийин, деб ўйладим.

Тамбурдан қайтиб келдим-у, жойимга чўзилдим. Шу ётишда бир қуш уйқусини олибман. Бир маҳал кимдир туртди. Кўзимни очсам, шоир тепамда турибди.

– Ука, сумкамни ким қовлаганини кўрмадингизми? – деди.

Ўрнимдан сапчиб турдим. Қарасам, унинг сумкаси ерда ётар, занжирқулфи очиқ, ичидан кийим-кечак, нон, ўроғлиқ қоғозлар кўриниб турибди.

– Йўқ, нима бўлди? – дедим довдираб.

– Пулимни ўғирлабди, – деди у.

Бошимга болға билан ургандай бўлди.

– Ким ўғирлабди? – дедим саросимага тушиб.

– Шуни сиздан сўраяпман-да, – деди шоир. – Эшикни сиз очиқ қолдирганмидингиз?

Уҳ! Ўлай агар, шамаси қаттиқ тегиб кетди. Боя чеккани чиқиб келганимда, эшик очиқ қолган экан-да, деб ўйладим...

– Билмайман, ака, чин сўзим, – дедим. – Рост, ҳеч кимни кўрмадим бу ерда...

Устоз-шогирд гапимга ишонқирамади. Вагон кузатувчисини чақириб, тўполон қилди. У ҳам хом сут эмган банда бўлса, қўлидан нима келарди.

– Эҳтиёт бўлмайсизми, ака? – деди, холос.

Мен эса унга қанча таскин бермай, Бари бир ўзимни гуноҳкордай сезавардим. Тўғри, тамбурга чиқдим, эҳтимол, эшикни очиқ қолдиргандирман, лекин... Мен эмас-ку... Бироқ исбот-далилим ҳам йўқ эди. Нима қилай, уларга мен ўғри эмаслигимни қандай тунтираман?

Поезд вокзалга келиб тўхтади. Ҳамма тушишга тараддудланди. Мен ҳам ўраб-чирмаган сумкамни олиб, вагондан тушаётим, соқолли шоирнинг:

– Ўзи писмиққа ўхшаб, жим келаётганидан билувдим... Эҳтиёткорлигидан сезгандай бўлудим-а... – дея минғирлаганини эшитдим.

Эшитдим-у, тишимни тишимга босдим. Ёмон алам қилди. Ичимда: “Пиёзни охиригача еган экансан-да”, дедим-у, перрон бўйлаб шарт-шурт юриб кетдим. Мени бундан ҳам нохуш воқеа – аҳмоқона топшириқ кутиб турган эди...

2016 йил



**Йўлдош СУЮНОВ**

Йўлдош Суёнов 1952 йили Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг Қайирма қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини имтиёзли диплом билан тугатган. Сўнгра Бутуниттифоқ (Москва) сиртки юридик институтини тамомлаган.

Шеърлари республика ва вилоят матбуотида чоп этилган. Қатор шеърларига куй басталаниб, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари мусиқа (санъат) факултетлари талабалари учун дарсликларга киритилган.

### *Сиз унутган дам*

Кунларим тун бўлди,  
Тунларимда ғам,  
Яшамоқ гуноҳдек,  
Кўзларимда нам,  
Қўшилиб йиғлайди,  
Ёнимдаги шам –  
Сиз унутган дам.

Сўроқ қаршисида  
Турибман мулзам,  
Дунёга сигмайин  
Ва на хотиржам.  
Ёлғизлик дардига  
Борлиқ даво кам –  
Сиз унутган дам.

Руҳимда ҳижрон-у,  
Айрилиқ ҳамдам.  
Олам ҳам безгандек  
Ҳаттоки мендан,  
Ёруғ кун минг чакрим,  
Қабр бир қадам –  
Сиз унутган дам.

## *Дилдор келадур эртлага...*

### *Менин бойлигим*

Қўлларимга қаранг – тилло узук йўқ,  
Зар дўппи, зар чопон кия олмадим.  
Машина насибин кўрмадим, бироқ  
Фарзандлар тақдирин ўйлаб толмадим.

Данғиллама ҳовли сололмай ўтдим,  
Тўй қилиб бировни ҳайрон этмадим.  
Камтарин, камсуқум турмуш юритдим,  
Баъзи жайронлардек ўздан кетмадим.

Мендан бой одам йўқ асли дунёда,  
Эътибор, Фотима, Зухро қизларим.  
Фариза, Азамат, Алина бунда –  
Улар ёритади тунда изларим.

Ўғлим ва аёлим – садоқатли дўст,  
Бу – менин бойлигим, сирли сандиғим.  
Ҳар бири гавҳарим – юрагимда пўст,  
Эрта мева берар ўсмоқ пиндиғим.

Қўлларимга қаранг – тилло узук йўқ,  
Тишларимга олтин қопланган эмас.  
Аммо ҳаётимдан кўнглим ўта тўқ,  
Юзим бибурдликдан доғланган эмас.



## Мени кутасиз

Сизга кўп интилдим – ета олмадим,  
Аммо ишқ дарчасин ёпа олмадим.  
Қалбимнинг қатида меҳрингиз нури,  
Илк севги тафтидан кеча олмадим.

Кетдингиз йироққа ошуфта бўлиб,  
Бағрингиз ситам-ла, қайғуга тўлиб.  
Мен эса айрилиқ йўлида ҳорғин,  
Бир умр бўзладим, ҳижронда қолиб.

Биламан, мендадир кўнглингиз асли,  
Баҳорда ниш урди севгимиз фасли.  
Тақдир ажиб экан, нетай, азизам,  
Сизга насиб қилди бошқанинг қасри.

Биламан, биламан – узоқ кетгансиз,  
Менинг севгим, дея фироқ ютгансиз.  
Наилож, энди Сиз ўзга қасрида,  
Лек ҳамон умид-ла мени кутасиз.

Биламан, биламан, мени кутасиз,  
Мени ўйлаб, тунлар алам ютасиз.  
Чорасиз кунларнинг охири топмай,  
Ҳаётдан кўзёшда оқиб ўтасиз...

## Мувашиаҳ

Нигоҳидан нур ёғар порлаб,  
Юзларидан томар асал-бол.  
Арши аъло томон кўз чоғлаб,  
Юлдузлардан кутади иқбол.  
Райҳон унинг олдида сўлмиш,  
Қоматидан уятда сарв ҳам.  
Гоҳо сўзлаб, гоҳида кулмиш,  
Меҳр-шафқат руҳига ҳамдам.  
Ишқ кўнглида кўз очгани рост,  
Лайли, Ширин дардидан ортиқ.  
Завқ олади менга қилиб қасд,  
Севги сеҳри қалбига тортиқ.  
Агар сўраб қолсангиз ундан,  
Бахт тилайди кундан ҳам тундан...

## Интизор этдинг мени

Дилрабо, ишқ васлига кўп интизор этдинг мени,  
Қалбима севги солиб, йўлингга зор этдинг мени.

Бир боқиб фикрим олиб, кетдинг танам ўтда ёқиб,  
Не қиларни билмарам, кўнглимни тор этдинг мени.

Ул қаро сумбул сочинг бошим узра дор бўлди-ю,  
Беилож қолдим, нетай, хўп хокисор этдинг мени.

Кўзларинг сеҳри-ла мен ҳеч хушда йўқ, овораман,  
Кечалар рамзингга қул, уйқу бедор этдинг мени.

Минг такаллуф қилдим-у, минг бир сўроқлаб истадим,  
Келмадингки, не сабабдан бунча хор этдинг мени.

## Дилдор келадур эртага

Ошиқ ҳолим сўргали дилдор келадур эртага,  
Кўнглима нур сочгали нурдор келадур эртага.

Интизорман васлига ҳар сония йўлга қараб,  
Сочларин қирқта қилиб, ул ёр келадур эртага.

Қошлари ёй чимрилиб, қалбида ишқ туғён уриб,  
Дилда борин айтгали, бедор келадур эртага.

Тунни кун қилдим кутиб, васфига тенг юлдуз санаб,  
Аммо у хуснижаҳон дийдор келадур эртага.

Тонг билан бир уйғониб, субҳи сабодан сипқариб,  
Ноз уйқуни ҳам тарк этиб, дилдор келадур эртага.





# Инсон: машаққат, матонат, муваффақият

Агар инсоният тарихига назар ташласак, унинг ҳеч бир даври силлиқ кечмаганига амин бўламиз. Шу ўринда ҳаётни “танаффуссиз дарс” деб аташ мумкин. Чунки ҳар қадамда муаммо ва ташвишлар бисёр. Эҳтимол, ҳаёт доим қийинчилик ва заҳматлардан иборат бўлгани учун ҳам инсоният шу бугунги тараққиёт даражасига етиб келгандир.

Руҳиятшуносларнинг таъкидлашича, инсон қийинчиликларга дуч келиб, уларни енгиб ўтиш жараёнида руҳан юксалади. Халқ тили билан айтганда, пишади, чиниқади, тобланади.

Бу ҳолатни наботот оламида ҳам кузатиш мумкин.

Бир танишим “Йўлсоз” ташкилотидан кўп йиллардан бери муҳандис бўлиб ишлайди. Уни ўтгап йили айни ёз чилласида “Жиззах – Ғаллаорол” йўналишидаги катта йўл бўйида учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, асфальтнинг қоқ ўртасидан ёриб чиқиб,

ҳар томонга қулоч ёза бошлаган ажриққа ишора қилиб деди:

– Қаранг, бошқа жой қуриб қолганда, келиб-келиб шу ердан чиқади-я. Мана шу арзимаган ажриқнинг дастидан ҳар гал раҳбарлардан дашном эшитаман. Йўқса, яқингинада, ундан аввал ҳам йўлни ярим метр кавлаб, шу ўсимликни олиб ташлаган, устидан қайноқ асфальт ётқизиб юборган эдик. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, яна эски аҳвол. Бу асфальт тугул, тошни ҳам ёриб чиқаверади.

– Энди нима қилмоқчи бўлаяпсиз? – деб сўрадим.

– Нима қилардик, ажриқнинг томири қаерга бошласа, ўша ергача қазиймиз. Бутунлай қуритишнинг биргина йўли шу, – деди танишим ўсимликка қўлини бигиз қилиб.

Муҳандис билан хайрлашарканман, табиатнинг бундай ақл бовар қилмас ишларидан ҳайратим ортди. Эҳтимол, бунда ҳам бир сир-синоат яшириндир.

Балки, миттигина ўсимликнинг яшаш учун жон-жаҳди билан интилиши ожиз, иродаси бўш баъзи кимсаларга ибрат тариқасида кўрсатилаётгандир. Тагин ким билсин.

Масаланинг қизиқ томони шундаки, яқинда ўша йўлдан ўтишимга тўғри келиб қолди. Атайин машинадан тушиб қарадим. Не кўз билан кўрайки, муҳандис ковлаб, устини асфальтлаб ташлаган жойнинг ён-атрофидан яна ажриқлар ям-яшил бўлиб бўй кўрсатиб турарди. Тавба, дедим ўзимга ўзим. Кўз олдимда терга ботиб, чўкир билан ажриқ илди-зини ковлаётган ишчилар намоён бўлиб, муҳандисга кўнғироқ қилмоқчи бўлдим-у, негадир кулгим қистади...

Бу воқеа бежиз баён этилмади. Ўсимликдан фарқли ўлароқ, она табиатнинг гултожи саналмиш Инсонга ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиш учун ақл-идрок, ирода ва бошқа хусусиятлар берилган.



## Инсон характерининг ўзаги

Замонавий илмий қарашларда ирода инсоннинг фаолият жараёнида юзага келадиган ички ва ташқи тўсиқларни, қийинчиликларни кўра олиш ва уларни енгиш учун ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқариш сифатида талқин этилади. Ирода бўлмаганда эди инсон ё бошлаган ҳар қандай ишини охирига етказа олмаган бўларди ёки умуман, ҳеч қандай ишни бошламаган бўларди.

Ирода туфайли инсон энг қийин ишларни ҳам уддалай олади, ирода кучи ёрдамида энг баланд чўққиларни ҳам, энг чуқур ботиқларни ҳам забт этаверади.

Шу ўринда инглиз ёзувчиси Даниэль Дефонинг “Робинзон Крузо” романи эслашимиз жоиз. Бу асарни деярли барчамиз ўқиганмиз, ҳеч бўлмаса, икки кўринишдаги киноталқинини неча бор томоша қилгансиз. Робинзон Крузо эса 28 йил оролда яшаб инсоний хислатларини йўқотмайди. Бу романнинг асосий қисми ёлғиз инсоннинг кимсасиз оролда ёвуз табиат кучлари билан юзма-юз олушувига бағишланган. Бу курашда қаҳрамон ғалаба қозонади, ёввойи оролни инсон яшайдиган ажойиб маконга айлантиради. У оғир шароитда фақат ўз кучи, ақл-иродасига ишониб иш кўради. Асарда Робинзон бажараётган меҳнат жараёнининг батафсил ҳикоя қилиниши китобхонларда алоҳида ҳавас ўйғотади. Қаҳрамон ўқувчи кўз ўнгида гоҳ тошйўнар, гоҳ деҳқон, гоҳ дурадгор, гоҳ кема-соз, гоҳ ер ҳайдовчи, гоҳ овчи сифатида гавдаланади. Робинзон бу хилдаги ишларни бажарар экан, жуда катта қийинчиликларга дуч келади. Аммо иродаси кучли бўлган Робинзон ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликларни енгади.

## Буюкларни буюк қилган куч

Биласизми, оламга машҳур Д.Менделеев ўз даврида университетга кириш учун кимё фанидан имтиҳондан ўтолмаган. К.Линей эса этикдўзликдан бошқасига ярамайди, дея инкор қилинган эди. А.Эйнштейн ўн беш ёшида қобилиятсизга чиқарилиб, гимназиядан ҳайдалган. Б.Паскал уч ёшида, Р.Декард бир ёшида ҳаётнинг аччиқ зарбаларига дуч келган экан. Ч.Чаплинни ота-онаси беш ёшида етимлар уйига ташлаб кетишган. Хўш, бу инсонлар буюклик даражасига қандай қилиб ва ниманинг эвазига эришди? Ирода кучи ва яна бир бор ирода кучи ҳисобига десак, муболаға бўлмайди.

И.Ньютон бир куни шундай деган экан: “Охирги пайтлари жуда дангаса бўлиб кетаяпман-да, кеча, шу десангиз, кечкурун соат ўн бирда уйкуга ётиб, эрталаб саккиз деганда ўрнимдан турибман”. Бу гапларни буюк олим 85 ёшида,



вафотидан бир неча ҳафта аввал айтган эди.

Астрономлар Иоҳан Кеплернинг номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар. Бу инсоннинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун ибрат мактабидир. И.Кеплер қийин ҳаётни бошдан кечирди. 4 ёшида чечак билан касалланиб, мўжиза туфайлигина тирик қолади. 13 ёнида яна бир бор ўлим ёқасидан қайтади. Отаси майхона соҳиби бўлиб, уни ўша ерда мажбуран ишлатарди. Бундай отадан қандай тарбия олиш мумкин?!

Кеплер 26 ёшга кирганида уйланади, бироқ тез орада хотинининг тутқаноқ касали борлиги маълум бўлади. Янада ачинарлиси, у ота сифатида ўз фарзандини қабрга қўйишдек оғир мусибатни бошдан кечиради. Ана шундай синовлар Кеплер пешонасига битилган экан-да. Бироқ бу кўргиликларга қарамай, у ўз мақсади сари олдинга интилди. Сайёраларнинг ҳаракатланиш қонунларини кашф этган буюк олим бўлиб етишди. Унинг номи абадулабад тарих зарварақларига битилди.

Бундан шуни англаш мумкинки, биз ҳурмат қиладиган ана шундай буюкларнинг ҳаёти ҳам силлиққина кечмаган. Улар қийинчиликларни енгиш учун ўзларида куч топа олишган, руҳан жуда кучли бўлишган. Хўш, биз-чи? Арзимаган қийинчиликлар олдида қачонгача довдираб қоламиз? Ҳар қандай вазиятда ўзимизда куч, ирода топа билиш ва олға интилиб яшаш зарурлигини қачон англаб етамиз!

**Меҳринисо РАСУЛОВА**



**Антон ЧЕХОВ**

# Ит билан сухбатлашган одам

Ҳикоя

Тун ойдин, ҳаво изғиринли эди. Алексей Иванович Романсов яшил устунни суриб, ҳовли эшигидан оҳиста кириб келди.

– Одамзод...чанг тўзон, кукун, кул!! – дея фалсафа сўқиб, ахлат челақлар атрофида айлана бошлади ва эҳтиётлик билан тўхтади.

Павел Николавич – губернатор, аммо... уям кукун Бари бир. Бир ҳовуч кукун. Маҳобатини кўрсанг нақ рўё, тутунга ўхшайди. Бир пуфласанг... у ҳам йўқ.

– Рррр...

Файласуф кутилмаганда кулогига чалинган бу товушдан сергак тортди.

Романсов атрофга аланглаб, ўзидан икки қадам нарида ётган ҳайбатли қора итни кўрди. Унинг насли чўл овчаркасидан бўлиб, бўрисимон ҳаётга ўрганган эди. Ит ҳовлининг қоровулхонаси ёнида занжирини шақирлатиб ўтирарди. Романсов итга тикилиб, хаёл суриб қолди. Сўнг юзида ҳайрат белгисини акс эттиришга уринди. Кейин эса елкасини қисиб, бошини чайқади ва аянчли кулимсиради.

– Рррр... – дея ит яна ирриллади.

– Т-тушунмаяпман! – деб қўлини қулочлади Романсов. – Сен

ҳам... сен ҳам одамларга қараб иррилляпсанми, а? Бунақасини энди кўриб турибман. Худо урсин... Сен қай гўрдан билардингки, одамни мўъжизалар ичидаги гултожлигини. Қара. Ёнингга бораман... Мана кўр... Одамманми ахир? Нима деб ўйлайсан? Мен одамманми ё йўқми? Англат!

– Рррр... Вов!

– Қўлимни тегизай! – деб Романсов итга қўлини чўзди. – Қўлим билан ушлаб кўраман! Йўқми? Хоҳламайдиларми? Керагиям йўқ. Майли, эслаб қоламан. Ҳар ҳолда, юзингиздан ушласам бўларди... Мен қизиқ-а...

– Вов! Вов! Ррр... вов! Авов!

– Аааа...тишламоқчиман де? Жуда яхши. Бўпти. Шундай эслаб қоламиз. Демак, одамзод тирик жонзотларнинг гултожи эканига тупурияпсан... шунақами? Демакки, Павел Николаични ҳам тишлай оласан, тўғрими? Уни олдида ҳамманинг тиззаси ер ўпади-ю, сенга Бари бир экан-да? Нима у сен учун оддий буюмми? Сени англадимми? Ҳааа... Сен социалист бўлсанг керак! Шошма, жавоб бер-чи, социалистмисан?

– Ррр... Вов! Вов!

– Тўхта, тишлама... Нима ҳақда сўйлаётувдим?.. Э ҳа, кул тўғрисида эди. Пуфлайсан ва қарабсанки, у йўқ! Пуфф!.. Аслида, яшашдан маъно нима деган савол туғилди? Касалманд онадан туғиламиз, улғайиб юра бошлаймиз, еб-ичамиз, билим оламиз, ўламиз... бундан нима маъно? Сароб! Инсоннинг сариқ чақалик қиймати йўқ! Мана, сен итваччага Бари бир, ҳеч балони тушунмайсан, агар юракка йўл топа олсанг эди! Қани эди, руҳият нималигини билсанг!

Романсов бошини айлантириб, атрофига тупуриб қўйди.

– Жирканчлик... Мана мен, коллеж котиби Романсов... сенингча табиат ҳукмдориманми. Адашасан! Мен текинхўр, порохўр, иккиюзламачиман! Аблахман мен!

Алексей Иванович кўкрагига муштлаб, йиғлай бошлади.

– Чақимчи, ғийбатчи... Егор Корнюшкинни ким туфайли ишдан ҳайдашди, сенингча? А? Комитетнинг икки юз сўм пулини ким ўзлаштирди, Сургучовни ким ўрнидан йиқитди? Мен эмасми ахир? Разил, мунофиқ... Яхудий! Лаганбардор, судхўр... аблах!

Романсов қўли билан кўзини артиб, хўнграб турди.





– Тишла! Кемир! Умр бўйи ҳеч-ким менга бамаъни сўз айтмаган... Ҳамма ич-ичидан мени пасткаш деб ҳисоблайди, кўзидан билинади, фақат кулгулари сохта!.. Ниҳоят биров юзимга соляпти, урушяпти! Э, кучук, тишла мени! Тавқи ланъатни суғуриб ташла! Хоинни бурдалаб ташла!

Романсов энгашиди-ю, ўзини итни устига ташлади.

– Шундай, ана шундай! Башарамни бузавер! Ачиниш йўқ! Оғриқ бор, аммо аяма. Мана, қўлимниям тишла. Ҳа, қон оқяпти! Шундай! Мерси, Жучка... отинг шунақами? Мерси... Пўстинимниям йирт. Ҳаммаси бир гўр, порага келган. Яқин одамимга сотқинлик қилиб, кейин уни қутқардим. Шу пулга олдим пўстинимни. Нишонли фуражкамниям... Нима демоқчи эдим ўзи? Бўпти энди борақолай... Алвидо, кучуквой... ярамасвой.

– Рррр.

Романсов итга термулиб турди ва яна ўзини тишлатиб олди. Ва пўстинига ўраниб, гандираклаганча уйи томон кетди...

Эртаси куни пешин пайтида кўзини очган Романсов ажиб бир ҳолатнинг шоҳиди бўлди. Боши, қўллари ва оёқлари ўраб, чирмаб ташланганди. Каровати ёнида эса йиғлаётган хотини ва жонкуяр доктор ўтирганди.

Русчадан  
**Темур ТАНГРИБЕРГАНОВ**  
таржимаси

## Қирқиб гапирмайсизми?

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир камбағал бой қўшниси билан тортишиб қолибди. Бой ўзининг ноҳақлигини ичида яхши англаса-да: “Шунча молу-дунём бўла туриб, зўрға кун кечираётган бир ялангоёқ менга гапини ўтқазса, неча пуллик обрўйим қолади”, деган фикрда ён бермабди. Камбағал ҳам ўзича: “Қўшним бой бўлса – ўзига. Мен ҳақман-ку”, деб ўйлаб шаштидан тушмабди. Ниҳоят, орани очиқ қилиш учун қозига боришга аҳд қилишибди.

Камбағал, қозининг ҳузурига боришдан олдин шундай ўйлабди: “Мен ҳақ бўлсам ҳам, томоғини ёғламасам, қози, Бари бир бойга ён босиши мумкин. Яхшиси, аввалроқ яширинча қози ҳузурига бораман-да, юз берган келишмовчилик сабабини айтиб, ишни адолатли ҳал этишини сўрайман”. Шундай мулоҳаза юритган камбағал қозига олдиндан 40 танга бериб қайтибди.

Бориб арз қилсалар, қози камбағалнинг даъвосини тўғри топишини, оқибатда обрўсига пуртур етиши, эшитган-билган “Бир ялангоёққа зўри етмабди-да”,

дейишини ўйлаб, бой ҳам қозига хуфёна 100 танга бериб, эвазига можарони ўзининг фойдасига ҳал қилишни сўрабди.

Қарабсизки, қозининг ҳамёнига 140 танга осонгина тушиб турибди-да! “Ишни пайсалга солиб тўрт-беш бор овора қиламан, – дея ўзича режа тузибди икки ўт орасида қолган қози. – Кейин бойнинг даъвосини тўғри деб топаман. Камбағал гап қўзғағудек бўлса, жазога буюраман. Қозихонага қайта оёқ босмайдиган қиламан. Камбағал норози бўлиб қаерга ҳам борарди? Арзу додини ким ҳам эшитарди? Хў-ўш, энди 140 тангага қозикалонга зарбоф тўн совға қилиб, ўғилга саман от ҳам олиб бераман. Кўпдан бери айтиб юрганди. Отасининг сояя давлатида мазза қилиб минсин! Қолганига айшу ишрат қиламан...”

Шу тариқа қози хаёлан текин луқмани қайси мақсадларга сарфлаш режасини тузиб қўйибди.

Эртаси низолашган икки қўшни қози ҳузурига келибди. Қози уларни худди биринчи бор кўриб тургандек арзу додларини обдон тинглабди. Тафсилотларни миждовланиб қайта-қайта сўрайвергач, ниҳоят камбағалнинг сабри тугабди. “Қози қирқ танга берганимни эсламаяпти, шекилли”, дея шаъма қилиб:

– Тақсир, қирқиб-қирқиб гапирмайсизми? – дебди.

– Сиз шундай дейсиз-да, ўртада юз-хотир бор, – дебди қози...

Шу тариқа бойга ҳам берган ваъдаси ёдидалигини билдириб, уни ҳам хотиржам қилган экан...



# Эзгулик эскирмайди, унутилмайди

*Ёш носир Искандар Акромийнинг  
"Хоч ва тиг" романи ҳақида*

Яқинда Ёзувчилар уюшмасида бир роман муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама жуда қизгин, кескин баҳсу мунозараларга бойлиги билан шу каби бошқа тадбирлардан буткул ўзгача руҳда кечди. Бу асар ёш ёзувчи Искандар Акромий қаламига мансуб "Крест и скальпель" ("Хоч ва тиг") романи эди.

Аввало, қарийб етти юз бетлик залворли роман ёзган муаллифнинг ўзи – 18 ёшли навқирон йигит муҳокамага йиғилганлар диққатини тортди. Қолаверса, асар мавзуси ҳам гўё унинг "ёшига мос эмас" – Тошкентда яшаб ўтган атоқли жарроҳ, кейинчалик насроний динининг проваслав оқими руҳонийси авлиё Лука (Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий)нинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эканлиги янада қизиқ!

Муҳокамада ўзбек, рус ва бошқа миллатларга мансуб таниқли қаламкашлар иштирок этишди. Жумладан, насроний проваслав мазҳаби билимдонлари ва Тошкент ислом университетининг таниқли мударрислари ҳам жам бўлишди. Табиийки, анжуман қатнашчиларининг аксарияти романни салкам "ҳижжалаб" ўқиган, бинобарин, бундай катта ишга

журъат этган "тирмизак бола"га хато ва камчиликларини кўрсатиб қўйиш, тегишли "сабоқ" бериш истаги ҳам йўқ эмас эди! "Нафис мажлис" қатнашчиларининг фикрлари, ҳатто танқидларини тинглаш – ёш муаллиф учун ҳам шараф. Романнинг тили, услуби, бадиий савияси, мавзунинг долзарблиги, унда ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг тарихий ҳақиқатга мослиги – булар ҳақидаги фикрлар ёш муаллиф учун қанчалик муҳим бўлса, муҳокамада йиғилганлар учун ҳам шунча қизиқарли бўлди.

Хўш, ислом динига эътиқод қилувчи ёш қаламкаш, ўз асари учун нега айнан проваслав руҳонийси ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мавзунини танлади?

Жарроҳ Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий (авлиё Лука) ким эди? Савол кўлами "торроқ" бўлса-да, Бари бир ҳаёлимиздан ўтади: бу шахснинг юртимизга, ўзбек ўқувчиларига қандай "яқинлиги" бор?!

Дарров тан оламиз: буюк истеъдод соҳиблари, кароматгўй инсонлар – миллати ва динидан қатъи назар, бутун инсониятга баб-баравар тааллуқли саналади. Масалан, жаҳоншумул улуғ бобо-

ларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Хоразмийлар, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида асарлар ёзган турли миллат вакиллари санаб саноғига етиш қийин!

Шу нуқтаи назардан қараганда, Искандар Акромий қаламга олган Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий шахсига бўлган қизиқишимиз янада ортади.

"Крест и скальпель" ("Хоч ва тиг") – атоқли шифокор, юзлаб инсонларга нажот бағишлаган жарроҳ, ҳудожўй зот, Туркистон университетининг тиббиёт факултети, сўнгра машҳур ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) ташкил топишида катта хизматлари сингган олим ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий-ҳужжатли романдир.

Ўзига хос ҳодиса рўй берди, деса бўлади – ўзбек адабиётида насроний авлиё, руҳоний (архиепископ) ва маҳоратли жарроҳ-табиб ҳақида бадиий асар – роман дунёга келди. Қизгин кечган илк муҳокамадаги каби, яқин келгусида роман ҳақида адабиётшунос олимлар ва оддий ўқувчилар ҳам ўз фикрларини билдирадilar, деб ўйлаймиз. Зеро, ёзувчи учун



оддий китобхон – энг одил ҳакам саналади.

“Хоч ва тиг” романи қандай жиҳатлари билан ўқувчи эътиборини жалб этади? Аввало, муаллифнинг мавзуга чуқур кириб борганлиги, жуда кўп манбаларга мурожаат қилганлиги диққатни тортади. Хусусан, асарда Муқаддас Калом (Инжил) ва Қуръони каримдан кўплаб иқтибослар келтирилган. Асарнинг бу хусусиятларини баҳолаш – илоҳиётчи мутахассисларга (мусулмон ва насроний дини олимларига) тан.

Романнинг бош қаҳрамони – Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий (авлиё Лука). У 1877 йили Керч шаҳри (Қрим)да, художўй инсон оиласида дунёга келган. Оддий халқ ичидан чиққан, олий маълумот эгаллаб, атоқли мутахассис бўлиб етишган. Маълумотларга қараганда, Войно-Ясенецкийлар шажараси XVI асрдан бошлаб манбаларда қайд этилган. Отаси – кичик дорихона сотувчиси, ўз фарзандларига яхши таълим-тарбия берган эди. Кўп ўтмай, Войно-Ясенецкийлар оиласининг Керчдан Киевга, аниқроғи, кўҳна Киев-Печора Лавраси қадимжоси яқинига кўчиб бориши ўсмир Валентин ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Валентин ҳар нарсага қизиқувчан ва ўқувли бола, яхшигина расм ҳам чизар эди. Касб танлашда узоқ ўйланди: рассомлик – яхши, меъморлик ҳам ёмон эмас ёки ҳуқуқшунос бўлсамикан? Билим юртлари бошқармаси директорининг доно ўғити, ниҳоят, унинг ҳаёт йўлини белгилади. “Энг асосийси – оддий халққа фойданг кўпроқ тегсин”, дея кўп такрорларди у. 1898 йили Валентин Войно-Ясенецкий Киев университетининг тиббиёт факултети талабаси бўлди.

Яратганнинг ўзи ато этган истеъдод ҳар қандай шароитда ҳам бўй кўрсатади. Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий тез орада кўли енгил шифокор, ўз ишининг

устаси бўлиб танилди. Ёш бўлишига қарамай сўзамол, одамларни ўзига тортувчи фавкуллода бир қобилият унда зоҳир эди. Одамлар унинг сўзларидан ҳам шифо топишарди. У беморнинг танаси билан бирга руҳиятини ҳам даволар эди.

XX аср бошлари. Валентин Михайлович Войно-Ясенецкийлар оиласи кўп қатори оддий ҳаёт кечирган. Ўқишни тугатгач, Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий касби тақозоси туфайли Тошкентга келади. У пайтлари олий маълумотли шифокорларга эҳтиёж жуда катта бўлган. Шаҳар марказий шифохонасида бош жарроҳ вазифасида ишлади. Меҳнат, машаққатлар, оила, севги, ғам ва қувончлар, одамлар оғирини енгил қилиш... Ҳаёт бир маромда давом этарди. Жарроҳ ва руҳоний Войно-Ясенецкий ҳар куни ва ҳар жойда одамларга зарур, уларга ёрдам берар эди. Айни бир пайтда у қомусий билимлар соҳиби ҳам эди.

Туркистон ўлкаси ва Тошкент шаҳри Войно-Ясенецкий тақдирида ўчмас из қолдирди. Шу шаҳарда у катта шифохонани бошқарди, илмий изланишлар олиб борди, Туркистон университетининг топографик анатомия ва тезкор жарроҳлик кафедраси профессори бўлди, руҳонийликка ўтиб, Тошкент ва Туркистон метрополити бўлди. Шу шаҳарда аламли, изтиробли кунларини ҳам кечирди – 30-йилларнинг терговлари, тинтув, қамоқ ва сургунлари...

Тошкентда мусулмон аҳоли шифокор Валентин Михайлович Войно-Ясенецкийни севар, “ўрис табиб” деб хурмат билан тилга олар эди. Одамларни севиш, уларнинг машаққатини енгиллаштириш асло миллат ва динга боғлиқ эмас. Тошкентда Войно-Ясенецкийнинг мусулмон дўст-биродарлари жуда кўп бўлган. Улар орасида атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий, йирик сармо-

ядор Саидносир Миржалилов ва кўплаб бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Роман муҳокамаси чоғида буюк адиб Абдулла Қодирийнинг набираси, адабиётшунос олим Хондамир Қодирий отаси Ҳабибулла Қодирийнинг Войно-Ясенецкий кўлидан шифо топганини гапириб берди. Бу ҳақда Ҳабибулла Қодирийнинг “Отамдан хотира” китобида шундай ҳикоя қилинган: “Имтиҳонлардан ўтиб, Тошкент медицина институтига ўқишга кирдим. 1937 йил биринчи сентябрдан ўқишлар бошланиб кетди. Бироқ икки ой ўқир-ўқимас, яна эски бел оғриғи касалим зўрайди. Баъзи докторларнинг маслаҳати билан машхур рус профессори, хирург Войно-Ясенецкий қабулига кирдим. Войно-Ясенецкий олти миш ёшлардаги салобатли киши эди. Мени текшириб кўриб, “Эртага даданг билан кел”, деб буюрди. Эртасига дадам билан қабулига бордик. У мени ташқарига чиқариб, дадамга: “Ўғлингизнинг касали оғир, унда умуртқа суяк сили хасталиги бор. Агар олди олинмаса, букри бўлиб қолиши мумкин. Давоси фақат тахтакач – гипсда камида олти ой ётиш...” дебди.

Профессор маслаҳати бўйича ўқишдан бир йилга касаллик таътили олиб, ноябрь ойларида гипс – тахтакачга ётдим. Тахтакачда ётиш, албатта, оғир эди... Дадам уйимизнинг биринчи қаватида турар, мен иккинчи қаватда ётар эдим. У киши тез-тез чиқиб мендан хабар олиб, зерикмасин деб турли бадий, тарихий, илмий китоблар келтириб берар, ёнимда суҳбатлашиб ўтирар эдилар...” (Ҳабибулла Қодирий. “Отамдан хотира”. “Янги аср авлоди”, 2004 й.)

Юқорида айтилганидек, Валентин Михайлович Войно-Ясенецкий Туркистон ўлкасидаги биринчи университет (ҳозирги ЎЗМУ) профессори, дунёга машхур олим, руҳоний, ўлка христианларининг бош руҳонийси – Тошкент ва Тур-

кистон митрополити, архиепископ рутбаси соҳиби эди. Юртимизда бугун ишлаб турган шифобахш сув ва балчиқли санаторийлар, силга қарши даволаш муассасаларининг аксарияти буюк шифокор Войно-Ясенецкий ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари орқали ишга тушган.

Валентин Михайлович юртимизнинг чекка қишлоқлари бўйлаб мунтазам сафарларда бўлиб, аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишларини олиб борар, йирингли яралар ва юқумли касалликларни даволар эди. Ул зот одамларга муносабатда миллат ва дин танламас, сиёсий ихтилофлардан доимо юқори турарди. Аллома ҳаётдаги асосий қадрият – Яратганга эътиқод билан, инсонлар ҳаёти ва соғлиғида, деб биларди. Войно-Ясенецкийнинг уйи муҳтожлар учун доимо очиқ бўлган. Ҳовли дарчасида: “Бу ерда текин таом берилади” деган ёзув осиглиқ турарди. Турли дин вакиллари, ҳатто ўша пайтларда кўпайган даҳрийлар ҳам ҳазратдан турли масалаларда ёрдам сўраб боришар ва ҳеч ким ноумид қайтмас эди.

Афсуски, 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг сокин фаолият барҳам топди. Россия империясининг марказий шаҳарларидаги ғалаёнлар кўп ўтмай Тошкентга ҳам етиб келди: унда-мунда ўқ овозлари эшитила бошлади. Азалий тузум, тоифалар ва мавжуд тартибларнинг ўзгаришига тоқат қилса бўлар, аммо инсон руҳининг тиргаги бўлмиш иймон-эътиқодга қарши бошланган тажовузлар жуда оғир эди. Бу тажовузлар руҳоний-шифокор учун оғир шароитларда кечаю кундуз тинимсиз ишлашдан ҳам кўра беҳад машаққат эди. Эътиқодидан кечмаган руҳоний Войно-Ясенецкий 1917 йил “октябрь революцияси” деб аталмиш давлат тўнтаришидан сўнг ана шундай тазйиқ ва тажовузларга дуч келди.

Бадий адабиётда олимлар сиймосини яратиш осон эмас.

Ёзувчи асарга материал тўплаш жараёнида кўплаб илмий атамалар, терминларга, илмий доирага хос воқеа-ҳодисалар, тафсилотларга дуч келади. Уларни маълум кетма-кетликда баён этган тақдирда ҳам, энг камида ўқувчини зериктириб қўйиши ҳеч гап эмас! Муаллиф гўё рассом, у бадий сўз жилваларини, катта имкониятларини ишга солиши муҳим. Бизнингча, Искандар Акримий бунинг уддасидан чиққан.


Романда уч динда эъзозландиган Дониёл пайғамбар ҳақидаги боблар ўқувчида алоҳида қизиқиш уйғотади. Маълумки, Самарқандда ушбу зот номи билан боғлиқ зиёратгоҳ-қадамжо мавжуд. Муаллиф бу ҳақдаги машҳур ривоятни – Соҳибқирон Амир Темурнинг улуғ авлиёларга, жумладан, Дониёл пайғамбарга эҳтироми, Шом сафаридан қайтишда пайғамбарнинг хокини ўз пойтахтига келтиргани ҳақидаги тафсилотларни эсга олади.

... “Хоразм замини дунёдаги барча дин вакиллари учун алоҳида қадрлидир, – деб ёзади муаллиф. – Чунки айнан шу тупроқда пайғамбар Иов ўзининг изтиробларини бошдан кечирган, ирода кучи ва жасоратини, Яратганга бўлган буюк садоқатини намоён этган. Мусулмонлар ул зотни Айюб алайҳиссалом деб атай-

дилар. Айюб алайҳиссаломнинг Урганчдаги қабрига бутун дунёдан насроний, мусулмон ва яҳудий динларига мансуб зиёратчилар келишади”. Бу сатрлар кишини узоқ тафаккурга ундайди...

Романда ислом ва христиан динлари ўртасидаги ўзаро бағрикенглик ва ҳурматга асосланган алоқаларни кучайтиришга хизмат қилувчи қизиқарли маълумотлар келтирилади. Масалан, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) атрофидаги христианлар ва улар ҳақида жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг айтган ибратли гапларидан иқтибослар берилган.

Роман муталааси давомида, бош қаҳрамон сиймоси яққолроқ очила боргани сари, беихтиёр миллий тарихимиз ва ўзбек мумтоз адабиётида унинг ўхшашини излашга тушасиз. Касб-ҳунар соҳиби, умрини одамлар учун холис хизматга бағишлаган, элга келган бало-қазоларга мардларча кўксини тутган инсонпарвар зот... Беихтиёр, “Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин”, деган улуғ ҳикмат эсга тушади. Ҳа, улуғ мутасаввуф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг боқий ҳикматлари замон ва макон, ҳатто дин ва миллат ҳам танламайди. Авлиё Лука (Войно-Ясенецкий) ҳаёти – бунга яққол мисол бўла олади.





Войно-Ясенецкийнинг моҳир нотиклиги, ўз фикрини аниқ-тиниқ ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган алпозда қатъий баён этиш қобилияти унинг рақибларини доимо чўчитарди. Унинг бир суд мажлисида терговчи билан ўтказган мусохабаси жуда машҳур. Тошкент шаҳар судида сохта уюштирилган “Врачлар иши” устидан тергов жараёнига Войно-Ясенецкий эксперт-жарроҳ сифатида чақирилади. Шафқатсизлиги ва найранглари билан ном чиқарган Петерс исмли терговчи бу “иш” дан кўргазмалари айблов жараёни ясамоқчи бўлади. Судда Войно-Ясенецкийнинг хулосаси ўз ҳамкасбларини отувга ҳукм қилинишини тезлатарди, холос. Аммо олим терговчининг далилларини пучга чиқариб ташлайди. Мўлжали тескари натижа бераётганини кўриб тутоққан Петерс энди бевосита жарроҳга ташланади:

– Поп ва профессор Ясенецкий-Войно, сиз тунлари ибодат қилиб, кундузи одамларни сўясиз, шундай эмасми?

– Мен инсонлар соғлиги йўлида уларнинг танасига тиф теккизаман. Сиз-чи, сиз нима мақсадда уларни сўясиз, ўртоқ жамоат айбловчиси?

Залда қаҳқаҳа ва олқишлар янгради. Петерс яна хужумга ўтди:

– Ўзини кўрмасдан туриб Худойингизга қандай ишонасиз, поп ва профессор Ясенецкий-Войно?

– Ҳақиқатан ҳам, мен Худони кўрмаганман, ўртоқ жамоат айбловчиси. Аммо кўп марта жарроҳлик амалларини ўтказдим, одамларнинг бош чаноғини очганимда, “ақл”, “виждон” деган нарсаларни ҳам кўрганим йўқ.

Суд раисининг кўнғироғи зални тутган қаҳқаҳа остида эшитилмай қолди. Шу тариқа, “Врачлар иши” шармандаларча барбод бўлди...

Эътиқодидан чекинмаган, даҳрий таълимот ҳамда унга асосланган сиёсатни тан олмаган олим ёш шўро давлати учун ўта хавфли

шахс саналарди. Шу боис 1923 йили Лука (Войно-Ясенецкий)га ўша даврда “урф” бўлган “аксинқилобий фаолият” (“контрреволюционный деятельность”) деган айблов қўйиб, ҳибсга олишади.


Дин ва эътиқодга қарши хуржлар тобора авжига чиқаётган эди. Войно-Ясенецкийнинг эса шундай қалтис замонда нақ “айби бўйнида” – унга бир ҳафта бурун диний қоидалар бўйича епископ рутбаси берилган эди. Бу фитна ўн бир йиллик қамоқ ва сургунларга уланиб кетди...

Войно-Ясенецкийни чет эл разведкаси жосуси, дея айблашади. Кириллов деган терговчи, “Бу епископ Ватикан фойдасига жосуслик қилган”, деган айбни ёпиштироқчи бўлади. Афсуски, қип-қизил тухмат ва бемаъни сафсатадан иборат бу каби айбловлар ўша даврда росмана қабул қилинган, бегуноҳ инсон ҳаётини барбод этиш учун кифоя бўлган.

Ҳазрат Лукага фарзандлари билан видолашиш учун рухсат беришади. Поезд пишқириб, Сибир томон жўнашга шайланади. Аммо... ярим соатга яқин ўрнидан кўзгала олмайди: оломон ўзининг ғамхўри, маслаҳатгўйи ва халоскори бўлган ҳазратни Тошкентда олиб қолиш умидида рельсларга ётиб олган эди...

Икки-уч ойлаб тинимсиз қийноқларга солинган айрим руҳонийлар кўпинча онги-шуури ва иродасидан мосуво бўлар, сўнгра бир-бирларига қарши сохта кўрсатма беришга мажбур бўлишарди. Шундайлардан бири, протоиерей Михаил (Андреев) ниҳоят Войно-Ясенецкийга қарши сохта кўрсатма бера бошлади. Унга онги ва иродасидан жудо бўлган бошқа маҳбуслар ҳам қўшилади...

Ажабки, ўнлаб шўрпешона соткинларнинг ёлғон гувоҳлиги Войно-Ясенецкийнинг букилмас иродаси олдида чил-парчин бўлади. Бундай қабиҳ усул орқали уни



айбига иқрор қилишнинг имкони бўлмайди. Жонини асраш умидида ёлғон гувоҳлик берганларнинг бариси отиб ташланади.

Тақдир тақозоси билан сургунда юрган ўнлаб маҳбуслар епископ Луканинг енгил қўлидан шифо топишарди. У деярли ҳеч қандай жарроҳлик асбобларисиз хасталарга нажот бағишлар эди. Ҳатто ўғрилиқ ва босқинчилик туфайли қамалган ҳақиқий жиноятчилар ҳам унинг олдида мулоим тортиб, итоатда бўлишарди.

Войно-Ясенецкий сталинча қаттол ГУЛАГ лагерларининг жуда кўпларида ноҳақ жазо муддатини ўтади. Қаерда ва қандай шароитда бўлмасин, инсонийлик ва гурурини бой бермади, ундан ёлғон далил олишнинг имкони топилмади. “Яратганнинг суди – энг Олий суд, ундан қочиш ёки алдашнинг имкони йўқ, фақат ундан кўрқиш керак”, дея такрорларди у.

Романда шу каби юксак инсоний фазилатлар улуғланган лавҳалар кўп. Инсонларга хизмат қилиш, ўз касбини мукаммал эгаллаш, ҳалоллик ва эътиқод каби боқий кадриятлар дини ва миллатидан қатъи назар, барча инсонлар учун ардоқлидир. Муваффақиятли жарроҳликдан сўнгра Войно-Ясенецкий соғая бошлаган беморга: “...Бу мен эмас, Яратганнинг Ўзи менинг қўлим билан сизга шифо бахш этди...” дерди.

Китобда художўй жарроҳ ҳаёти мисолида собиқ шўро тузумининг энг мудҳиш қатағонлари, халқлар бошига солган кулфатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Айтиш мумкинки, Инсон ва унинг эътиқоди, кадр-қимматини улуғлаш – роман бўйлаб ўтган бош ғоядир. Шу мақсадда кенг қўламли маълумотлар жамланган. Адабиётшунослар фикрича, яхши бадиий асарда ёзувчини илғаш қийин – у воқеа-ҳодисалар қатига сингиб кетади. Шу боис ҳамма “юмуш” ўқувчининг ўзига “юкланади”, у гўё қаҳрамонлар ҳаётида яшайди, бирга қувониб, изтиробларига шерик бўлади...

Даҳрий тузум қатағонлари, унинг инсонлар бошига солган кулфатлари кенг тасвирланса-да, роман хайрли яқунланади. Фожевий воқеалар қатида ёруғ кунларга бўлган умид-ишонч бўй кўрсатиб туради. Бизнингча, бу муаллиф томонидан сунъий ўйлаб топилган усул эмас. Искандар Акримий ҳикоя қилган Инсон тақдири ана шундай эди. Ҳаёти давомида дўзахий азоб-укубатларни бошидан кечирган қаҳрамонга Яратган узоқ умр ато этди – 83 ёшни қаршилаб, сўнг боқий дунёга хотиржам йўл олди.

– Ҳаётингиздан розимисиз? – деган саволга Войно-Ясенецкий дарҳол:

– Ҳа, ҳа! Албатта розиман. Ҳаётим энгил, фавқуллодда энгил ўтди, – дея жавоб берган.

Ўйланиб қоласан: умри укубатда ўтган алломанинг бу сўзлари самимийми?

Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, бу – самимий айтилган сўзлардир. Ахир, “Тақдирнинг яхши-ёмони – Яратганининг изи билан, бандасининг иши эса розилик ва шукроналикдир”, деган ўғит ислом ақидалари ва тасаввуф илмида ҳам муҳим



ўрин тутати. Войно-Ясенецкий “Динлар турлича бўлгани билан, Яратгучи – биттадир”, деган гапни доимо такрорлар экан...

Романда бугунги ўқувчи учун биров ғайритабиий бўлган яна бир ҳолат кўзга ташланади: бош қаҳрамон тирикчилик, уй-рўзғор ва бола-чақа боқиш ташвишлари йўлида асло куйинмайди, шу мақсадда ўзини ўққа-чўққа уришини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Шундай бўлиши мумкинми? Албатта, буюк зотлар дунёвий ташвишлардан доимо баланд турадилар. Ҳа, буюк инсонлар ҳаётида бу каби манзаралар – одадий ҳолдир. Шу ўринда Туркистон элининг улуғ машойихи Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари эсга тушади:

*Дунё учун ғам ема,  
Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема,  
Сирот узра тутаро.  
Аҳли аёл, қариндош,  
ҳеч ким бўлмайдӣ йўлдош,  
Мардона бўл, ғариб бош –  
умринг елдек ўтаро...*

Албатта, ёш муаллифнинг илк романи айрим камчиликлардан холи эмас. Баъзи ўринларда қўшимча тафсилотлар чўзилиб кетгандек. Масалан, муқаддас

китобларда баён этилган ҳазрати Айюб ва Дониёл қиссалари бир неча саҳифаларга чўзилган. Инжил китобидаги ақидалар ва олинган иқтибосларга ҳам баъзи жойларда жуда кўп ўрин берилган. Романининг айрим саҳифаларида ўқувчи бадиий асар ўқиётгандек эмас, гўё диний маъруза тинглаётгандек бўлади.

Ўн саккиз ёшли ёзувчининг илк романи! Очигини айтганда, бу ёшдаги йигитнинг илмий, ҳужжатли, бадиий, диний... мавзудаги катта асар ёзишга журъат қилиши ҳам – ҳайратомуз ҳол. Роман жуда салмоқли. Мавзу қизиқарли, адабнинг ёзиш услуби раво, лекин бундай залворли китобни мутолаа қилиш жараёни унча-мунча ўқувчини жисмонан чарчатиб қўяди. Бу каби катта асарларни бир неча жилдларга бўлиш, ҳар бир боб ва бўлимга сарлавҳа қўйиш каби усуллар улуғ адиблар ижодида кенг қўлланилган. Шундай қилинса, ўқувчи наздида асар анча “енгиллашгандек” таассурот қолдирарди.

Мустақил юртимизда барча инсонлар дини, ирқи, миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар, ўзаро тенглиги, бирдек эъзозланиши ва ҳурмат қилиниши Бош қомусимизда белгилаб қўйилган. Бу фақат ҳужжатларда эмас, балки амалда ҳам бардавом, энг катта ютуқларимиздан бири эканлиги қувонарлидир. Ёш адиб Искандар Акримийнинг романи улуғ кадрият – эътиқод, инсонпарварлик, диний бағрикенгликнинг амалдаги яққол ифодаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

**Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ,**  
журналист  
**Абдуҳаким ФОЗИЛОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси.



# Қирқ йил илгари

Ҳажвия



**Азиз НЕСИН**

Бу Сивас туманларидан бирида бўлиб ўтган. Адвокат Ибо воқеанинг гувоҳи бўлганини тасдиқлайди, одамлар эса у ҳаммасини ўйлаб топган, дейишади. Менимча, адвокат Ибо чиндан гувоҳи бўлганми ёки ҳаммасини ўйлаб топганми муҳим эмас, воқеа жуда қизиқ.

Ха, майли, Ибонинг ҳикоясига ўтайлик.

Қиш кирди. Сиваснинг шафқатсиз қиши... Уйларнинг томида икки метрга яқин қор тўпланди. Бу қор деб аталган нарса ёғаетганда момикдай енгил, тушгандан кейин эса тошдан ҳам оғир. Шунинг учун ҳар қор ёғиши билан, вақт ўтказмай, қотиб қолмай тозалаш керак. Ҳикоя қилинаётган одам қордан тозалаш учун томга чиққан эди. Унинг ёши олтмишларда эди. Қарияни томга чиқишга нима мажбур қилди дурсиз... Ҳа, у нимаям қилсин? Кичик ўғли харбий хизматда, каттаси хорижда, қизи эса ишчи эри билан Германияда ҳолдан толдирадиган ишда. Хотини ҳақида нима ҳам дейиш мумкин, унда етмиш хилча касаллик.

Шундай қилиб, бошқа чораси қолмаганди, томга ўзи чиқиши зарур эди. Ҳар қалай, кундузи чиқса

бўларди, аммо у тунда чиқди. Шундай бўлди... Бутун кун давомида қор ёғиб турди. Фақат тунга бориб тинди. Ой чиқди, ёрқин, ёрқин... оҳ, худойим, ҳамма ёқ ёришди... кундуздан ҳам ёруғроқ.

Ана шунақа... қахрамонимиз томга чиқди ва томни қордан тозалай бошлади. Атрофда эса шундай гўзаллик! Ойнинг кумушсимон шуъласи қорнинг оқлиги билан уйғунлашган, бутун ғубор қор остига яширинган. Сеҳрли манзара, ҳа, фақат шундай...

Тасвирлашга тил ожиз гўзалликдан руҳ олган қахрамонимиз белкуракни кўйиб, муштугига сигарет тикди. Тунги байрамона осмондан кўз узолмай боши айланди. Тутунни ҳам ой томонга қараб пуфлади... Орзулади... Томда эканлиги ва пастда уни минг хил ишлар кутаётганлигини ҳам унутди...

Хаёллари қанотида ўтган кунларга, узоқ-узоқларга кетди... Айнан шу дамда қичқириқ ва яна узун қичқириқ... бўлди.

– Қўшнилари! Ёрдам беринг! Ўялапман! Бу ёққа!

Қўшнилари чиқишди, қичқириқни эшитиб югуришди ва... Улар нимани кўришди денг: қахрамони-

миз томдан кулаб тушган ва қорда ётибди. Ўзига тегишга қўймади, оғриқ зўр... Суякнинг сингани аниқ...

Бу ҳодисани менга ҳикоя қилиб берган Ибо жабрланганга ёрдам беришга шошилди, фелдшерни чақиришга одам юборди. У кўрдик: синган оёқлар орқага айланиб қолган. Агар суяклар шу ҳолда ўсиб кетса, Худо сақласин, унда одамнинг боши бир томонга айланса, оёғининг пайпоқлари бошқа томонга қарайди, бечорага орқаси билан юришга тўғри келади. Бечора шу дамда бир қоп синган суякдек ётиб дод соларди.

Нима қилиш керак? Албатта, Сивасдаги шифохонага олиб бориш керак. Қандай олиб бориш керак? Тунда. Қор йўллари тўсиб қўйган, ким олиб боради?..

Ибо суякли қопни ушлади, чанага юклади ва олиб кетди. Деярли бир кеча-кундуз юриб шифохонагача борди. Травматолог беморни кўрди:

– Ие, ие, кўп йиллардан бери ишлаб бунақасини кўрмаган эдим.

Операция узоқ давом этди. Ҳамма суякларини улашди, гипс қилишди. Маълум вақт ўтгач,

бахтиқарода оғриқлар ҳам чекина бошлади. Травматолог эса ҳамон таажжубланишдан толмас, бу одам қандай қилиб икки оёғини баробар синдириб олганини сўрайверарди. Оёқни, албатта, синдириш мумкин, аммо бундай ҳол қандай қилиб содир бўлган? Жумбоқ шифокорга тинчлик бермасди.

Шифокор сўрайди, қаҳрамонимиз бўлса оғзини тикиб қўйгандай жим. Шифокор яна сўрайди. Охири бемор чидамади: майли, мен сенга айтаман, аммо бошқа ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ичасан...

Шифокор сир сақлашга қасам ичди. Бемор ҳикоясини бошлади: Қирқ йил аввал...

Шифокорнинг бирдан жаҳли чиқди.

– Қирқ йил аввалгини қўй, яхшиси, айт-чи, томдан қандай йиқилдинг?

– Қирқ йил аввал...

– Сенга айтяпман, менга қирқ йил аввал нима бўлганининг қизиғи йўқ. Сен қандай қилиб бир йўла иккала оёғингни синдиришни уддаладинг?

– Ҳа, мен сизга худди шуни гапиряпман, докторвой... Қирқ йил аввал...

– Қайсар эшшак экансан, яқинроқдан кел. Қирқ йил аввал оёғингни синдирганинг йўқ-ку... Сенинг қирқ йил аввалингни ким эшитади?..

– Ҳа, ўша қирқ йил аввалги воқеа бўлмаганда, мен оёғимни синдирмаган бўлардим.

– Майли, билганингни қил. Гапир. Қирқ йил аввал нима бўлганди.

Бемор синган оёқлари осилган ҳолида ётганча ўзининг сирли тарихини ҳикоя қила бошлади.

Бу қирқ йил аввал бўлганди... Мен ўн саккиз ёшда эдим. Мўйловим энди чиқа бошлаган эди, мен ҳали аёлларни билмасдим. У

вақтларда мен овга қизиқардим. Милтиқни олардим-да, тоғлар, ўрмонларни кездардим. Ёввойи эчки, буғи, тўнғиз, қуёнлар, какликлар... гоҳида ўлжаларни уйгача аранг кўтариб келардим.

Қиш кирди. Совуқ. Одам бўйи қор. Менинг овга боргим келди. Тоққа караб силжидим. Қор остида сўқмоқни кўриб бўлмасди, аммо кўп омадим келди. Халтани қушлар, қуёнлар билан тўлдирдим. Ҳолдан тойган буғини шохидан ушлаб судрадим. Бўрон бошланди, ерниям, осмонни ҳам кўриб бўлмайди.

Таваккал қилиб юрдим... Даҳшатли... Жарга қулаб кетсанг борми, жасадингни ҳам топишолмайди... Агар жарликка қулаб тушмасам, музлаб ҳам қолмасам, бўри ғажиб кетиши аниқ. Судралиб борарканман, илтижо қилиб Яратгандан мадад сўрайман... Ўзинг асра, Оллоҳ, ўзинг асра... Шунда бирдан олдинда шуъ-





лага кўзим тушди. Шуъла – демак инсон, том, уй, иссиқ... Ёруғликка қараб боряпман-у, унинг яқин ёки олислигини билолмайман... Юрдим, юрдим, етиб ҳам бордим, бироқ эшикни таққиллатишга мадорим етмади, остона олдиға қуладим. Оҳ тортиб ётибман... Энг қизиғи, бугини ҳамон кўйиб юбормайман, шохидан тутганим-ча ётибман, йиқилганда бақирганман, шекилли... Эшик очилди: эҳ Худойим, остонада аёл пайдо бўлди. Гўзалларнинг гўзали... У мени кўрибоқ деди:

– Вой, бечора йигит, роса чарчабсан.

Мени кўтарди ва уйга олиб кирди. Уй иссиқ эди. Ўчоқда ўт ёниб турарди. Гўзал аёл хонадан чиқди ва шу ондаёқ қайтиб кирди.

– Бечора, бутунлай музлаб қолибсан. Ҳамма нарсангни еч, яхшилаб артин, манавиларни кийиб ол. – У менга кийимларни узатди.

Мен у айтгандай қилдим. Бутунлай ечиндим. Тозалаб артиндим, қуруқ ички кийимларни кийиб олдим. Ўчоқ ёнидаги оромкурсига чўқдим. Тез орада аёл чой олиб кирди.

– Иссиқ-иссиқ ич, ичингдан исийсан.

Мен чой ичиб ўчоқдаги оловнинг тилига тикиламан. Менга қулай бўлди, иссиқ, қизиб олдим ва ўйладим: қизиқ, бу аёл ким бўлди... У ёқдан-бу ёқдан гаплашдик... Унинг бугун уйда фақат ўзи эканлиги ва ён атрофда ҳеч ким яшамаслиги маълум бўлди. Маълум вақт ўтгач, у столга, тўғрироғи, шоҳона дастурхонга таклиф этди. Ранг-баранг егуликлар, ширинликлар... Мен овқатга ташландим, тезда қоринни тўлдирдим. Мени чарчоқ енгди, иссиқ элитди. Киприкларимга тош осиб кўйгандек ҳис қилдим. Уйқу босиб келди. У билан курашишга кучим етмасди, бошим кўкракка эгилди.

– Бор, ётақол...

У мени хобхонага олиб кирди. Эшикни ёпди ва кетди. Мен

ечиндим, ётдим, икки кишилик юмшоқ кўрпа-ёстиққа чўкиб кетгандай бўлдим. Ўрнимдан турдим, дераза пардасини сурдим, бўрон тинчибди, осмонда тўлин ой нур сочарди. Қандай гўзаллик! Мен бу ой, бу гўзалликлардан кўз уза олмасдим. Мен бунга қанча вақт қараб турдим – билмайман, энди чироқни ўчирмоқчи бўлиб тургандим, эшик очилди ва аёл кирди. Унинг эгнида юпқа матодан кўйлак, елкалари, қўллари, сийналари бутунлай очиқ. Сочлари таралган ва елкаларидан тушиб турибди. Ойнинг кумушсимон нурида у порлаб турган ҳайкалчага ўхшарди.

У бирпас жим турди, аммо мендан ҳеч қандай садо чиқмагач, секингина сўради:

– Сенга бирор нима керакми?

Мен бу меҳрибон аёлдан нима ҳам исташим мумкин? У мени совуқдан қутқарди. Уйга киритди. Қорнимни тўйғазди, кийим-бош берди. Юмшоқ жойга ётқизди... Яна нима ҳам хоҳлардим?

– Сенга раҳмат, мен яна нима хоҳлашим мумкин. Ҳаммаси зўр, Оллоҳ сенга мададкор бўлсин... Раҳмат...

– Демак, сен ҳеч нарса хоҳламайсан?

Мен яна қайта-қайта миннатдорлик билдирдим, ҳеч нарса керакмаслигини айтдим. Аёл чуқур хўрсинди. У нега бундай хўрсинди, мен тушунмадим. Яна бир неча дақиқа тургач, у шартта чиқди. Мен бошим билан кўрпага бурканиб уйқуга кетдим. Қуёш нури ойнадан кўзимга тушганда уйғондим. Чошгоҳ бўлган... Мен тезда кийиндим, аёлга миннадорлик билдирдим. Миннатдорлик сифатида буғи ва қуёнларни қолдирмоқчи эдим, у жиддий қаршилик қилди.

Мен яна бугининг шохидан тутиб йўлга тушдим ва тез орада уйимга етиб олдим.

Мана, бор гап шу, доктор... Шунча йил ўтди... Ишонсанми,

қорни кураш учун томга чиққан пайтгача ўша узоқ тунда аёл нима учун бунчалик оғир хўрсинганини англаб етмагандим... Мен қорни курай бошладим ва тезда чарчадим. Мана, олтмиш ёш яқинлашяпти... Кел, жиндай нафас ростлай, чекиб олай дедим... Осмонга қарадим – ой, эҳ қандай! Қайёққа қарама – ҳамма ёқда ой, яна шундай улкан, тўлин... Кумушсимон қор... Шунда ёдимга ўша тун келди. Белкуракни ташлаб, ойга боқиб ўйга толдим... Нега энди ўшанда у аёл шундай чуқур хўрсинди? Ўйладим, ўйладим ва топдим. Эҳ, тўнка! Овсар!.. Мана, демак, у ўша дамда нима демоқчи эди! О, қудратли эгам! Мен ўзимнинг аҳмоқ бошимга ура бошладим, ғазабланиб сакрадим – мана, кулаб тушдим... Қолганини ўзинг биласан, доктор. Иккала оёғим синган. Гарчи оёқларим умуман айбдор бўлмаса ҳам. Ҳаммасига менинг аҳмоқ бошим айбдор. Оёқларимни, албатта, синдириб олдим, бироқ шунинг эвазига қирқ йил аввал ўша аёл нима демоқчи бўлганини билиб олдим. Ахир, буни билмасдан ўлиб кетишим ҳам мумкин эди...

Ибонинг айтишича, бемор шундай ҳаяжонланганки, агар оёқларига осиб қўйилган тошлар бўлмаганда ётган жойидан йиқилиб тушиши аниқ эди.

Шифокор беморни эшитиб деди:

– Модомики шундай экан, оёғинг билан эмас, бошинг билан тушсанг бўларкан, аёлнинг ўша хўрсиниши учун қовоқ бошинг пачоқ бўлиши керак эди.

Ибо бу воқеани сир сақлашга сўз берганлиги учун ҳам Сивасда уни билмайдиган одам йўқ. Менга ҳам бу гаплар катта сир деб айтилган.

Рус тилидан  
**ҲАБИБ СИДДИҚ**  
таржимаси



**Наргиза АСАДОВА**

# Юрт ҳақида эрка изҳорлар

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади ҳадисларда. Аслида ҳамма инсоний туйғуларнинг ибтидоси ҳам ана шу муқаддас меҳрдир, муҳаббатдир. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Akademnashr” нашриётида чоп этилган “Сени яхши кўрагимиз, Ўзбекистон!” китоби ҳам шундай гўзал туйғулар тажассумига бағишланади.

Аҳамиятли жиҳати, унда ёш ижодкорларнинг публистик мақолалари жамланган бўлиб, ҳар бири она юртга бўлган меҳрдан, оқибатдан сўз очади. Йигирма етти нафар йигит-қизнинг мақолалари жой бўлган китобни варақлаб туриб, тенқурларнинг дадиллигини, шиддат инган қаламларининг равон йўлга интилаётганини пайқайсиз.

Сўз қадрини, қудратини англашга, сўзининг уддасидан чиқишга чоғланган публицистларнинг интилишлари сизда ҳам ҳавас уйғотади. Улар энг муаззам туйғу — она Ватан тимсоли ҳақида ёшликка хос самимий, бегидр, муҳими, рост сўзлайди. Мутолаа чоғида сиз чанг кўчаларда тоза хаёллар сургувчи қишлоқи болакайнинг “Ота, мустақиллик нима ўзи?” деб анграйиб туришини (“Истиқлолнома”), мусофирликнинг тахир таъмини тотиб, ўз ўлкасига қадам босгач, “Хайрият!” дегич толибанинг (“Мен сенга суюнгайман”), ҳарбийликка отланиб, ватанпарвар бўлган

алп йигитнинг изҳорини (“Адирга тўқилган тош”), истиқлолнинг илк кунларидаги қийинчилик палласида зогораю маккажўхори унидан ёпилган нонга қаноат қилган катталар қатори кичкинтойларни (“Энг ширин нон”), азим Сурхоннинг Сангардагида бир пайтлар урушга кетган юз йигитнинг ортга қайтмагани учун тоғлар ва бургутларнинг-да бўзлашини (“Менинг тоғларим”), тўй-мааракага эшак-отда эмас, энди замонавий уловларда бораётган чолларни (“Манглайи ярқираган халқ”), бемеҳр одамлардан чўчиб юқорилаб бораётган лолаларни (“Ота уй”), уйланишдан гап кетса отасидан уяладиган бўз йигитни (“Қалбда унган чечаклар”), Чўлпон юлдузининг шуъласида ёпиб олинган сутли нонни (“Йўл қараётган киши”) кўргандек, тотгандек, учрашгандек бўлаверасиз. Яъниким, бу қадрдон гўшалар сиз туғилиб ўсган қишлоққа, маҳаллага, кентга жуда ўхшаш, балки бари бир бутун Ўзбекистон бўлганлиги учун шундай туюлар. Ихчам ва лўнда тасвирлар, манзили аниқ гўшалар, кенгфеъл, жайдари одамлар, ўзбекка хослиги билан фахрланса арзир фазилатлар, буларнинг бари сизу бизни бир нуқтада – Ватан деган маконда бирлаштириши билан суюкли ва ўқимишлидир.

Тўпلامда “Тупроқ иси”, “Мангу кўшиқ”, “Дунёга бўйлашган ўзбек ўғлони”, “Меники”, “Оқимга ай-

ланаётган оқин”, “Уста бобонинг даврони”, “Навоийнинг хайратомуз ихтиролари”, “Қуёшдай меҳрибон ватанинг – онанг”, “Кадр ортидаги инсон ҳаёти” сингари мақолаларнинг реал воқеабандлиги, тилга олинган қахрамонларнинг эл-юрт меҳрини қозонганлиги, муаллиф фикрининг самимийлиги эътирофга муносиб.

Ўқиш жараёнида гоҳ Жиззахни, гоҳи Қашқадарёни, водийнинг сўлим масканларини, умуман она ўлкамизнинг турфа манзилларини кезиб чиқасиз. Кўнгли даласидек кенг кишилар билан учрашасиз, онангизга ўхшаб кетадиган, нигоҳи ёруғ аёллар билан диллашасиз. Юрагининг уруши яйловдаги саманнинг дупуридек ўйноқи, орзуманд болакайни укангиздек эркалайсиз, бошини силайсиз. Ҳар бир ёзилмиш тасаввур кенгликлари аро етаклаб, сизни шу хоксор тупроққа янаям яқинлаштиради. Ўзи эмас, сўзи ёдда қоларли бўлиб бораётган, адабиёт майдонида ўрнини топиб улгураётган тенгдошларингизнинг ютуғидан, қувончидан бахтиёр этади.

Тўпلامга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо айтганидек, бу битиклар “Навқирон қалб изҳори”дир. Чиндан ҳам, бу навқиронлик устозлар далдасидан, ўзаро биродарлик тутумидан, истиқлол яратикларидан бўй олган, тафт олган эрка изҳорлардир.





**Анвар ОБИДЖОН**

# Эркин Воҳидов мутбойибалари

## Тиниб-тинчмаган ит

Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ўткир-ўткир асарларининг орқасидан эски тузумнинг тазйиқларига учрагани, неча-неча танқидларга дучор бўлгани кўпчиликка маълум. У киши бундай гала-говурларга парво қилмаётгандек бўлиб юрса-да, юрагига маълум даражада жароҳат етганини баъзи бир сўзларидан пайқаб олиш қийин эмасди.

Ижодий сафарлардан бирида устоз билан битта хонада тунайдиган бўлдик. Вақт ярим кечадан оғиб боряптики, ташқарида бир кўпак тинимсиз вовуллаверди. Шунда Эркин ака босиқ товушда аста сўз қотди:

– Қизиқ! Бу ҳаловатсиз ит қайси арслоннинг китобини танқид қиляптикин?!

## Ўша таниш қоровул

Тошкентга эндигина ишга келган пайтларим эди. Бировникида ижарада турардим.

Ойлик таътилга чиққан Эркин ака бутун оиласи билан Иссиққўлда дам олиб келишга жўнади, мен уйни қўриқлаб турадиган бўлдим. Тирикчилигим учун совуткичга тўлдириб ташланган хилма-хил ноз-неъматларнинг ярмини еб улгурмасимдан улар саёҳатдан қайтиб келишди.

Бир-икки ойдан кейин устозни зиёратлаб борсам, ҳали мактаб ёшига етмаган кенжатоий Фозилахон мен билан жуда бўлакча кувониб кўришди.

– Бу қизимнинг севинчи ичига сизга сизга турибди ҳозир, – дея елка учуриб кулди Эркин ака. – Сизни узоқдан кўриб, менга қараб, дада, яна Иссиққўлга борамизми, деб сўради.

## Эркакчилик

Нашриётдаги бир ходимимизнинг тўйига бордик. Ўтириш узоққа чўзилди. Шерикларимиздан бири безовталаниб, мен уйга бормасам бўлмайди, хотиним бетоброқ, деб жойидан қўзғалди. У чиқиб кетгач, бошқа шеригимиз Эркин акага ўгирилиб ҳиринглади:

– Ёлғондан баҳона қилди, уйга кеч боришга хотиндан кўрқади. Эркак дегани, мана, биздақа бўлиши керак, “гаҳ” десак, хотин шип этиб қўлга қўнади.

– Гапингизга тўлиқ ишонаман, – деб мийиғида жилмайди Эркин ака. – Хотинни менсимаслигингизни тунов куни ошхонада овқатланганимизда, официант кизга пулни пайпогингизнинг ичидан олиб берганингиздаёқ фаҳмлаган эдим.



## Мухлис узум

Бир куни Эркин акани йўқлаб, уйига бордим.

Пича суҳбатлашиб ўтирдик. Қайтаётганимда мени кузатишга чиқиб, бодринг экишга томорқам бўлмасаям, мана, олтиариқлик эканимни билдириб, дарвозанинг ёнига узум экиб қўйдим, деб мақтанди. Бир қарашдаёқ билдим, бу – дарахтларга илашиб бўлсаям мева қилаверади-ган жайдари узумлардан.

Эркин акага буни ётиқроқ тарзда шамалаб, бу жуда ғалати узум, меваси ширин бўлмасаям, томири болалаб, мухлисларингиз сингари тобора кўпайиб бораверади, дедим.

Орадан икки ойча ўтгач, Эркин ака уюшмамиздаги бир мажлисда олдимга келиб деди:

– Дарвозамизнинг ёнидаги узумни мухлисингиз деб тўғри айтган экансиз, шекилли. Ёзда кўча томондаги деразамизнинг форточкаси очиқ туради, узумнинг битта шохи шу жойдан ичкарига кирволиб, янги ёзаётган шеърларимни пешма-пеш ўқиб боряпти.

## Эҳтиром ифодаси

Фарғонадаги анжумандан қайтаётиб, Олтиариқдан ўтаётганимизда, машинани четга олдириб, Эркин акани йўл ёқасидаги ошхонага бошладим:

– Олтиариққа келганлар бу ернинг машҳур сомсасини емасдан кетмайди. Келинг, шундан иккита-иккита татиб кўрайлик.

Ошхона бирдан байрамга айланиб кетди. Хўрандалар бирма-бир келиб, суюқлидан суюкли шоири билан кучоқлашиб кўришишга тутинди. Ҳатто болалар деразадан мўралаб, сомса ейишимизни томоша қила бошлашди. Шундай машҳур одам ҳам овқат ер экан-да, деб уйлашгани аниқ.

Қўзғалаётиб, пул берсак, сомсапаз олмасдан турволди. Бундан Эркин аканинг яна ҳазилкашлиги қўзиди:

– Шуни олдинроқ айтмайсизми, укажон. Билганимизда, сомсани иккитадан-мас, тўрттадан буюрардик.

## Ўзини ўзи қидириш

Эркин ака билан ёшлар нашриётида бирга ишлардик. Бир таниши тўйга айтган экан, юринг, текинга тушлик қилиб келасиз, деб мени ҳам бирга олиб борадиган бўлди. Гараждан машина чақирса, бузилган жойини ҳайдовчи ҳали тузатиб улгурмаган экан, майли, автобусда борақоламиз, деди.

Автобусга чиқиб, орқароқдаги ўриндиққа ўтириб-ўтирмасимизданоқ, олдимизда кондуктор аёл пайдо бўлди. Пулимизни олиб, чипта йиртиб узатаркан, Эркин акага тикилиб боқиб, худди Эркин Воҳидовга ўхшаркансиз, деди.

– Мен акаси бўламан, – дея аёлга жиддий қиёфада юзланди Эркин ака. – Бир ҳафтадан бери уйга келмаяпти, деб хотини арз қилганиди, мана, ўша Эркинбойларингни эрталабдан бери ахтариб юрибман.

## Масаланинг моҳияти

Эркин ака депутатлик пайтида тегишли тумандаги сайловчилар билан йиғилиш ўтказди.

– Сизга бир арзимизни айтмоқчиман, – деб қолди сайловчилардан бири. – Қўшни маҳаллада артизон суви бор, бизда йўқ. Тўрт юз метргина қувур тортилса, иш битади-қолади, лекин шўролар давридан бери шу масала ҳал бўлмай турибди.

Шунда Эркин ака кулимсираб мутойиба қилди:

– Ўша тўрт юз метр қувур муаммосини ўзимиз ҳал қила қолайлик деб, юртимиз атайлаб мустақил бўлди. Бу ишни мана энди битирамиз-да!

Кўп ўтмай, бу юмуш битди.